

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.АБИЛПАЙЗИЕВ, О.ХИДИРОВ, А.ИРНАЗАРОВА



ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.АБИЛПАЙЗИЕВ, О.ХИДИРОВ А.ИРНАЗАРОВА

**ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ
(ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА)**

Бугунги кунда нотиббий олий ўқув юртларида тиббий билим асосларини ўқитишида ўқув ва услугий құлланмалар танқислиги туфайли ушбу соҳада қийинчилеклар юзага келмоқда. Ана шу әхтиёжни ҳисобга олиб, “Тиббий билим асослари” фанини ўқитиши давлат дастурига мувофиқ, ушбу янги құлланма яратилди. Унда тиббий билим асосларидан кенг қамровли назарий маълумотлар, амалий йўл йўриклиар берилган.

Құлланма нотиббий олий ўқув юртлари бакалавр таълим йўналиши талабалари, академик лицей ва коллеж ўқувчилари, соҳа педагоглари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда биринчи тиббий ёрдам беришга қизиқувчи кишиларга мўлжалланган.

Ушбу ўқув-услубий құлланма Термиз давлат университети “Зоология” кафедрасининг 25.11.2011 йил №4-сонли, Табииёт-география факультети илмий кенгашининг 30.01.2012 йилидаги №6-сонли ҳамда университет ўқув услугий кенгашининг 06.02.2012 йилдаги №5-сонли йигилиш қарорлари билан тасдиқланган.

Тақризчилар:

б.ф.д. проф.
б.ф.н. доц.
т.ф.н.

Ш.Х.Хуррамов
А.Кулмаматов.
А.Пардаев.

СҮЗ БОШИ

Хозирги вақтда фан ва техниканинг жадал ривожланиб бориши, улкан ютуқларга эришиш билан бир қаторда, инсоният саломатлигига салбий таъсир этувчи бир талай муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Хозирги техника асрида ҳар қандай касб эгаси врачгача биринчи ёрдам кўрсатишни жумладан, шикастланганда врачгача ёрдам кўрсатишни билмоги лозимлигини ҳаёт тақазо қилмоқда. Атроф-мухитнинг ифлосланиши, экологик ўзгаришлар, қышлоқ ва халқ хўжалигига ҳар хил кимёвий заҳарли моддаларнинг қўлланилиши сабабли, аҳоли орасида кўп ҳолларда тўсатдан рўй берадиган касалликлар, заҳарланишлар, баҳтсиз ҳодисалар ва шикастланишлар учраб турибди. Ушбу шикастланиш ҳодисалари тиббий муассасалардан узоқда автомобиль йўлларида, тоғларда ва чўлларда меҳнат жараёнида учраб туради. Ушбу ҳолатларда ўз вақтида тўғри ва аниқ кўрсатилган шифокордан олдинги биринчи тиббий ёрдам, инсон ҳаётини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эгадир.

Шуни назарда тутган ҳолда, Термиз давлат университети Зоология кафедрасининг ўқитувчилари “Тиббий билим асослари” фани бўйича ушбу ўқув услугубий қўлланмани тайёрлашди. Бу иш шу соҳада университетимизда илк бор ўзбек тилида нашр этилмоқда.

“Тиббий билим асослари” ўқув-услубий қўлланмасида беморларни парвариш қилиш, тўсатдан юз берадиган касалликлар ва заҳарланишлар, юқумли касалликлар ҳамда шикастланишларнинг келиб чиқиш сабабларини эртароқ аниқлаш ва унинг белгилари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усууллари қисқа ва содда тарзда баён этилган.

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси нотиббий олийгоҳларининг талабалари учун мўлжалланган дастур асосида ёзилди. Қўлланма бу соҳадаги дастлабки иш бўлганлиги учун баъзи бир хато ва камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиий. Китоб мазмунини яхшилашга ёрдам берадиган дўстона Фикр-мулоҳазаларни муаллифлар миннадорчилик билан қабул қиласидар.

I-БОБ. БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ПАРХЕЗ ТАОМЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Пархез №1. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг қайталанувчи яра касаллиги, ўткир гастритнинг 1-2 кунида қўлланилади. Шунингдек, юқоридаги касалликларнинг тузалиш даврида ҳам тавсия этилади.

Овқат таркиби: 4-5 стакан сут, 70-80 г ёғ, қайнатилган 2 дона тухум, сутли маний бўтқа, мева шарбатлари, қуритилган оқ нон, творог, қайнатилган гўшт ва балиқ.

Пархез №2. Сурункали гипоацид гастрит, сурункали энтерит ва колитнинг тузалиш даврида тавсия этилади.

Овқат таркиби: ёғсиз гўшт, котлет, балиқ, тифтел ва мева сабзавотлар, оқ нон печенье, сариёғ, тухум, қатик, лимон.

Пархез №3. Сурункали ич қотганда қўлланилади.

Овқат таркиби: қора нон, сариёғ, ўсимлик ёғи, мева ва сабзавотлар, ёғли ва гўшти овқатлар, гречкали бўтқа, кефир.

Пархез №4. Қайталанувчи энтерит ва колит касаллигига берилади.

Овқат таркиби: қуритилган оқ нон, сариёғ, гуручли ва маний бўтқа, гўшти, баликли ва товуқ гўшти овқатлар, лимон чой.

Пархез №5. Жигар ва ўт йўллари касалликлари уларнинг қайталанувчи даврида, панкреатит касаллигига тавсия этилади.

Овқат таркиби: бироз қотган (суви қочган) оқ ёки қора нон, гречкали ва сабзавотли бўтқалар, сариёғ, творог, кефир, қайнатилган гўшт, балиқ.

Пархез №6. Подагра касаллигига қўлланиланилади.

Овқат таркиби: суви қочган оқ ёки қора нон, гречкали ва сабзавотли бўтқалар, сариёғ, қайнатилган гўшт, балиқ.

Пархез №7. Нефрит, пиелонефрит, цистит, уретрит касалликларининг ўткир ва сурункали ҳамда соғайиш даврида тавсия этилади.

Овқат таркиби: сут-қаймоқ, тузсиз нон, қайнатилган гўшт, балиқ, сабзавот ва мевалар, чекланган миқдорда тухум, соғайиш даврида эса суткасига 2-3 грамм гача овқатга ош тузи қўшиб берилади.

Пархез №8. Семизлик (семириш) касаллигига тавсия этилади.

Овқат таркиби: Сутли овқатлар, ёғсиз гўшт, сабзавот ва мевалар.

Пархез №9. Қандли диабет касаллигига қўлланилади.

Овқат таркиби: тухум, пишлоқ, кўкатлар, ширин бўлмаган мевалар.

Пархез №10. Компенсация ҳолати бузилган, юрак қон томирлар тизими касалликларида (буюрилади) берилади.

Овқат таркиби: сутли маҳсулотлар, оқ ва қора нон, қайнатилган ёғсиз гўшти, балиқли шўрвалар, сабзавотлар ва мевалар.

Пархез №11. Сил. Камқонлик ва бошқа қон касалликларида берилади.

Овқат таркиби: юқори калорияли овқатлар (тухум, гўшт, балиқ). Оқсил суткасига 120 граммгача кўпайтирилади.

Пархез №12. Нерв тизими касалликларида қўлланилади.

Овқат таркиби: турли туман маҳсулотлар. Бироқ аччик, шўр, нордон

маҳсулотлар чекланади, кофе берилмайди.

Парҳез №13. Ўткир юқумли касалликларда тавсия этилади.

Овқат таркиби: Кўп миқдорда суюқликлар (минерал сув, шарбатлар), қайнатилган шўрва, творог, тухум сариги берилади.

Парҳез №14. Пешоб-тош касаллигига буюрилади.

Овқат таркиби: А) пешобда фосфор чўкмаси бўлганда ун ва гўшти маҳсулотлар миқдори чекланиб, кўпроқ ловия, нўхат маҳсулотлари берилади.

Б) пешобда оксалат чўкмалари бўлганда, bemорга ловия, нўхат маҳсулотлари берилмайди, чунки булар таркибида шавил кислотаси мавжуд. Шунинг учун bemорга олма, нок каби таркибида шавил кислотаси кам бўлган маҳсулотлар берилади.

Парҳез №15. Соғлом ва касалликлардан соғайган bemорлар учун тавсия этилади. Овқат таркиби: турли-туман маҳсулотлар тавсия қилинади.


БЕМОРЛАРНИНГ ШАХСИЙ ГИГИЕНASI

Шахсий гигиена тадбирларига ўрин-бошни тайёрлаш, ички кийимлар ва чойшабларни алмаштириш, тери, соч, тирноқлар, кулоқлар, бурун, кўзларни парвариш қилиш, bemорлар тагини ювиш каби муолажалар киради. Бу тадбирлар оғир ётган bemорларда тибиёт ҳамшираси, кичик ҳамшира ва bemорнинг яқинлари томонидан амалга оширилади.


ЧОЙШАБЛАР ВА ИЧ КИЙИМЛАРНИ АЛМАШТИРИШ

Касалхоналарда ва уйда bemорларнинг чойшаблари ва ички кийимлари ҳафтасига бир марта, гигиеник ванна қабул қилгандан сўнг алмаштирилади. Оғир bemорларда чойшаблар ва ич кийимлар тибиёт ҳамшираси, кичик ҳамшира ва bemорнинг яқинлари ёрдамида алмаштирилади.

Беморнинг аҳволига қараб, чойшаблар икки усулда алмаштирилади (1 А ва Б-расмлар).



1 А-расм.



1 Б-расм. Оғир ахволда ётган беморлар чойшабларини алмаштириш.

1. Кир чойшаб оёқ томондан қайирилиб ёки буқлаб эҳтиётлик билан сүгуриб олинади. Икки томондан бинт каби ўралган чойшабни беморнинг думғазаси тагига кўйилади. Сўнгра бош ва оёқ томонига тортиб ёзисб кўйилади. Ёзилган чойшаб текис, таранг, фадир-будир ямоқларсиз бўлиши лозим.

2. Бемор ўриннинг бир четига сурилади, кир чойшаб узунасига бинт шаклида ўралади, унинг ўрнига тозаси ёзилади, бемор тоза чойшаб устига ётқизилади, иккинчи томондан кир чойшаб тортиб олинади.

БАДАН ТЕРИСИНИ ПАРВАРИШЛАШ ВА ЁТОК ЯРАЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ

Оғир ётган беморларни парвариш қилишда терини озода сақлашнинг аҳамияти катта. Тери яхши парвариш қилинмаганда ва организм заифлашганда терининг босилиб турадиган соҳаларида ётоқ яралар ҳосил бўлади. Бадан терисида ётоқ яралар одатда курак, бел, тирсаклар, думғаза, сон ва болдири соҳасида пайдо бўлиб, уларнинг ривожланишига терида қон айланишнинг бузилиши сабаб бўлади.

Ётоқ яраларнинг дастлабки белгилари: Терининг қизариши, шишиб турганлиги ва эпидермис қаватининг қичиши аниқланади. Кейинчалик терида битмас яралар пайдо бўлади. Юмшоқ тўқималар, тогай, ҳатто суяклар некрозга учрайди. Инфекциянинг қўшилиб кетишидан баъзан сепсисга олиб келади.



2 - расм. Бемор терисини парваришилаш.

Оғир аҳволда ётган bemorларнинг терисини парваришилаш ва ётоқ яраларнинг олдини олиш тадбирлари (2-расм).

1. Дезинфекцияловчи эритмалардан бири ёки илиқ сув олинади. Матони илиқ дезинфекцияловчи эритма ёки сувга ҳўлланади, оз-моз сиқилади ва bemor бўйини, қулоқ орқасини, кўқрак қафасини олдинги юзасини, қўлтиқ остилари артиб чиқилади. Аёлларда сут безларининг тагидаги бурмаларни артишга эътибор берилади. Сўнгра тери сочиқ билан куригунча артилади. Бемор оёқларининг тўшаги устига тогорачани кўйиб, ювиб олинади, тирноқлари калта қилиб қирқиласди.

2. Ётоқ яраларнинг олдини олиш профилактикаси учун қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

а) bemorларнинг ўриндаги ҳолати ўзгартирилади (ёнбош қилиб ётқизиш);

б) чойшабларда ушоқлар бўлмаслиги учун қоқиб ташланади;


в) чойшаблар ва ички кийимларда бурмалар бўлса ва ямоклар бор бўлса, улар алмаштирилади;

г) bemornинг думғазаси тагига, ичига ҳаво пуфланган жилд кийдирилган резина чамбар кўйиб кўйилади;

д) терини камфора спирти билан ҳўлланган сочиқ билан ишқалаб артилади.

ОҒИЗ БЎШЛИГИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Касаллик натижасида оғир ётган bemorларнинг организми заифлашиб қолади. Уларнинг оғиз бўшлиғига микроорганизмлар йигилади, кўпаяди, бу эса оғиз бўшлиғида бадбўй ҳид ҳосил қиласди. Натижада оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларининг яллигланиш касаллиги-стоматитлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам оғир ётган bemorларнинг оғиз бўшлигини мунтазам равишда парвариш қилиш зарур (3-расм).



3-расм. Беморларни овқатлантириш ва оғиз бүшлигини парваришилаш

Юрадиган bemorlar ҳар куни овқатдан кейин эрталаб ва кечқурун тишларини тиши пастаси ёрдамида ювишлари керак. Оғиз бүшлигини күчсиз намакоп әритмаси билан чаядилар. Оғир ахволдаги bemorlarning оғиз бүшлигини тиббиёт ҳамшираси ёки bemorning яқинлари ҳар сафар овқатдан кейин чайиб қўйиши лозим. Зарурият бўлганда, врач кўрсатмаси билан оғиз бүшлигига дори-дармонлар ёрдамида таъсир кўрсатиш муолажаси (аппликация ё чайиш)ни бажарадилар. Аппликация асосан оғиз бүшлиги шиллик пардаси яллигланиши (стоматит) касаллигига қўлланилади.

Баъзи bemorlar lab қурийди, оғиз бурчаклари ёрилади, оғизни очганда оғриққа сабаб бўлади. Бемор ахволини яхшилаш учун, сувга ҳўлланган дока босилади. Бирор ҳил доридан суртиб қўйилади. Агар тиши протезлари бўлса, кечқурун олиб совунлаб ювиб қуруқ қилиб артиб қўйилади. Эрталаб яна ювиб кейин тақиб қўйилади.

СОЧЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ

Bemorlar сочини ҳар 7-10 кунда совунлаб ёки шампунлаб ювиб туриш зарур. Оғир ахволдаги bemorlarning сочи кирланишидан ташқари, унда сирка ва битлар пайдо бўлиши мумкин. Tibbiёт ҳамшираси ёки bemorning яқинлари bemor сочини синчиклаб текшириб туриши ва тоза тутиши шарт.

Узоқ муддат касалхонада ётадиган эркаклар соchlарини калта қилиб олдириб, бошларини 7-10 кунда ювишлари мумкин. Сочи узун аёлларнинг сочи ҳар куни майда тишли тарокда таралади. Юрадиган bemorlar бошларини гигиеник ванна қабул қилган пайтда ювадилар. Bemor узоқ вақт ўринда ётса, боши ўринда ювиб қўйилади.

Оғир ётган bemorlarning соchlарини парвариш қилиш қўйидаги тартибда бажарилади. Bemor ётган каравотнинг бош томонига тоғорача қўйилади. Bemorning бошини бўйин сатҳидан орқага ташлатиб қўйилади ва тагига таглик қўйилади. Boшига совун суртиб, соchlари тагидаги тери яхшилаб ишқаланади (4-расм).



4-расм. Оғир ахволда ётган беморлар сочларини ювиш.

Сүнгра сочлар чайлади ва қуригунча артилади. Шундан сұнг құнт билан тарапади. Беморнің бошига сочиқ ёки рүмөл үраба құйилади.

БЕМОРЛАРНИҢ ТАНА ҲАРОРАТИ, НАФАС ОЛИШ СОНИ ВА ТОМИР УРИШИ(ПУЛЬС)НИ САНАШ ҲАМДА АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИНИ ҮЛЧАШ

Соғлом одамда тана ҳарорати нормада доимий бўлиб, эрталабки ва кечки соатларда озрок ўзгариб туради ва 37°C дан ошмайди. Ҳароратнинг доимийлиги организмда иссиклик ишлаб чиқарилиши ва иссиклик ажратиш жараёнларига боғлиқ. Болаларда ҳарорат бирмунча юқори кексаларда бир оз пастроқ бўлади. Тўғри ичак ва қиндаги ҳарорат, қўлтиқ ости ва чов соҳасининг терисидаги ҳароратта қараганда 1°C га юқори бўлади.

Тана ҳароратини үлчаш ва уни кузатиб бориш тиббиёт ҳамширасининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Тана ҳарорати тиббиёт термометри билан үлчанади. Бизнинг мамлакатимиизда тана ҳароратини үлчаш учун Цельсий бўйича даражаланган тиббий термометрдан фойдаланилади. У капилляри бор шиша найчадан иборат бўлиб, найча учида симоб тўлдирилган резервуар бор. Бу найча шкалага маҳкамланган бўлиб, шкаланинг 34°C дан 42°C гача даражалари бор.

Тиббиёт термометрини уй шароитида маҳсус картон ёки пластмассадан тайёрланган ғилофларга солиниб, аптечкаларда сақланади. Касалхона шароитида эса термометрлар тубига бир қават пахта қўйилиб унинг $1/2$ ҳажмигача $0,5\%$ ли хлорамин ёки 70°C спирт солинган банкаларда сақланади.



5-расм. Бемор тана ҳароратини құлтиқ остида үлчаш.

Тана ҳарорати құлтиқ остида, чов соҳасида, оғиз бўшлиғида, тўғри ичак ва қинда үлчанади (5-расм). Ҳароратни үлчашдан олдин термометр қуруқ қилиб артилади, бир-икки силкитиб симоб 35°C дан пастгача туширилади. Бемор құлтиқ ости соҳаси сочиқ билан артиб қуритилади. Термометрнинг симболи резервуари құлтиқ остида, ҳамма томондан баданга тегиб турадиган қилиб қўйилади. Үлчаш вақтида bemor қимирламай ёки ўтириши лозим.


ПУЛЬС

Пульс ёки томирлар уриши деб, томирлар деворининг юрак ҳайдайдиган қон ҳаракати натижасида келиб чиқадиган турткисимон тебранишларига айтилади. Пульснинг хоссалари унинг частотаси, ритми, таранглиги, ва тўлиқлиги билан белгиланади.

Пульс частотаси нормада 1 дақиқада 60 дан 80 мартагача ўзгариб туради. Пульс частотаси ёшга, жинсга, тана ва ташқи мухит ҳароратига, шунингдек жисмоний ҳаракатга боғлик.

Аёллар пульси эркакларникига нисбатан тезdir.

Пульс артериялар юза жойлашган соҳаларда аниқланади. Пульсни пайпаслаб текшириш учун кулай томир, билак артериясидир. Пульсни чакка, уйқу ва сон артерияларида ҳам санаш мумкин (6-расм).



б-расм. Пульс аниқланадиган соҳалар:

1-уйку артериясида; 2-елка артериясида; 3-билак артериясида; 4-сон артериясида; 5-тизза ости артериясида; 6-тўпик артериясида.

Пульс одатда билакнинг кафт юзасида, 1 бармоқ асосида, билак артериясида аниқланади. Бемор панжасининг ўнг кўл билан панжа букиш соҳасида бўшгина ушланади ва ўнг кўл текширилувчининг юрак сатхига кўйилади. Бунда 1 бармоқни тирсак томонига, 2, 3 ва 4 бармоқларни эса билак томонига бевосита билак артериясига кўйилади, бармоқ остида пульсация сезилади. Артерияни учала бармоқ билан пайпастлаб, билак суюгининг ички томонига босилади.

Пульсни санаш бир дақиқа ичидаги ўтказилади.

Пульснинг тезлашуви тахикардия, секинлашуви брадикардия дейилади.

Пульс тўғрисидаги маълумотлар ҳарорат варақасига қайд қилинади.

НАФАС ОЛИШ

Нафас организмга кислороднинг узлуксиз тушиб турини ва карбонат ангидрид гази ва сув буғларининг ажралиб чиқишини таъминлайдиган асосий ҳаётий жараёндир.

Кўкрак қафаси ўлчовларининг қайси йўналишда ўзгаришига қараб, нафасни кўкрак, қорин ва аралаш типлари фарқ қилинади.


Нафас ҳаракатлари частотаси катта одамда нормада бир дақиқада ўртача 16-20 та бўлади. Нафас ёшга, жинсга ва тананинг вазиятига бевосита боғлиқ бўлади. Жисмоний иш, овқат ейиш, тана ҳароратининг ошиши, руҳий кўзгалиш нафасни тезлаштиради.

Нафас ҳаракатларини bemор сезмайдиган қилиб санаш керак. Қўлни bemор кўкрак қафаси девори устига кўшиш ёки пульсни санагандек қўлни ушлаб турини кифоя.

АРТЕРИАЛ БОСИМНИ АНИҚЛАШ

Артериал босимни ўлчаётганда бемор тинч ўтириши ёки ётиши керак. Беморнинг ялангчаланган қўлига тирсак бўғимидан юқорирокда (2-3 см) манжеткани сикмасдан, у билан тери орасига бир бармоқ сиғадиган қилиб боғланади. Кўлни қулай вазиятда кафт юзаси юқорига қаратилган ҳолатда ушлаб турилади. Тирсак бўғимининг ички юзасидан елка артерияси устида томир уришини пайпаслаб топиб, устига фонендоископ бошчаси тақаб қўйилади.

Манжеткага найча орқали туташтирилган ноксимон резина баллонча орқали ҳаво киритилади. Ҳаво бир вақтда манжеткага ва манометрга тушиб босим остида манометрдаги пружина қаршилиги кучи билан ўлчаниб (бу куч миллиметрли бўлинмалари бор) стрелкага ўтади ва уларни ҳаракатта келтиради. Манжеткага ҳаво бемор ёшига, касалллик турига қараб 140 дан 200 мм симоб устинигача юборилади, токи фонендоископ орқали қулоқга юрак тонлари (товуш) эшитилмай қолгунча аста-секин юборилади. Кейин баллонча бўғзидағи винтлни бўшатиб ҳаво чиқарилади. Манжеткадаги босим артериядаги босим микдорига етса, юрак тонлари эшитилади. Монометрдаги ракамлар систолик (максимал) қон босимини кўрсатади (7-расм) (*Соғлом одамда нормада қон босимни 120/80 мм смоб устунига тенг бўлади*).




7-расм. Артериал босимини ўлчаш.
1-символи тонометр. 2-символи тонометр билан қон босимини ўлчаш.

Манжеткадаги босим пасайиб борган сари эшитиладиган тонлар пасайиб боради ва аста-секин йүқолади. Бу диастолик (минимал) босим бўлиб, монометрдаги рақамлар шу босимни ифодалайди.

ҚОН АЙЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВОСИТАЛАР ХАНТАЛ (ГОРЧИЧНИК)ЛАР

Ханталлар (горчичниклар) - терини таъсирилтириб, ундаги қон томирларни эфирил хантал мойидан кенгайиши билан таъсири курсатади.

Ханталлар кучли спазмли оғриқларда, ўпка ёки бронхлар яллиғланганда, қон-томирлар спазмидаги кенг қўлланилади.



8 - расм. Хантал қўйиш.

Ханталлар устига қуруқ хантал кукуни ёпиширилган ўлчами 12x18 см.га тенг бўлган қофоз бўлаги бўлиб, улар фабрикада тайёрланади. Хантални уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 1 ош қошиқ хантал кукуни олинади, унга 1 ош қошиқ буғдой уни қўшилади ва аста-секин илик сув билан бўтқа холига келгунча аралаштирилади. Ҳосил бўлган бўтқаси 30 дақиқага тиндириб қўйилади, сўнгра 2 қават дока устига бўтқадан 0,5 см қалинликда суртилади ва устига яна бир қават дока ёки оқ қофоз ёпилади.

Ханталларни қуруқ ва қоронғи жойда сақлаш керак. Уни ишлатишдан олдин яроқлилиги текшириб қўрилади. Янги ханталдан ўткир ханталнинг ҳиди келади ва у қофоздан уваланиб кетмайди. Хантални тананинг ҳамма тизими соҳасига қўйиш мумкин.

Тери касалликлари, қон оқиши, ўпка сили, ўпка раки, аллергик ҳолатларда ханталларни қўллаша мумкин эмас.

Беморнинг хантал қўйиладиган соҳасидаги тери кўздан кечирилади. Терида тошмалар, тирналган жойлар, яралар бўлмаслиги керак.

Хантални илик сувда намлаб, кейин силкитилади, сўнгра тананинг

керакли соҳасига хантал томони билан қўйилади (8-расм). Устидан сочиқ билан ёпилади. 10-15 дақиқа ўтгач хантал олинади. Хантал қўйилган соҳа териси илиқ сув билан намланган юмшоқ мато билан ювилиб, қуруқ қилиб артилади. Бемор кийинтирилиб, иссиқ ўраб-чирмаб қўйилади. Ханталларни ҳар куни эмас, кун оша қўйиш мумкин.

БАНКАЛАР

Банкалар врач томонидан тайинланадиган даво муолажаларидан бири ҳисобланади. Улар яллиғланиш ҳодисаларининг сўрилиши, оғриқнинг камайишига ёрдам беради. Банкалар четлари силлик, туби юмалок колбачасимон шиша стаканчалардир.

Қўкрак қафаси органларидаги яллиғланиш жараёнлари, қовургалараро невралгиялар, радикулитлар, ўткир ва сурункали миозитларларда тавсия этилади.

Монеликлар. Ўқкадан қон оқиши, ўпка сили, қўкрак қафаси ўсмалари, тери касалликлари, аллергик ҳолатлар, эпилепсия.

Одатда банкалар bemor ётган ҳолатда 10 тадан 20 тагача қўйилади. Ишлатишдан олдин уларни илиқ сув билан яхшилаб ювилади, қуруқ қилиб артилади. Сўнгра банкалар қўйиладиган соҳа кўздан кечирилади.

Кўпинча банкаларни қўкрак қафасининг орқа томонига, орқага, белга қўйилади. Банка қўйиладиган соҳа терисини жун босган бўлса, у қириб ташланади ва яхшилаб ювилади, вазелин суртилади. Бунда банкалар терига зич ёпилади ва тери куйиб қолмайди. Метал стерженга яхшилаб пахта ўралади ва у спиртга ботирилади. Суюкликтин ортиқаси пахта тампондан силкитиб туширилади. Шундан кейин метал стерженга ўралган пахта ёқилади. Банкани bemorни танасига яқинлаштириб, ёниб турган тампонни 2-3 секундга банка ичига тикиб, унинг ҳавоси чиқарилади. Зудлик билан керакли соҳага қўйилади.

Банка ичиди вакуум ҳосил бўлганлиги сабабли, унинг тагидаги тери 1-3 см баландликкача тортилади ва тиник қўнгир тусга киради. Банкалар терида 15-20 дақиқагача туриши керак. Белгиланган муддат ўтгандан кейин, банка олинади. Бунинг учун банкани эҳтиётлик билан бир оз четга буриб, иккинчи қўл бармоқлари билан банка четидаги тери босилади. Банка ичига ҳаво кириши билан осонликча теридан ажралади. Банка олингандан кейин тери артилади, bemorни иссиқ қилиб ўраб ётқизиб қўйилади. Банкалар кун оша ёки ҳар уч кунда бир марта қўйилади.

Банкалар ишлатилгандан кейин яхшилаб артилади ва маҳсус яшикчаларга териб қўйилади. Бошқа керакли жиҳозлар ҳам шу яшикда сақланади.

КОМПРЕССЛАР


Компресслар-яллиғланиш жараёнларининг сўрилишига ёрдам берадиган, оғриқни камайтирадиган ва қон кетишини тўхтатадиган даволовчи ва чалгитувчи воситадир.

Компресслар иситувчи ва совитувчи компрессларга бўлинади.

Иситувчи компресс теридаги ва чукур жойлашган қон томирларнинг узоқ вақтгача кенгайиб туриши ҳисобига, шу соҳадаги яллигланиш жараёнини сўрилишига ва оғриқнинг камайишига ёрдам беради.

Иситувчи компрессларни тери касалликларида, дерматитлар, пиодермия, чипқон каби касалликларида кўйиш мумкин эмас. Иситувчи компрессларни тананинг исталган соҳасига кўйиш мумкин. Компресслинг кўллаш муддати 6-12 соат, у эрталаб ва кечкурун алмаштирилади (9-расм).

Компресслар учун сув, кучсиз сирка эритмаси (0,5 л сувга 1 ош қошик), ароқ, спирт, одеколон кабиларни ишлатиш мумкин.



9-расм. Компресс қўйиш.

Совитувчи компресслар; жароҳатланганда, лат еганда, қон кетганда, кўйилади. Улар маҳаллий соҳани совутади, қон-томирларни торайтиради, қон оқишини тўхтатади ва оғриқни қолдиришга ёрдам беради.

ИСИТГИЧЛАР (ГРЕЛКАЛАР)

Иситгичлар яллигланиш жараёнларининг сўрилиши, танани иситиш ва оғриқни камайтириш, қолдириш мақсадида кўлланилади.

Иситгичларни қорин бўшлигининг ўткир яллигланиш касалликларида, қон кетганда, ўсмалар, лат еганда ва жароҳатланганда қўйиш мумкин эмас.

Иситгичлар резинали ва электр токи билан ишлайдиган иситгичлар бўлиши мумкин.

Резина иситгич, сифими 1-1,5 л, тиқини зич бекиладиган резинадан тайёрланган идишдир (10-расм).

МУЗЛИ ХАЛТАЧА

Музли халтача лат еганда, қон кетганда, ўткир яллигланиш жараёнларининг бошлангич даврида, ҳашоратлар чаққанда кўйилади.

Муз майда бўлакларга бўлинади ва халтачанинг ярмигача муз билан тўлдирилади, сиқиб ҳавоси чиқарилади сўнгра тиқин яхшилаб, зич қилиб

беркитилади. Терини ортиқча совутиб юбормаслик учун, музли халтачани сочиқ ёки чойшабга ўраб керакли соҳага қўйилади. Халтача қўл бўлса, уни артиш керак. Муз эриб, сувга айланса, тўкиб ташланади ва янги муз бўлаклари солинади.



10 - расм. Резина иситгични тайёrlаш.

Электр иситгичнинг иссиқлик даражаси реостат билан бошқарилади. Регулятори шнурнинг ёстиқча билан туашган жойида бўлади.

ЗУЛУКЛАР ҚЎЙИШ

Зулуклар чучук сувда яшайдиган 2 жинсли чувалчанглардир. Уларнинг сўлак безларида қон ивиш хусусиятини секинлаштирадиган гирудин моддаси бор.

Зулуклардан тиббиётда тана аъзоларида қон димланиб қолганда маҳаллий қон чиқариш, қон босимини пасайтириш мақсадида қўлланилади.

Зулукларни қон ивиш тизимининг бузилиши билан боғлиқ касалликлар, тери, камқонлик каби касалликларда қўллаш ман қилинади.

Зулук солиш йўли билан қон чиқаришнинг афзаллик томони шундаки, зулукларни бошқа усуллардан фойдаланиб бўлмайдиган соҳаларга ҳам қўйиш мумкин.

Зулуклар ичига чучук сув олинган оғзи дока билан беркитилган банкаларда сақланади. Сувни ҳар куни алмаштириб турилади. Сувда тез ҳаракат қиласидиган оч, соглом зулуклардан фойдаланган маъкул. Битта зулук 2 мл дан 10 мл гача қон сўради. Уларни 6 тадан 12 тагача қўйиш мумкин. Зулукдан факат бир марта фойдаланилади.

Зулук қўйиладиган соҳа синчиклаб қараб чиқилади, туклар бўлса қириб олинади, яхшилаб ювуб, қуритилади. Терига ширин сув суртилади (зулук ширин сувга ўч бўлади).

ДОРИ-ДАРМОНЛАРИНИ ОРГАНИЗМГА КИРИТИШ УСУЛЛАРИ

Дори моддаларини организмга киритишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ташқи: Дори моддаларни тери қопламлари, шиллик пардалар ёки нафас йўллари орқали киритиш:

2. Ички (энтерал) усул: Оғиз ёки тўғри ичак орқали дориларни киритиш.

3. Парентерал усул: Дори моддаларни инъекция қилиш йўли билан тери орасига, тери остига, мусқул орасига, вена ичига ва орқа мия каналига юборишдир.

Тиббиёт ҳамшираси дори моддаларини турли усулларда қўллаш бўйича чукур билим, юқори малакага эга бўлиши ва уларни пухта бажара олиши зарур.

ДОРИ МОДДАЛАРНИ ТАШҚИ УСУЛДА ҚЎЛЛАШ

Дори моддаларни тери қопламлари, шиллик пардалар ва нафас йўллари орқали организмга киритиш ташқи усул деб аталади.

Терига дори малҳам, эритма, эмульсия, кукун, дамламалар ҳолида суртиш, ишқалаб суртиш ва босиш орқали қўлланилади.

Кўз, қулоқ, бурунга ва жинсий аъзоларга дорилар юбориш ҳам ташқи усулага киради.

Ингаляция-дори моддаларни нафас йўллари орқали киритиш усулидир. Газлар (кислород, карбонат ангидрид) эфир, хлороформ шунингдек чанг ҳолдаги моддалар (аэрозоллар)ни нафас йўллари орқали киритиш мумкин.

ДОРИЛАРНИ ЭНТЕРАЛ УСУЛДА ЮБОРИШ

Дори моддаларни оғиз орқали, тўғри ичак орқали ва тил тагига қўйиб организмга киритиш усулига ички (энтерал) усул деб аталади.


Дориларни ички (энтерал) усулда юбориш энг кўп қўлланилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бу дориларни турли шаклларда, ҳар қандай шароитда, ностерил ҳолда киритиш мумкин. Камчиликларига эса дорининг секин сўрилиши, дорининг меъда ва ичак таъсирида қисман парчаланиб кетиши, сўрилиш тезлиги ва сўриладиган дори дозасининг маълум эканлиги кабилар киради.

Оғиз орқали дориларни таблеткалар, драже, кукун дори, пилюлалар, дамламалар, экстрактлар ҳолатида ва бошқа кўринишида қабул қилинади.

Дориларни тўғри ичак орқали киритишнинг афзаллиги шундаки, улар тез сўрилади ва дозаси аниқ бўлади. Дори ферментлар таъсирига учрамайди. Бу усул оғиз орқали қабул қилмайдиган (кусадиган, қизилўнгачда овқат тутилиб қолганда, юта олмаганда, ҳушсиз ётганда, руҳий хасталикларда) кўл келади.

Тўғри ичакка юбориш учун шамчалардан ва дорили хўқналардан фойдаланилади.

Тил остига қўйиладиган дори тез сўрилади, ҳазм ферментлари



таъсирида парчаланмайди, жигарни четлаб ўтиб, умумий қон ўзанига тушади. Нитроглицерин, валидол ва бошқа дорилар шундай тартибда қабул қилинади.

ДОРИ МОДДАЛАРНИ ПАРЕНТЕРАЛ ЮБОРИШ

Дори моддаларни парентерал усулда организмга киритиш инъекция йўли билан амалга оширилади.

Инъекция деб, дори моддаларни шприцлар ёрдамида тери орасига, мушаклар орасига, суяклар ичига ва орқа мия каналига юборишга айтилади. Бу усуллар ассептик қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилади.

Парентерал усулининг афзалликлари: Дориларни юбориш тезлиги, таъсири ва дозасининг аниқлигидир. Инъекциялар учун шприц игналардан фойдаланилади.

ДОРИ МОДДАЛАРНИ ТЕРИ ОРАСИГА ЮБОРИШ


Тери орасига инъекциялар диагностика мақсадларида ва маҳаллий оғриқсизлантириш учун қилинади. Бунинг учун узунлиги 2-3 см дан ошмайдиган ва бўшлиғи кичкина игна ишлатилади.

Диагностика аллергик синамалар шу усул билан ўтказилади. Синама натижаси 24-48 соатдан кейин аниқланади.

Тери орасига дори юбориш учун билакни ўрта 3 қисми ички юзаси танланади (11 А ва Б-расмлар).

Инъекциядан олдин қўлни совунлаб илик сувда ювилади, қўлни артмай туриб спирт суртилади.

Шприцга керакли микдордаги дори модда тортиб олинади. Инъекция қилинадиган соҳа териси спиртга ҳўлланган стерил пахта шарча билан артилади. Чап қўл билан тери пастга тортилади. Ўнг қўл билан игнани кесик учини юқорига қаратиб, тери соҳасига параллел ҳолда йўналтирилади. Унинг учини 0,5 см ичкарига терининг мугуз қавати остигагина кирадиган қилиб киритилади. Эҳтиётлик билан ўнг қўл бўшатилиб олинади ва 1-2 томчи суюқлик юборилади.



11 А-расм.

Натижада терида дори юборилган жойда лимон пўстига ўхшаш оқимтири думбоқча ҳосил бўлади.

Инъекциядан кейин инъекция қилинган соҳа устига спиртга ҳўлланган стерил пахта босилмайди.



11 Б-расм. Тери орасига дори юбориш:

1-инъекция соҳасини спирт билан артиш; 2-игнани тери орасига киритиш;
3-дори моддасини тери орасига юбориш.

ДОРИ МОДДАЛАРНИ ТЕРИ ОСТИГА ЮБОРИШ

Тери ости ёғ қавати томирлар билан яхши таъминланганлиги учун дори моддасининг тез таъсир қилиши учун, дориларни тери остига юбориш усулидан кенг фойдаланилади.

Тери остига инъекция қилиш учун елканинг ташки юзаси, курак ости, соннинг олдинги ташки юзаси, корин деворининг ёнбош юзаси ва қўлтиқ ости соҳасининг пастки қисми энг қулай соҳалар ҳисобланади (12-расм). Бу соҳаларда тери осонгина бурмалар ҳосил қилиб йигилади ва қон томирлари нервлар ва суюк усти пардасининг шикастланиш хавфи бўлмайди.




12 - расм. Дори моддаларни тери остига инъекция қилиш:

Кўпинча тери орасини инъекция қилиш учун елканинг ўрта 1/3 қисмини ташки томони танланади.

Инъекциядан олдин тери яхшилаб спирт билан артилади. Чап кўл билан ўша соҳанинг асоси пастга қараган учбурчак шаклидаги бурма ҳосил қилиб йигилади. Ўнг қўлнинг иккинчи бармоғи билан игна мутфаси билан цилиндр танаси ушлаб турилади. Игнани чаққонлик билан учбурчак асосига 45° С бурчак остига, чап қўлнинг 1 ва 2 бармоқлари орасида 1-2 см ичкарига киритилади. Игнанинг уни тери орқали ўтиб, тери ости қаватига тушганига ишонч ҳосил қилингач, эритма секин юборилади. Дорининг ҳаммаси юборилгандан сўнг, игна тезда чаққонлик билан чиқариб олинади. Игна санчилган жой озроқ вақт спиртга хўлланган пахта шарча билан босиб турилади.

ДОРИ МОДДАЛАРНИ МУСКУЛ ОРАСИГА ЮБОРИШ

Мушакларда қон томирлар ва лимфа томирлар тармоғи жуда кўп. Шунинг учун уларда дориларнинг тез ва тўлиқ сўрилиши учун шароитлар яратилади.



1-Мушаклар орасига инъекция қилинадиган соҳалар:
2-думба соҳасига инъекция қилиш соҳасини аниқлаш.

Мушак орасига инъекцияларни тананинг маълум жойларида мускул тўқимаси қавати анчагина қалин соҳада йирик қон томирлар ва нерв ўзаклари ўтадиган жойдан узокрокда, масалан, думба, қорин ва сон соҳаларининг мускулларига қилинади (13-расм).

Мускул орасига инъекциялар қилиш учун узунлиги 8-10 см ва диаметри 0,8-1,5 мм бўлган игна сифими 5-10 мл га тенг бўлган шприцлардан фойдаланилади.

Думба соҳаси мускул орасига инъекция қилиш учун қулай жой хисобланади, лекин бу ердан қўймич нерви ва йирик қон томирлар ўтади. Шунинг учун инъекциялар учун думбанинг юқори ташки қисмида қилинади.

Аксари мускул орасига антибиотиклар, зардоблар ва бошқалар юборилади. Антибиотиклар махсус флаконларда кристал порошок кўринишида чиқарилади. Ишлатишдан олдин уни натрий хлориднинг изотоник эритмасида ёки 0,5% ли новокайн эритмасида эритилади.

Антибиотикларни эритиши тартиби қўйидагicha: стерил шприцга антибиотик (пенициллин) микдоридаги 0,5 % ли новокайн эритмаси олинади. У таъсири бирликларида (ТБ) дозаланади, яъни 100000 ТБ га 1 мл эритувчи, 500000 ТБ га 5 мл ва ҳоказо эритувчи олиш мумкин. Флакон қопқоғидаги спиртга ҳўлланган стерил дока шарча билан артилади. Сўнгра стерил пинцет билан флакон қопқоғидаги гардишча олинади ва очилган резина тиқин яна бир марта артиб олинади. Эритувчи (0,5% ли новокайн) эритмаси тўлдирилган шприц игнаси билан флакон тиқини тешилади. Эритма аста-секин флаконга киритилади, антибиотиклар (пенициллин) эрийди. Кейин флакондаги суюқлик сўриб олинади. Антибиотикни иситиш мумкин эмас, у эритилган ҳолда бир суткагача сақлаш мумкин. Йод антибиотикларни парчалайди. Шунинг учун флакон тиқини ёки инъекция қилинадиган соҳа йод билан артилмайди.

Мушаклар орасига инъекция қилиш техникаси қўйидагicha: шприцлар тиббиёт ҳамшираси қўли ва инъекция қилинадиган соҳа териси асептиканинг умумий қоидаларига асосан тайёрланади.

Тиббиёт ҳамшираси қўлини илиқ сувда совунлаб ювади. Қўлини сочиққа артмай туриб, қўлини спирт билан артади. Шприцни очади ва унга керакли микдорда дори тўлдириллади. Сўнгра спиртга ҳўлланган стерил пахта бўлакчasi билан беморнинг инъекция қилинадиган соҳаси артилади. Дори думба соҳасига юборилганда, bemor қорни билан ёки ёнбош ҳолатда ётади.

Шприц қўйидагicha ушланади: 2 бармоқ поршенини, учинчи бармоқигна муфтасини тутиб туради. Думбани хаёлан тўрт қисмга бўлиб, ташки квадрати танлаб олинади. Шприц bemorga нисбатан тик ҳолатда ушланиб дадил ҳаракатлар билан игнани тери бурмасининг ўртасига 7-8 см ичкарига киритилади. Игна муфтаси устидан 2 см қолдириллади, чунки игна кўпинча шу жойдан синади. Шундан кейин поршенинни тортиб кўрилади.

Поршенні босиб эритмани аста-секин юборади. Игна санчилгач, жойидаги тери атрофини чап құл билан тортилади. Игнани чаққонлик билан чиқарилади, терига спиртга ҳұлланған стерил пахта тампон босилади.

II-БОБ. КАСАЛЛИКЛАР ВА ЗАҲАРЛАНИШЛАР

НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Нафас олиш органлари касаллукларига ўткір ринит, фарингит, ларингит, бронхит, пневмония (зотилжам), бронхиал астма каби касаллуклар киради.

ЎТКІР РИНІТ

Ўткір ринит-бурун шиллик пардасининг яллигланиши бўлиб, баъзан яллигланиш процесси бурун-ҳалқумга, ҳиқилдоқ ҳалқумларга ҳам тарқалган бўлади. Касаллик кайфиятнинг бироз бузилиши, эт увишиши, дармонсизлик, ҳароратнинг субфебрил бўлишидан, аксириш, бурун-ютқинда куруқлик сезищдан бошланади. 1-3 кундан кейин бурун бўшлигининг шиллик пардаси нам тортиб, кўп миқдорда сероз-суюқлик секрет ажралади. Бурундан нафас олиш бирданига оғирлашади. Одам дармонсизланиб, бутун аъзои бадани қақшаб оғрийди. Беморни ётқизиб, оёқларига иссиқ ванналар қилиш зарур. Томирларни торайтирувчи дори воситалари тайинланади.

ЎТКІР ФАРИНГИТ

Ўткір фарингит - ютқин шиллик пардасининг ўткір яллигланиши. Кўп ҳолларда ўткір бурун касаллуклари билан давом этади. Фарингитнинг пайдо бўлишида бурун ва бурун олди бўшликлари касаллуклари, касбкорга оид заарлар, ичкилик ичиш, тамаки чекиш, жуда иссиқ ва аччик овқат ейиш сабаб бўлади. Бунда ҳолсизланиш, томоққа, қулоққа бериладиган санчиқсимон оғриқ туриши кузатилади. Ўткір фарингит одатда маҳаллий даволанади. Илиқ ишқорли ингаляция, бурунга мой томчиси тайинланади.

ЎТКІР ЛАРИНГИТ

Ўткір ларингит - ҳиқилдоқ шиллик пардасининг энг кўп тарқалган касаллукларидан бири ҳисобланади. Алоҳида касаллик сифатида ўткір ларингит товушнинг ўта тараңглашуви оқибатида юзага келиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда ўткір респиратор касаллуклар, грипп асорати билан кечади. Беморнинг товуши ўзгариб дағаллашади, томоқ ачишади, йўталади. Товуш бўғилиб чиқмай қолади. Эҳтиёт чораларини кўриш, яъни қаттиқ гаплашмаслик зарур. Борди-ю, bemornинг касб-кори кўп гапириш билан боғлиқ бўлса, товуш функцияси тамомила тикланмагунга қадар, bemor ишдан озод қилинади. Даволаща овқатланиш режими мухим ўрин тутади. Бунда совуқ, жуда ҳам иссиқ, аччик овқат ейиш ман қилинади. Ҳиқилдоқнинг шиллик пардаси илиқ сув, иллитилган минерал сув, бўйинга иситувчи

компресс күйиш йўли билан иситилади. Оёқларга иссиқ ванналар қилиш, буғли ингаляция беморнинг аҳволини енгиллаширади.

БРОНХИТ

Бронхитлар-бронхларнинг яллигланиши бўлиб, нафас олиш аъзолари касалликлари ичida энг кўп учрайди. Бирламчи ва иккиламчи бронхитлар фарқланади.

Бирламчи бронхитларда яллигланиш жараёни бронхларда ривожланади.

Иккиламчи бронхитлар юқумли касалликлар натижасида ривожланади. (грипп, қизамиқ, кўййутал, сил, қорин тифи).

Бронхитлар кечишига қараб ўткир ва сурункали бўлади. Ўткир бронхит - кўпинча баҳор ва кузда пайдо бўлади. Стрепто-стафило-пневмококклар касаллик кўзғатувчилари бўлиб ҳисобланади. Физикавий ва кимёвий моддалар чанг, газ, дорилардан таъсирланиш натижасида касаллик ривожланади.

Клиник манзараси. Бемор бошидаги қаттиқ оғриқдан, дағал куруқ йўтадан шикоят қиласди. 2-3 кундан сўнг оз миқдорда ёпишқоқ бўлган қонли балғам ажратади. Кейинроқ балғам миқдори кўпаяди. У шиллик-йирингли, сарфимтири бўлиб, енгил кўчади ва йўтал юмшайди. Биринчи кунлари тана ҳарорати 38°C гача кўтарилиши мумкин. Эт увишиши, умумий ҳолсизлик, елка, кўл, оёқ мускуларининг оғриши, кўп терлаш, тўш суюги орқасида оғриқ ва ачишиш, овоз бўғилиши, ҳансираш, юракнинг тез уриши кузатилиши мумкин.

Ўткир бронхитда тана ҳарорати кўтарилиши боис bemорни ўрнидан тургизмай ётқизиб қўйилгани маъқул. Иссиқ овқатлар, шиллик пардаларни таъсирлантирадиган маҳсулотлар, рациондан олиб ташланади. Спиртли ичимликлар ман этилади. Илитилган сутга боржом ёки ичимлик содаси (натрий гидрокарбонат)ни кўшиб ичиш буюрилади. Кўкрак қафасига горчичниклар, банкалар қўйилади. Антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари, симптоматик дори-моддалар bemорнинг ёшига қараб тавсия этилади.

ПНЕВМОНИЯ

Пневмония, яъни зотилжам-ўпка тўқимасидаги яллигланиш жараёни бўлиб, мустакил касаллик тариқасида бошланади ёки қандай бўлмасин боща бирор касалликнинг бирор кўриниши, ё бўлмаса асорати бўлади. Яллигланиш жараёни ўпканинг бир бўлагини заарлаган бўлса, оқибати крупоз пневмония, яллигланиш бутун ўпкани эгаллаб олган бўлса, тотал пневмония дейилади. Ўчоқли пневмонияда ўпкадаги яллигланиш жараёни чекланган жойни заарлайди.

БРОНХОПНЕВМОНИЯ

Бронхопневмония унча катта бўлмаган ўчоқларнинг қўшилишидан хосил бўлади. Кўпинча касаллик бошланганини аниқ билиб бўлмайди, чунки у бронхит ёки юқори нафас йўлларининг ўткир яллигланиш жараёнида ривожланади. Умумий беҳоллик, бош оғриши, кўкракда, курак остида оғриқ, ҳансираш белгилари кузатилади. Куруқ йўтал ёки йирингли,

шиллик-йирингли ва қон аралаш балғам ажralади. Ҳарорат 38⁰С гача күтарилади. Юз ва лаб терисининг бироз қизариши ёки кўкариши, нафас олишнинг тезлашиши (дақиқасига 25-30 марта) кузатилади.

Давоси. Бемор касалхонага ётқизилади, агар уйда даволанадиган бўлса, унга ўрнида ётиш режими буюрилади. Бемор ётган хона яхшилаб шамоллатиб туриладиган ва етарлича иссиқ бўлиши зарур. Овқат ярим суюқ, тўйимли бўлиши керак. Кўпроқ суюқлик: мева ва минерал сувлар бериб туриш фойдали. Касалликнинг дастлабки соатларидан бошлаб юрак томирлар фаолиятини қувватлайдиган дорилар, антибиотиклар буюрилади. Оғиз бўшлиғи касалликларининг олдини олиш учун милклар, танглай, лунж шиллик пардаларини 2 % ли гидрокарбонат эритмаси ёки кучсиз калий перманганат эритмаси билан артиб туриш керак. Кўкрак қафасига банка ва ханталлар кўйилади.

Профилактикаси. Бронхит, грипп каби касалликларни ўз вақтида аниқлаш даволаш зарур. Физкультура, спорт машгулотлари билан шуғуланиш мумкин. Чекиш, спиртли ичимликлар ичишига қарши кураш чоралари кўрилади.

БРОНХИАЛ АСТМА

Бронхиал астма - инфекцион - аллергик касаллик бўлиб, бронхлар мускулатураси тортишиб, қисқариши натижасида, одамнинг бирдан нафаси қисиб, бўғилиб қолиши, кейин йўталиб ёпишқоқ балғам ташлаши билан ҳарактерланади. Касалликнинг пайдо бўлишига ва унинг ривожланишига баъзи касбларда, масалан, тери ошлаш корхоналарида, тўқув фабрикаларида, кимё заводларида, лабораторияларда, дорихоналарда, сартарошхоналарда ишлаш сабаб бўлади. Кушларнинг пати, ҳайвонлар жуни, уй, кутубхона чангி, мөгор, дорилар, кимёвий ювиш воситалари ҳамда қатор озиқ-овқат модддалари аллергенлар ҳисобланаб, касалликнинг келиб чиқишида муҳим рол йўнайди. Бундан ташқари, микроорганизмлар ва уларнинг токсинлари ҳам бронхиал астманинг келиб чиқишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Клиник манзараси. Касаллик турли вақтда, асосан кечаси ҳуруж қиласи. Бемор бунда кўкрак қафасида босилгандек сезги сезади. Бемор ётганда бўғилиш кучаяди. Шу сабабли у ўтириб олади. Беморни кўрганда, мажбурий вазиятдан ташқари, ҳамма ёрдамчи нафас мускулларини нафас олишда қатнашиши кузатилади, бўйин томирлари бўртиб чиқсан, ўмров усти чуқурчаси силлиқлашган, юзи бўзариб, тер босади. Оғзи очиқ, бурун ёноклари кенгайган. Нафас олиш қисқа, нафас чиқариш қийинлашган, давомли, шовқинли, хириллашлар билан кечади, у узоқдан эшитилиб туради.

Ҳуруж бошланишида йўтал камрок, ҳуруж кучайганда кўпаяди. Ҳуруж охирида йўтал енгиллашиб ёпишқоқ тиник балғам ажралади, беморнинг ахволи бироз яхшиланади ва bemor уйкуга кетади.

АСТМА ХУРУЖИДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ

Хурж тутигб қолган пайтда кроват ёки диванда касалга энг қулай вазиятни эгаллаши учун ёрдам берилади, беморни қисиб турган кийимлари ечилади, тинчлантирилади. Тезда хона дәразалари очилиб, хонага тоза ҳаво кириши таъминланади. Дархол bemornинг ичиб юрган дорисидан ичирилади, күкрак қафасининг ён юзлари ва оёкларига горчичниклар қўйиб қўйиш керак. Bemornинг териси остига 0,1 % ли 1,0 мл атропин, 10 мл 2,4 % ли эуфиллин эритмаси 10,0-40 % ли глюкоза ёки 0,9 % ли натрий хлорид эритмаси билан қўшиб юборилади. Bеморни тинчлантириш учун валериана, бром препаратлари буюрилади. Мутахассис врачга мурожаат қилинади.


ЮРАК - ҚОН ТОМИРЛАР ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Юрак-қон томирлар тизими касалликларига юрак пороглари (нуқсонлари), эндокардит, миокардит, перикардит, юракнинг ишемик касалликлари (стенокардия, миокард инфаркти, атеросклероз), гипертония каби касалликлар киради.

Юрак пороглари (нуқсонлари). Бунда юрак тузилишида (14-расм) анатомик ўзгаришлар бўлиб, унинг иши бузилади.

Юрак нуқсони туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Юрак туғма нуқсонларининг келиб чиқиши хилма-хил ва мураккабдир. Уларнинг келиб чиқишида ирсий омиллар ҳам сабабчи бўлади.

Бу нуқсонлар, ҳомиладор аёл кўпинча камқонлик ва бошқа кислород этишмовчилиги билан кечувчи касалликка чалинганда, қизилча, грипп каби юқумли хасталиклар билан оғригандан (ҳомиладорликнинг дастлабки З ойида), шунингдек, нурлар (рентген ва бошқалар), кимёвий моддалар (бензол, бензин, алкогольлар таъсиридан ҳам пайдо бўлади.



14-расм. Юракнинг тузилиши.

Ўўқа артериясининг торлиги, юрак бўлмачалари орасидаги тухумсимон(овал) тешикчанинг очиқлиги, ўнг қоринча деворларининг кенгайиши (гипертрофияси). Фалло училиги, аортанинг одатдагидан ўнгроқда бошланиши, Фалло тўртлиги (тетрада) юракнинг туфма нуқсонларига киради.

Юракнинг ортирилган порогларига икки табакали (митрал) қопқоқ етишмовчилиги, чап бўлмача ва қоринча оралиғидаги тешикчанинг торайиши, аорта қопқоғи етишмовчилиги, аорта тешигининг торайиши, уч табакали қопқоқ етишмовчилиги киради.

ЎТКИР СЕПТИК ЭНДОКАРДИТ

Ўткир септик эндокардит - бу оғир касалликдир: унга асосан бирдан авж олиб борадиган сепсис-яллигланиш ўчоғидан қонга тұхтовсиз ёки дам-бадам микроорганизмлар тушиб туришига боғлиқ патологик жараён сабаб бўлади (масалан; сұяқ тўқимасининг йирингли яллигланиши-остеомиелитда. Шунингдек, бошқа орган ва тўқималардаги сурункали йирингли гірцесслар вақтида).

Ўткир септик эндокардит симптоматикаси, аввало, бутун организмнинг оғир касаллiği - сепсис борлигига боғлиқ бўлади. Одам жуда бўшашиб аъзои бадани «сувга тушиб» терлайди, қалтирайди, тана ҳарорати гектик типда кўтарилиб кетади, кундузги, эрталабки, кечкурунги ҳарорат ўртасида катта фарқ бўлади. Аксари ўткир нефрит пайдо бўлади, талоқ катталашиб кетади. Ўткир септик эндокардит жуда шиддат билан ўтади. Ўз вақтида даво қилинмайдиган бўлса, 2-3 ҳафтадан кейин ахвол оғирлашиб бемор ўлиб қолиши мумкин.

МИОКАРДИТ

Миокардит деб, миокардинг яллигланишига айтилади. Миокардит ўткир ва сурункали бўлади. Ҳар қандай ўткир юкумли касаллик у ёки бу даражада миокардга таъсир қиласи. Миокардитда беморнинг асосий шикояти юрак соҳасидаги ёқимсиз сезгилар, баъзан санчиқли, бир мунча доимий оғриқ, юрак уришининг тезлашуви, жисмоний ҳаракат қилганда нафас қисиши ҳисобланади. Ўткир миокардитда шикоятлар кучлироқ юзага чиқади ва бирор инфекциядан кейин тез орада пайдо бўлади.

Ўткир миокардитда ҳам, сурункали миокардитда ҳам юрак чегаралари чап томонга бирмунча кенгайган бўлиши мумкин. Юрак тонлари бўғиқлашган, баъзан оз-моз систолик шовқин кузатилади. Ўткир миокардитда тана ҳарорати кўтарилиади, кон текширилганда ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) ошганлиги, лейкоцитоз қайд қилинади.

Сурункали миокардитда бундай ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин. Бемор касалхонада ётқизиб даволанади. Касалликнинг дастлабки кунларида ўринда ётиш режимига қаттиқ риоя қилиши шарт. Инфекцияларнинг олдини олиш, организмни чиниқтириш, жисмоний тарбия машқларини бажариш, меҳнат ва турмушнинг тўғри режимиға риоя қилиш, шунингдек, bemorni ўз вақтида касалхонага жойлаштириш ва юкумли касалликларга қарши фаол даво қилишдан иборат.

СТЕНОКАРДИЯ

Стенокардия (юононча-стенос-тор, қисқа ва кардиа-юрак), юрак ишемик касаллуклари қаторига киради. У юрак томирлари атеросклерози касаллуклари ва юрак тож артерияларининг торайиши (спазми) билан боғлиқ бўлиб, бунда юрак мускулларининг қон билан таъминланиши бузилади.

Касаллик жисмоний ва ҳиссий (эмоционал) зўриқишилар натижасида келиб чиқади. Стенокардия касаллигининг асосий сабаби кислород танқислиги бўлиб, бу юрак мускулларининг кислородга бўлган талаби ва унинг қондирилиши ўтасидаги фарқдир. Юрак мускулида махаллий моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида, симпатик иннервация бузилиб, норадреналин ва адреналин кўп микдорда ажратиласди. Бунда миокарднинг кислородга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши натижасида миокард гипоксияси (кислород танқислиги) пайдо бўлиб, стенокардия хуружи ривожланади.

Белгилари. Стенокардия хуружи тўсатдан пайдо бўлиб, қисқа вақт давом этади, бальзан хуруж 25-30 дақиқагача чўзилиши мумкин. Хуружда оғриқ синдроми асосий ўринни эгаллайди. Оғриқ характеристи бир хил бўлмай, улар кўкрак соҳасида қаттиқ сиқилган оғриш, оғирилик сезиши, тўш суяги орқасида ачишиб оғриш ва бошқа кўринишларда бўлади. Кўпинча оғриқ тўш суяги орқасида бўлиб, чап елкага, чап кўкракка ва пастки жағга тарқалади.

Стенокардияда оғрикнинг давомлилиги ҳар хил, бир неча секунддан бир неча соатгача ва бундан-да узоқроқ давом этиши мумкин.


Организмнинг жисмоний зўриқиши оқибатида пайдо бўладиган ҳаракат стенокардияси ва тинч ҳолатда айниқса уйку вақтида пайдо бўладиган сокин стенокардия фарқланади. Хуруж вақтида беморнинг ранги оқарив, қимирламай туриб қолади. Чунки озгина ҳаракат оғрикни кучайтиради. Хуруждан сўнг дармонсизлик, бош айланиши, юз қизариши сезилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан врач чақирилади, врач келгунга қадар юрак тож томирлари деворини кенгайтирувчи дори моддаларидан валидол, нитроглицерин таблеткаси ёки 1% ли эритмасидан 1-2 томчи тил тагига кўйилади. Оғир ҳолатларда 2-3 мл 2% ли папаверин ёки 2 мл 2% ли но-шпа эритмаси ва 2 мл 50% ли анальгин эритмасини кўшиб венага юборилади. Юрак соҳасига ханталмалар кўйиш беморга бир оз енгиллик беради. Бемор тезда касалхонага етказилади.

МИОКАРД ИНФАРКТИ

Юрак мушакларида қон айланишининг бузилиши натижасида юрак тўқималарини некрози (жонсизланиш) миокард инфаркти дейилади (15-расм).

Белгилари. Миокард инфарктининг асосий белгиси, юрак соҳасида ёки тўш соҳасида тўсатдан пайдо бўладиган оғриқ хуружи, оғриқ чап елкага, чап кўкракка, пастки жағга ва тананинг бошқа қисмларига ўтади.



15 - расм: Юракни қон билан таъминлайдиган тож томирларнинг ички деворини түсилиши: 1-қатламлардан ҳоли; 2-қисман түсилган; 3-тўла түсилган

Стенокардиядаги оғриқдан фарқли равишда, миокард инфарктида оғриқ узокроқ (бир неча соатгача) бўлади, тож артерияларини кенгайтирадиган воситалар (валидол, нитроглицерин) қабул қилингандан кейин босилмайди. Миокард инфарктининг етакчи симптоми, кучли оғриқда бемор ўлим вахимасига тушади, ранги оқариб, пешонасини совуқ тер босади.

Миокард инфарктининг белгиларидан бири тана ҳароратининг кўтарилиши хисобланади. Ҳарорат қонга некроз ўчғи (инфаркт)дан парчаланиш маҳсулотлари тушиши сабабли кўтарилади. Ҳарорат катта рақамларгача чиқиши мумкин, лекин кўпинча субфебрил бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Агар миокард инфаркти кўчада, жамоат жойларда, уйда содир бўлганда, зудлик билан тез тиббий ёрдам машинаси чақирилади. Врач келгунча беморни ўрнидан кимирлатмасдан, бошини баланд қилиб ётқизилади, bemornинг чап кўқрак соҳаси юрак устига ханталма (горчичник) кўйиш мумкин. ҳамма ҳолларда миокард инфарктида биринчи навбатда оғриқ хуружини тўхтатиш таъминланади, ўткир юрак етишмовчилиги билан кураш олиб борилади. Бунда тери остига 1,0-2,0 мл морфин юборилади. Артериал босимни кўтариш мақсадида мезатон, кофеин, камфора, кордиамин юборилади ва бемор яқин-орадаги стационарга (касалхонага, клиникага) олиб борилади.

ГИПЕРТЕРМИК СИНДРОМ

Гипертермик синдром - одам организмининг касаллик ҳолатида тана ҳароратининг 38,5 С даражагача кўтарилиб, 3 соатдан юқори мухлатда доимий туришидир.

Таснифи (Чарюк бўйича, 1991 й) куйидагича:

1. Инфекцион-яллигланиш.
2. Регулятор (невроген).
3. Посттрансфузион.
4. Хавфли (баъзи бир миорелаксант ва анестетиклар юборилгандан

сүнг юзага чиқадиган гипертермик ҳолат).

5. Метаболик.

Гипертермик ҳолатни юзага келтирадиган сабаблар икки гурухга бўлинади.

1. Инфекцион (юқумли касалликларда).

2. Ноинфекцион (соматик касалликларда, ҳашоратлар чаққанда, заҳарланишларда).

Йилнинг совук ва салқин фаслларида тана ҳарорати кўпроқ ўткир респираторли вирусли инфекция, иссиқ фаслларида эса ўткир ичак инфекцияси касалликларидан кейин келиб чиқади. 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган болаларда тана ҳароратининг кўтарилиши, кўп ҳолларда аллергик жараёнлар(дори препаратлари)дан, мактаб ёшидаги болаларда эса эндокринологик ва иммунокомплемент (бириктирувчи тўқима, геморрагик ваксулит) касалликларига боғлиқ бўлади.

Шунингдек, заҳарли ҳашоратлар чаққанда, ҳайвонлар тишлаганда ва бошха заҳарланишлар вақтида ҳам тана ҳарорати кўтарилиши мумкин.

Белгилари. Тана ҳарорати кўтарилган вақтда, беморнинг умумий аҳволи оғир бўлади. У дастлаб совук қотиб, варажга тутиши, бош оғриғи, дармонсизлик, кейин эса бадани қизиб кетаётғанлигидан нолийди, териси қурук, иссиқ, оғиз атрофлари ва тери қопламлари қўкиш рангда бўлади. Беморларда кўпинча ҳансираш, юрак уришининг тезлашуви, чанқаш, оғиз бўшилгининг куриши ва алаҳсираш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан шифокор чакирилади. Беморнинг кийимлари ечилади. Хонанинг дераза ва эшиклари очилиб, совук ҳаво кириши таъминланади. Бемор танаси ҳаво ванналари билан совутиласди.

Тери қопламлари спирт эритмаси билан артилади. Пешонага, йирик қон томирлар юза жойлашган соҳалар (кўлтиқ ости, бўйин, чов соҳаси)га музли халтacha қўйилади ёки совук компресс босилади. Бемор ошқозонини совук сув билан ювиш ва хўқна каби муолажаларни қилиш мақсадга мувофиқдир. Ичиш учун аспирин, парацетамол, панадол каби иситма туширувчи таблеткалар, порошоклар, эритмалар ва бошқалар тавсия этилади. Бошқа муолажалар мутахассис шифокор ёрдамида бажарилади.

Эслатма! Ёш болаларда марказий асаб тизими яхши ривожланмаганилиги сабабли, тана ҳароратининг 38,5°C-дан юқори кўтарилиши хавфли бўлиб, бу ҳолат асаб тизимиiga зарарли таъсир кўрсатади. Шунинг учун боланинг ҳарорати кўтарилганда зудлик билан шифокор чакириш ёки касалхонага олиб бориш зарур.

ЎТКИР ТОМИРЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ

Ўткир томирлар етишмовчилигига кўп қон ва суюқлик йўқотиш (ич кетиш, тинмай қусиш), оғир шикастланишлар, заҳарланишлар, асаб ва руҳий зўриқишилар сабабчи бўлади.

Ўткир томирлар етишмовчилиги ҳушдан кетиш, коллапс, шок ҳолатлари билан намоён бўлади.

ХУШДАН КЕТИШ

Хушдан кетиш - мия түқималарининг ўткир қонсизланиши (ишемияси) оқибатида қисқа вақт хушини йўқотишидир. Руҳий кечинмалар, кўп қон йўқотиш, оғриқ, чарчаш, жазирама иссиқда узок вақт бўлиш каби ҳолатлар хушдан кетишга сабабчи бўлади.

Белгилари. Бемор хушидан кетганда, тери ва шиллиқ пардалари оқаради, совук тер босади, кўз қораҷиклари тораяди. Томир уриши (пульс)нинг тўликлиги кучсиз, нафас олишнинг тез ва юзаки бўлиши кузатилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Хушдан кетишга сабабчи бўлган омиллар тезда бартараф қилинади. Беморнинг боши паст, оёқлари эса баландроқ қилиб ётқизилади, бундай вазиятда миянинг қон билан таъминланиши яхшиланади. Беморнинг юзига совук сув сепилади, қисиб турган кийимлари бўшатилиб, хонага тоза ҳаво кириб туриши таъминланади. Бурнига новшадил спирти ҳидлатилади. Оғир ҳолларда сунъий нафас олдирилади. Бемор хушига келгач иссиқ, ширин чой ёки кофе ичирилади. Бу ҳолатнинг сабабларини янада тўлароқ аниқлаш учун албатта шифокорга мурожаат қилиш зарур.

КОЛЛАПС

Коллапс деб артериал ва веноз босимнинг кескин пасайиши ва томирларда айланадиган қон миқдорининг камайиши билан таърифланадиган ўткир юрак-томирлар етишмовчилигига айтилади.

Коллапс оғир ичак юқумли касалликлари (холера, дизентерия, сальмонеллёз)да, кўп қон кетганда, шикастланишларда, гавда вазиятини горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатга кескин ва тез буриш (ортостатик коллапс), ўткир заҳарланишлар (овқат токсиконинфекцияси) оқибатида юзага келади.

Белгилари. Бемор хушини йўқотмаган ҳолда ҳолсизланади, қаттиқ ташналиқдан шикоят қиласи, оғзи курийди, дармонсизланади. Тери қопламалари кескин оқариб, совук тер босади, тез-тез юзаки нафас олади. Тана ҳарорати сустлашади, қон босими пасайиб, пульс тезлашган, илсимон бўлади.

Биринчи тиббий ёрам. Тезда шифокор чақирилади. Шифокор келгунга қадар коллапсни келтириб чиқарган сабабларни бартараф қилиш (қон оқишини тұхтатищ, интоксикация-заҳарланишга қарши кураш), bemorga руҳий ва жисмоний жихатдан тўлиқ ором бериш, тинчлантириш, танани иситиш зарур. Беморга иссиқ ширин чой, кофе ичирилади. Оёқ-кўлларига иситгичлар кўйилади. Зарурат бўлганда, тери остига 0,5 мл 0,1% ли кофеин ёки 1-2 мл 0,2% ли мезатон эритмасини вена ичига инъекция қилинади. Бемор зудлик билан касалхонага етказилади.

ШОК

Шок (французча-зарба) ҳаддан ташқари кучли таъсирлар натижасида асаб, эндокрин, нафас ва қон айланыш тизимлари фаолияти ҳамда моддалар алмашинувининг бузилиши билан таърифланади ва ўткир

томирлар етишмовчилигининг энг оғир шаклидир.

Шок оғир шикастланишларда, тананинг кўп қисми куйганда (жароҳат шоки), аллергик реакцияларда (анафилактик шок), ўткир миокард инфарктида (кардиоген шок), кучли ҳаяжонланиш, асаб ва руҳий бузилишларда (эмодионал шок), қон гурухи тўғри келмаган ҳолатларда қон куйилганда (гемотрансфузион шок) юз беради.

Белгилари. Жароҳат шоки кўпинча бош, кўкрак, қорин, чаноқ ва оёқ-кўллар шикастланишларида, тананинг кўп қисми куйганда содир бўлади. Жароҳат шокининг иккита фазаси фарқ қилинади: Эректил фаза-қисқа муддатли қўзғалиш ва торpid-пасайиш фазаси. Шокнинг бошлангич (эректил) фазасида бемор безовталаради, қараашлари бежо, ҳаво етишмайтганлигидан нолийди. Тери ва шиллик пардалари оқариб, совук тер босади. Торpid фазасида эса bemornинг ахволи оғирлашиб, атроф-мухит ва кишиларга бефарқ бўлиб қолади. Оғриқни сезиш камаяди, баъзан умуман сезилмайди. Беморнинг ранги оқариб, тана ҳарорати пасаяди. Нафас ва пульси тезлашади, қон босими пасаяди.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан шифокор чақирилади. Шифокор келгунга қадар, жароҳатланган аъзолардан қон оқаётган бўлса, қон оқишини тўхтатиш, сүяклар шикастланган бўлса, уларни вактинча тахтакачлаб, қимирлатмай, ҳаракатини тўхтатиб қўйиш, ёнаётган кийим-бошларини ўчириш зарур. Беморга осойишта шароит яратиб, уни иситиш, ширин чой ва ичимликлар (ароқ, вино 50 мл) бериш керак. Сўнгра bemornи зудлик ва эҳтиёткорлик билан шифохонага олиб бориш зарур.

АНАФИЛАКТИК ШОК

Анафилаксия грекча сўздан олинган бўлиб, “Химоя қила олмайдиган” деган маънони билдиради. Анафилактик шок моддаларга нисбатан бўладиган аллергик реакциянинг оғир кўринишидир. Анафилактик шок келтириб чиқарадиган сабаблар иккига бўлинади:

1) ташҳис ва даволаш мақсадида қўлланиладиган воситалар (антибиотиклар, оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар, зардоб ва вакциналар):

2) ҳашорат ва ҳайвонлар заҳарлари.

Баъзи ҳолларда анафилактик шок дори моддаларни шифокор руҳсатисиз истеъмол қилганда ёки инъекция қилинганда рўй бериши мумкин.

Белгилари. Беморда ҳолсизланиш, тўш орқасида оғриқ бўлиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, нафаснинг тез ва юзаки бўлиши, қон босимининг пасайиши кузатилади. Бемор хушидан кетади. Томир уриши ипсимон, кучсиз ва юзаки бўлади. Кўпинча терида ҳар хил тошмалар тошади.

Биринчи тиббий ёрдам. Тезда шифокор чақирилади. Шифокор келгунича bemornинг қон ўзанига шокни келтириб чиқарувчи аллергеннинг тушиши зудлик билан тўхтатилади. Дори моддаси юборилган ёки ҳашорат чакқан жойдан юқорига жгут боғланади.

Ҳашорат чаққан бўлса, унинг нишини олиб ташлаш керак. У жойни ишқалаш мумкин эмас, чунки ишқаланганда қон томирларга аллергенларнинг

сүрилиши тезлашади. Зарурат бўлганда сунъий нафас олдирилади. 0,3-0,5 мл адреналин эритмаси тёри остига ёки мускул орасига юборилади. Оғир ҳолларда адреналинни 20 ғл 40% глюкоза билан вена ичига инъекция қилинади. Гормонал препаратлар(преднизолон, гидрокортизон)ни вена ичига, мушак орасига юбориш мумкин. Бемор зудлик билан касалхонага жўнатилади.

КАРДИОГЕН ШОК

Кардиоген шок асосан миокард инфаркти, митрал ва аортал клапанлар етишмовчилигига, юракда ўтказилаётган операциялар асорати сифатида юзага келади.

Белгилари. Беморнинг ранги оқариб, совуқ тер босади, терисининг сезувчанлиги камаяди. Оёқ-кўллари совийди, баъзан тана ҳарорати пасаяди. Пульс тўлиқлиги кучсиз, ипсимон бўлади, баъзи ҳолларда пульсни аниқлаб бўлмайди. Қон босими пасайиб, пешоб чиқиши камаяди(олигурия) ёки умуман пешоб чиқмайди (анурия).

Биринчи тиббий ёрдам. Дарҳол тез тиббий ёрдам ходимларига хабар бериш зарур. Улар келгунча bemor қимиrlатмай ётқизиб қўйилади. Строфантин, кордиамин, томирлар ишини яхшилаш учун 0,5-1,0 мл мезатон мускул орасига юборилади.

ЭМОЦИОНАЛ ШОК

Кучли ҳаяжонланиш, асад ва руҳий бузилишларда кузатилади. Беморнинг хулқ-атвори ўзгаради, безовталаниб, бошқаларга нисбатан агрессив муносабатда бўлади. Баъзи bemorлarda онг ва сезувчанликнинг бузилиши кузатилади. Гоҳида эмоционал шок истерия ҳолати билан тугайди.

Биринчи тиббий ёрдам. Беморнинг ёнида ортиқча одамларнинг туришини ман этиш, шикаст етказиши мумкин бўлган ҳар хил жисмларни беркитиб қўйиш ва bemor билан яхши муносабатда бўлиш керак. Руҳий касалликлар билан оғриган bemorлар маҳсус касалхоналарда даволанишлари лозим.

ГЕМОТРАНСФУЗИОН ШОК

Беморга қон гуруҳи тўғри келмайдиган қон қўйилганда рўй беради. Шунинг учун bemorга доимо врач кўрсатмаси бўйича, унинг назоратида, шифохонада қон қўйилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, шок ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни ўз вақтида зудлик билан бартараф қилиш-беморнинг шокка тушишининг олдини олишда унинг ҳаётини сақлаб қолишда энг муҳим вазифа ҳисобланади.

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ

Гипертония сўзи юнонча “hyper”-ортиқча, “tonos”-тарапнглик, босим маъносини англатади.

Гипертония касаллиги юрак ва томирлар, эндокрин тизими, буйрак

ва пешоб чиқариш йўлларидағи органик ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда артериал қон босимининг узоқ вақт бирламчи кўтарилиб туришидир. Артериал босимнинг 140/90 мм. симоб устуни-хавфли чегара, симоб устунининг 160/95 мм. дан юқориси гипертензия деб ҳисобланади.

Касалликнинг келиб чиқишида марказий асаб тизимининг руҳий зарбага учраши, ўта зўриқиш, моддалар алмашинувининг бузилиши, заарли одатлар (спиртли ичимликлар ичиш, чекиш, гиёхвандлик), ирсият мухим ўрин тутади. Бу омиллар таъсирида майда артериялар деворининг вақтинча, кейинчалик доимий торайиши натижасида систолик ва диастолик артериал қон босими кўтарилиб кетади.

Белгилари. Гипертония касаллигининг кечишида З та босқичи фаркланади (А.Л.Мясников):

I босқич - касалликнинг бошлангич даври бўлиб, юқорида қайд этилган сабаблар таъсирида артериал қон босими қисқа вақт кўтарилади. Сабаблари бартараф этилгандан сўнг беморнинг ахволи яхшиланиб, босим ўз ҳолига тушади.

II босқичда - қон босимини кўтарилиши доимий(турғун) бўлиб, бемор маҳсус даволанмаса, артериал босими нормага тушмайди.

III босқичда - қон босими даво тадбирлари кўлланилганда ҳам нормага тушмайди. Бунда буйрак, юрак, аорта, мия ва бошқа органларда қайтмас ўзгаришлар юзага келади.

Касалликнинг илк даврида асабий зўриқишилардан сўнг бош оғрифи, вақт-вақти билан бош айланishi, яхши ухлай олмаслик ва дармонсизлик белгилари сезилади. Гипертониянинг кейинги босқичларида пульс (томир уриши) тезлашади ва таранглашади. Юрак чегараларининг чапга кенгайганлиги (чап коринча гипертрофияси) кузатилади.

Бемор дам олиш ва ухлаш тартибига қатъий риоя қилиши, асаб тизимига таъсир қилувчи омиллар бартараф қилиниши зарур. Пархезга риоя қилиш, холестеринга бой маҳсулотларни (ёғли гўшт) истеъмол қилиш ман этилади. Дори моддалардан дигазол, папаверин, клофелин кабилар касаллик босқичларига қараб кўлланилади. Касалликнинг илк шаклларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш зарур.

ГИПЕРТОНИК КРИЗ

Гипертоник криз-гипертония касаллигининг кескин оғирлашуви бўлиб, артериал босимининг бирданига тез кўтарилиб кетиши билан характерланади.


Криз ҳолатининг келиб чиқишида гипертония касаллигидагиdek сабаблар асосий омил ҳисобланади.

Белгилари. Беморнинг боши айланади, бош оғрифи кучаяди, юзи қизаради, қулоқларда шовқин бўлади, безовталаради, артериал босим тўсатдан кўтарилиб кетади. Мияда қон айланининг бузилиши натижасида ҳаракатлар, нутқ бузилиши юз бериши мумкин. Оғир ҳолларда шошилинч даво чоралари кўрилмаганда мияга қон қўйилади (инсульт).

Биринчи тиббий ёрдам. Гипертоник криз юз берганда дархол врач чақириш, врач келгунча беморни авайлаб, қимирлатмай ётқизиб күйиш, энса ва пешона соҳасига совуқ компресс босиш, оёклариға иситгич күйиш ёки иссиқ ванналар қилиш лозим. Корвалол ёки валокардин дори моддаларидан 30-35 томчи ичириш, шунингдек, bemor мунтазам ичib юрадиган дорисидан навбатдан ташқари яна 1 доза қабул қилиши зарур. Түш ости, юрак соҳасида оғрик бўлса, дархол нитроглициерин таблеткаси тил тагига ташланади. Дибазол, магнезий сульфат, папаверин гидрохlorид, гипотиазид кўлланилади. Гипертоник кризда комплекс даво чоралари артериал қон босимини bemorга монанд тутиб туриш, унинг кўтарилиб кетишига ҳам, жуда пасайиб кетишига ҳам йўл кўймаслиқдан изборат бўлиши зарур. Қон босими бирдан пасайиб кетганда, бош мия, юрак ва буйракнинг қон билан таъминланиши бузилиб, bemorning аҳволи оғирлашиши мумкин.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

Овқат ҳазм қилиш тизими (16-расм) касалликларига гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яра касаллиги, энтерит, колит, панкреатит, ҳолецистит каби касалликлар киради.



16-расм. Овқат ҳазм қилиш тизими.

ГАСТРИТ

Гастрит - ошқозон шиллик қаватининг яллигланиш касаллигидир.

Келиб чиқиши сабаблари. Алиментар-овқат омили катта аҳамиятга эга. Сифатсиз овқат истеъмол қилиш, ҳаддан ташқари иссиқ, совуқ, аччик, бузилган овқатларни ейиш, овқатни етарли чайнамаслик гастрит келиб

чикишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда гастрит қатор бошқа ички касалликлардан кейин иккиласми ривожланади. Масалан: юрак етишмовчилигида (димланиш ҳисобига), юкумли касалликларда (ангина, грипп, сил), касб касалликларида (кислоталар, ишқорлар, симоб, кўрошин, фосфор ва ҳоказо билан ишлаш), таъсирловчи дори моддалар қабул қилганда (ацетилсалицилат кислота, гормонлар, калий йодит, резерпин) ва бошқаларда. Шундай қилиб, гастритнинг келиб чикишида ҳам экзоген (ташқи), ҳам эндоген (ички) омиллар аҳамиятга эга.

Белгилари. Кечишига қараб ўткир ва сурункали гастритлар фарқланади.

Ўткир гастрит одатда овқатланиш тартиби бузилганда овқатдан 3-5 соат ўтгач ривожланади, баъзан у шиддатли кечиши ҳам мумкин.

Бемор иштаҳаси йўқлигидан, кўнгил айниши, кекириш, ўт аралаш қусишидан, қориннинг юқори қисмида оғриқ туриши, оғирлик сезиш, босим, баъзан тутиб қоладиган оғриқдан, оғиз bemаза бўлишидан шикоят қилади. Бундан ташқари, ҳарорат кўтарилиши, бош оғрифи, бош айланиши, кўз олдининг қоронғилашиши кузатилади. Умумий ахволи қониқарли ёки ўртача оғирлиқда. Тилини караш қоплаган, оғзидан ёмон ҳид келиши мумкин, қорин дам бўлиб, пайпаслаганда оғриқ бўлади. Ич кетиши кузатилади. Ўткир қўриниши 3-5 соатдан кейин ўтиб кетади, аммо диспептик ҳолат яна икки ҳафта давом этади, парҳезга риоя қилганда ва тўғри муолажа қилинганда, касаллик аста-секин ўтиб кетади, аксарият ҳолларда жараён сурункали даврга ўтади.

Биринчи тиббий ёрдам. Организмга тушган зарарли омилни тезроқ бартараф қилиш учун, ошқозон илиқ сув билан ювилади. Бемор қоринда ётиш режимига риоя қилиши керак. Даствлабки 1-2 кун овқат емай турилади. Кейинроқ парҳезга қаттиқ амал қилинади. Оғриқни қолдириш учун қатор дори-дармонлар, хусусан белладонна препаратлари тайинланади. Оғир ҳолларда тери остига лигаза, изотоник натрий хлорид эритмасини юбориш керак.

ОШҚОЗОН ВА 12 БАРМОҚЛИ ИЧАКНИНГ ЯРА КАСАЛЛИГИ

Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраси касаллиги сурункали қайталанувчи касалликдир.

Келиб чикиш сабаблари. Яранинг пайдо бўлишида ошқозон ва 12 бармоқли ичак ҳаракатининг бузилиши, ошқозон ширасининг кислоталиги ва пептик фаолияти ортиб кетиши, шиллик ишлаб чиқаришнинг камайиши, ошқозон шиллик қаватида қон айланишининг пасайиши муҳим рол ўйнайди. Бу ўзгаришларга асосий сабаб руҳий ҳаяжонланиш, аклий ва жисмоний чарчаш, доимий ҳавотирда бўлиш ва бошқалар ҳисобланади. Касаллик насл сурини мумкин.

Яра касаллиги омилларига нотўғри овқатланиш (куруқ овқат ейиш, тартибсиз овқатланиш, яхши чайнамаслик, дағал, ҳаддан ташқари аччиқ, иссиқ ва совуқ овқатлар истеъмол қилиш, тиш йўқлиги ва бошқалар) сабаб бўлади. Чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, оқсил, витамин

етишмовчилиги сабаб бўлади. Яра касаллигининг ривожланишида микроблар муҳим аҳамиятга эга.

Белгилари. Яра касаллигининг муҳим белгиларидан оғриқ, қусиши, қон оқиши ҳисобланади. Оғриқ овқат истеъмол қилгандан сўнг пайдо бўлади, пайдо бўлиш вақтига қараб, улар эрта (1-1,5 соатдан сўнг) ва кечки (2-4 соатдан кейин) оғриқларга ажратилади. Оғриқ юқорига ва чапга (яра юқорида жойлашганда), орқада ўнг кўкрак ва ўнг қовурға остига (пилородуденал ярада) тарқалади.

Оғриқ давомийлиги, касалликнинг оғирлиги, асоратига қараб ҳар хил бўлади. Овқат егандан сўнг иссиқ қўллаш ёки қусищдан сўнг (баъзан сунъий чақирилганда) оғриқ камаяди. Қусиши кўпинча оғриқ авжига чиққан вақтда пайдо бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қусиши кўп ҳолларда касал аҳволини тез енгиллаштиради. Шунинг учун улар қусишини баъзан сунъий равишда чақирадилар. Қон оқиши очикдан-очиқ ёки яширин бўлиши мүмкин. Очикдан-очиқ қон оқиши 25 % ҳолатларда кузатилади. Кўп қон кетганда қон тўқ қизил рангда бўлади ёки қон секин оққандада қон хлорид кислота таъсирида ўзгаришга улгуради ва кофе қўйкаси кўринишида бўлади. Қон кетгандан бироз кейин қорамойсимон ич келиши ҳам мумкин. Бу ҳолатлар қон йўқотиш белгилари бўлиши мумкин.

Яширин қон кетиш 80% ҳолларда кузатилади. Уни беморнинг аҳволига ва маҳсус кимёвий реакциялар орқали аниқланади. Беморда жигилдон қайнаши, кўнгил айниши, сўлак оқиши, кекириш кузатилади. Иштаҳа сақланиб қолади, кўпинча баланд бўлади, аммо бемор оғриқ ва қусищдан кўрқиб овқат емайди, тез чарчаши, уйқу бузилиши, жаҳлдорлик белгилари кўринади. Касалликнинг кечишида мавсумийлик кузатилади. Касаллик зўрайган вақтида bemор озиб кетади.

Биринчи тиббий ёрдам. Яра касаллигига комплекс даво қилиш зарур яъни тайинланган дори-дармонларни пархез овқатлар, физиотерапия ва даволашнинг бошқа усууллари билан кўшиб олиб бориш керак. Яра касаллигига физиотерапия парафин билан даволаш, балчиқ билан даволаш, шунингдек, марказий нерв тизимини тинчлантирадиган турли шифобахш ванналар (игна баргли, натрий хлоридли) энг муҳим даво тадбирлари ҳисобланади. Даволашда баржом, минерал сувлар катта рол ўйнайди. Медикаментоз даволашда тери остига атропиннинг 0,3-1мл 0,1%ли эритмаси юборилади ёки витаминлар қўлланилади.

Профилактикаси. Овқатланиш режимини тўғри ташкил этиш, ҳар куни соғ ҳавода сайр қилиш, жисмоний тарбия машҳлари комплекси бажарилиши лозим. Бизнинг мамлакатимизда яра касаллигига қарши овқат рационлари №1 деб аталган диеталар ишлаб чиқилган. Улар учта рацион: № 1а, 1б ва 1 дан иборат. Яра касаллиги бўлган bemорларнинг овқатланиш рационлари асосини ошқозон ва ичак шиллиқ пардасини имкон борича эҳтиётлаш (механик, кимёвий, термик каби таъсирлардан) принциплари ташкил қиласди.

ЭНТЕРИТ

Энтерит-бу ингичка ичак шиллик пардасининг яллигланиши бўлиб, касаллик ҳар хил инфекциялар (ич терлама, паратиф), гельминтлар таъсири остида заҳарли ва баъзи бир дори моддалар таъсири, тўла қимматли овқатланмаслик ва бошқа оқибатлар натижасида пайдо бўлади. Энтерит ривожланишига ичкилик ичишга ружу қўйиш ва чекиш йўл очади. Меъда фаолиятининг бузилиши, меъда ости бези касалликларига ўз вақтида даво қиласмаслик ҳам бу касалликнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Касалликнинг ўткир ва сурункали турлари фарқ қилинади.

Белгилари. Сифатсиз овқат истеъмол килгандан 3-4 соат ўтгач, тўсатдан бошланади. Умумий ҳолсизлик, иштаханинг йўқолиши, қоринда оғриқ кузатилади, бунга ич кетиши кўшилади. Ич кетиши кунига 3 мартадан 10-20 марта гача бўлиши мумкин. Нажас кўп микдорда ва кўпикли, нордон ҳидга эга бўлади. Кўпинча қоринда кулдираш, кўнгил айниши, кусиш, кекириш, чанқаш кузатилади. кўздан кечиришда тери қопламлари оқарган, тили куруқ, оқимтири парда билан қопланган, корин дам бўлган, пальпация қилинганда оғрийди, артериал босими пасайган, пульс тезлашган бўлади. Вақтида даво қилинса, бемор тез тузалиб кетади. Айрим ҳолларда сурункали турига ўтиб кетиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Ўткир энтеритда ўринда ётиш режими, туз сурги воситалари, мўл суюқлик (илиқ чой), қоринга иссиқ қилиш, тозалаш клизмаси тайинланади. Дори моддаларидан сульгин (0.5 г.дан кунига 4-6 марта), энтеросептол ва бошқалар буюрилади.

КОЛИТ

Колит - йўғон ичак шиллик пардасининг яллигланиши бўлиб, колитнинг сабабчиси инфекция (дизентерия), паразитар касалликлар (лямблиоз, гельминтоз), ҳаддан ташқари таъсирловчи ва нотўғри тайёрланган овқат истеъмол қилиш ҳисобланади. Колит ривожланишида қорин бўшлигининг бошқа органлари даги яллигланиш жараёнлари: сурункали ҳолецистит, гастрит, энтерит ва аллергик омиллар мухим аҳамиятга эга. Колит кечишига кўра ўткир ва сурункали бўлади.

Белгилари. Ўткир колитнинг характерли белгилари қориннинг пастки қисмида оғриқ бўлиши, тез-тез ич бузилиб туриши, тана ҳароратининг кўтарилиши, тенезмлар (дефекация оғрикли, сохта, қисқа бўлиши) аниқланилади. Ич келиши кунига 20 марта гача такрорланади. Кучанишлар безовта қиласди. Ахлат ҳар хил консистенцияли - қаттиқ, суюқ, шилимшиқ ва қон аралаш бўлади. Унда кўп микдорда лейкоцит ва эпителийлар топилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Ичакда муайян патологик микрофлора топилганда (дизентерия кўзғатувчилари) маҳсус даво олиб борилади. Овқат тўла қимматли, оқсиллари етарли микдорда, углеводлари ва ёғлари бирмунча чегараланган, лекин механик ва кимёвий жиҳатдан чегаралайдиган бўлиши керак. Касалликда тетрациклин ёки левомицетин, шунингдек, сульфаниламид препаратлари тайинланади.

ХОЛЕЦИСТИТ

Холецистит - ўт пуфагининг яллигланиш касаллиги бўлиб, кўпинчا ўт-тош касаллиги натижасида, баъзан алоҳида касаллик сифатидан ривожланади, холецистит гастрит, энтерит ва колит касалликларидан сўнг ривожланиши мумкин. Бодомча безининг сурункали яллигланиши, тиш кариеси, ўрта қулоқ яллигланиши, гайморит, аппендицит касаллик сабабчиси ҳисобланади.

Холецистит ўткир ва сурункали турларга бўлинади.

Белгилари. Асосий белгиси оғриқ бўлиб, у тўсатдан пайдо бўлиб, ўнг қовурга остига, қориннинг юқори қисмига, киндик атрофига, юқорига ва ўнг томонга тарқалади. Оғриқ ўт-тош касаллигига нисбатан бирмунча кучсиз бўлади. Бунда беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади. Оғриқ беморга азоб беради. Ўнг ёнбошига ётганда оғриқ кучаяди. Кўнгил айниши ва қусиш кузатилади ва қайт қилганда беморнинг аҳволи енгиллашмайди.

Касаллик оғир кечганда bemor титраб-қақшайди. Ҳарорат 38-40C гача кўтарилади. Енгил кечганда ҳарорат субфебрил бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Ўткир холециститда bemорга қоринда ётиш режими, жигар касаллигидаги №5 диета тайинланади. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари қўлланилади. Физиотерапевтик муолажалар-ўнг қовургалар ости соҳасига грелка, иссик, парафин, УВЧ қўлланилади. Санаторий-курортда даволаш тавсия этилади.

ЭНДОКРИН ВА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ КАСАЛЛИКЛАРИ

ДИФФУЗ ТОКСИК БУҚОҚ (Базедов касаллиги)

Касаллик қалқонсимон безнинг бир текис диффуз катталашуви ва функциясининг бузилиши билан таърифланади (Базедов касаллиги-уни симптомларини биринчилардан бўлиб тасвирлаган тадқиқотчининг номи бўйича аталади).

Келиб чиқиш сабаблари. Касалликнинг сабаблари узоқ вақтгacha руҳан зўриқиши, салбий ҳис-ҳаяжонлар, нейроэндокрин бузилишлар, қалқонсимон безга сурункали инфекциялар (сил, захм) таъсири, интоксикациялар ҳисобланади, ирсий омиллар таъсир қилиши мумкин.

Белгилари. Диффуз токсик буқоқ билан касалланган bemорлар юрак уришидаги ўзгаришлар, умумий беҳоллик, тажанглик, ортиқча терлаш, қўллар титраши, уйку бузилишидан шикоят қиласади.

Объектив текширувда қалқонсимон безнинг катталашганлиги маълум бўлади. Қалқонсимон без катталашшишининг бир неча даражалари фарқ қилинади:

- без bemорнинг ютиш ҳаракатларида гина кўриниши мумкин ва қўлга яхши уннайди;
- безнинг катталашганлиги ютиш ҳаракатларисиз ҳам кўриниб туради;
- без шу қадар катталашадики, бўйиннинг шакли ўзгариб қолади.

Пальпация қилингандың без зичлиги ўртача, атрофдаги тұқымалар билан ёпишмаган бўлади. Кўз симптомлари деб аталадиган ҳодисалар ҳарактерли; экзофталм (кўзниң чақчайиб туриши), кўзниң кам пириллаши, «узоқ вақт тикилиб туриш», кўз тўр пардаси пастга ҳаракатлантирилганда устки қовоқнинг юмилиши кечикиши (Грефе симптоми), конвергенциянинг сусайиб қолиши (Мебус симптоми), бунда бирор буюмни яқиндан кўздан кечиришда унга қарашиб қобилияти бузилади. Шунингдек, кўзларнинг ялтираб туриши ва баъзи бир бошқа симптомлар бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Ноxуш омилларни бартараф этиш, меҳнат ва турмуш режимини тартибга солиш тавсия қилинади. Йоднинг кичик дозалари ичишга берилади, кунига 2-3 марта 0,05 г дан дийодтирозин, мерказолин 0,05г.дан кунига 2-3 марта овқатдан кейин ва бошқалар. Бундан ташқари, симптоматик даво қилинади. Баъзи ҳолларда хирургик даво қилиш зарур.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

Қандли диабет касаллиги организмда инсулин гормони етишмаслиги натижасида ривожланади. У ошқозон ости безининг В - ҳужайралари шикастланишидан пайдо бўлади. Қандли диабет қадим замонлардан маълум. Диабет сўзи «ёриб ўтиш» маъносини англатади. Абу Али ибн Сино қандли диабетнинг белгиларини айтганда, пешобнинг ширин таъмга эга эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган.

Келиб чиқиши сабаблари. Қатор омиллар аҳамиятга эга: ирсий омиллар, семизлик, ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш, руҳий ва жисмоний шикастланишлар, ошқозон ости бези касалликлари, ошқозон ости безининг ўсмаси, захм, сил касаллиги ва бошқалар.

Белгилари. Беморлар ташналик ошиши, иштаха кучайиши, кўп пешоб қилишдан (суткалик пешоб миқдори нормадан анча ошади, яъни 2,5-3,0 литрдан 5-10 литргача етади), тери қичишидан нолийдилар. Умумий дармонсизлик орта боради, тана массаси камаяди. Переферик томирлар кенгайиши туфайли, тери қопламлари пушти ранг тус олади, аксарият терида чипконлар (терининг қичишидан тирналиш сабабли) пайдо бўлиб, булар сувсизланиш оқибатида терининг озиқланиши бузилишидан вужудга келади.

Диабет оғир-енгиллигига қараб З даражага бўлинади: енгил, ўртача, оғир. Оғир даражасида углеводларни ортиқча миқдорда истеъмол қилингандагина, унинг қондаги миқдори кўтарилади ва у пешобда пайдо бўлади. Ўртача даражасида bemor қандли диабетга хос юқорида санаб ўтилган ҳолатлардан нолийди, қонда қанд миқдори ошганлиги қайд қилинади, қанд пешобда доимо бўлади. Диабетнинг оғир даражаси бўлган ҳолларда bemorлар меҳнат қилиш қобилиятини йўқотадилар. Уларда диабетик кома пайдо бўлиш эҳтимоли бор.

Диабетик комада марказий нерв тизими фаолиятининг бузилиши қайд қилинади, дармонсизлик, бош оғриши пайдо бўлади. Аввал

кўзғалиш; кейин уйқучанлик вужудга келади, бемор кусади, шовқинли нафас олади, ҳушидан кетади. Териси пушти ранг, курук, артериал босими пасайган. Кўз соққаларини бармоқ билан босиб кўрилганда, юмшоқ бўлади. Бемор оғзидан ацетон ҳиди келади. Пешоб текширилганда қанд микдори кўплигидан ташқари ацетон ва В-оксимой кислота топилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Қандли диабет организмда инсулин етишмаслигига боғлиқ бўлгани сабабли, даволаш организмга инсулин юборишга асосланган. Касалликнинг енгил даражасида инсулин қўлланилгунча диетотерапия ўтказилади (диета №9). Диетани диабетнинг бошқа даражаларида ҳам тайинланади.

Диабетнинг енгил формаси диетотерапия bemorning ахволини инсулин қўлланилмасдан яхшилашга ёрдам беради. Инсулинни диета билан даволаш натижа бермаган ҳолларда қўлланилади.

Инсулин даволаш тактикаси кўйидагича: 3-5 г глюкозани (ўрта хисобда 4г) ўзлаштириш учун 1ТБ инсулин зарур деб хисобланади. Шунга кўра, талаб этиладиган инсулин микдорини ўзлаштирилмаган қанд деб аталадиган, яъни пешоб билан ажратиладиган қанд микдорини назарда тутган ҳолда хисоб килинади. Инсулин одатда овқатдан 20-25 минут олдинтери остига юборилади.

Диабетик комада биринчи тиббий ёрдам. Диабетик комада зудлик билан тери остига инсулин юборилади. Уни венага куйиш ҳам мумкин. Агар bemorning ахволи яхшиланмаса, инсулин юборишни bemorni коматоз ҳолатдан чиқаргунча давом эттирилади. (30-40 ТБ. Ҳар 1,5-2 соатда). Bemorlarга 50-100 ТВ. инсулин юборилганда айни вақтда венага 20-40 % ли глюкоза эритмаси тайинлаш зарур. Организмнинг сувсизланишига қарши курашиб учун изотоник натрий хлорид эритмаси вена ичига юборилади. Инсулин дозаси ошириб юборилганда, гипогликемик ҳолат ривожланади. Bemorda кескин дармонсизлик, қаттиқ очлик сезиш, оёқ-қўллар титраши намоён бўлади ва комага олиб келиши мумкин (тери оқарган, кўз соққалари тонуси ошган).

Гипогликемик комада биринчи тиббий ёрдам. Bemorni коматик ҳолатдан чиқариш учун, баъзан унга бир стакан ширин чой беришнинг ўзи кифоя қиласи. Агар bemor ҳушидан кетган бўлса, венага глюкоза юбориш зарур (50 мл гача 40 % ли эритма).

СИЙДИК ТАНОСИЛ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

ЦИСТИТ

Цистит-юнонча сўздан олинган бўлиб, қовуқнинг яллигланиши деган маънони билдиради. Пешоб ажратиш тизими органлари касаллиги бўлиб, эркакларда ҳам аёлларда ҳам кўп учрайди.

Келиб чиқиши сабаблари. Касаллик қовуқقا турли инфекцияларнинг тушиши натижасида юзага келади. Совуққотиш, спиртли ичимликлар ичиш, дудланган нарсалар, зираворларни кўп истеъмол қилиш, қабзият каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

Белгилари. Циститда бемор оз-оздан тез-тез (ҳар 10-15 минутда) пешоб қиласы, пешоб қылганда оғриқ сезади; оғриқ айниңса пешоби қыстаганда ва пешобдан сүнг зұрайиб ловуллаш, ачишиш пайдо бұлади. Баъзан пешобда қон ва йиринг бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Касалликнинг ўткір даврида тұла ва тұғри даво қилинса, bemor соғайиб кетади. Акс ҳолда, сурункали тус олади. Касалликнинг оғир ёки енгил үтишидан қатын назар, bemor ётиши шарт. Спиртли ичимликлар ичиш, аччиқ, шур овқатлар истеммол қилиш таъқиқланади. Дори моддаларидан антибиотиклар ва нитрофуран қатори препаратлари буюрилади. Беморга күп суюқлик: сут, чой, иссик компот, минерал сув ва бошқалар ичирилади. Циститнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, турли яллигланиш касалликларини ўз вақтида даволаш зарур.

ГЛОМЕРУЛОНЭФРИТ

Гломерулонефрит-асосан буйрак калаваси қон томирларининг яллигланиши ҳисобланади. У ўткір ёйилган, сурункали ёйилган ва ўчоқли бўлиши мумкин. Ёйилган ўткір гломерулонефрит инфекцион-аллергик касаллик ҳисобланади.

Келиб чиқиши сабаблари. Касалликнинг келиб чиқишида стрептококклар асосий үрин тутади. У сезигир буйрак тұқимасига сенсибилизацияловчи таъсир күрсатади. Стрептококкли инфекциялардан ангина, қизамиқ, эпидемик грипп каби касалликлар ва юқори нафас ійлларининг мавсумий касалликларидан кейин ривожланади.

Белгилари. Ўткір нефрит күпроқ ёшлар касаллиги ҳисобланади, болалар, айниңса ўсмиirlар күп касалланади, касаллик әрқакларда күпроқ учрайди. Беморлар шишиб кетишданды, пешоб ажралыши камайишидан, бош оғриши, ҳансираш, кусиши, юрак, бел соҳасидаги оғриқдан, күриш ёмонлашишидан ва умумий ҳолсизликдан шикоят қиласылар.

Касаллик клиникаси учун учта аломат ҳос: шиши, артериал гипертензия ва пешобда ўзгариш бўлиши. Шишлар касалликнинг энг дастлабки ва доимий белгиларидан бири ҳисобланади. Шиши 80-90 % bemorларда кузатилади. У юзда, айниңса қовоқларда күриниб, bemorни хунуклаштириб құяды. Күз юмилиб кетади. Күзга күринарлы шишлар пайдо бўлгунча шишдан олдинги ҳолат пайдо бўлади. Бунда тұқималарда суюқлик йигилиди, уни факт бермени мунтазам тортиб туриб аниқлаш мумкин. Шиши танага тез тарқалади, плевра бўшлигига, перикардда транссудат йигилиши ҳамда истиско бўлиши мумкин.

Артериал босимнинг күтарилиши ҳам ўткір нефритнинг эрта пайдо бўладиган белгиларидан ҳисобланади. Асосан диастолик босим күтарилади, у артерия деворининг таранглигига боғлиқ. Перфериядыа тұsatдан ошган қаршилик натижасыда юрак ўзининг қисқариш кучини оширади, натижада sistолик босим ҳам ортади. Шундай қилиб, максимал босим ҳам, минимал босим ҳам ортади.

Одатда ўткір нефритдаги гипертензия узоқ вақт сақланмайды ва

меъёргача пасаяди. Пешоб миқдори 700-400 мл ва ундан ҳам камаяди. Оғир ҳолларда бир неча кун давомида анурия бўлиши мумкин. Пешобда қон бўлиши ва унинг ранги ўзгаришига (қўнғир, қизғимтири, тўшт ювиндисига ўхшаш) олиб келади.

Биринчи тиббий ёрдам. Бемор касалхонага ётқизилишига муҳтож бўлади. Ўриндан турмай ётиш, режимига амал қилиши, совуққотишларниң олдини олиш зарур. Пархез овқатларниң аҳамияти катта. Даствабки кунлари bemorga бир стакан сув, узум шарбати, озроқ ширин маний бўтқаси, сут ичишга руҳсат берилади. Ош тузи ишлатиш эса мутлақо ман қилинади. Суюқлик миқдори чегараланади. Кейинги кунлари диета №7-ош тузи чегаралган тузсиз овқатлар тайинланади, оқсиllар кескин чегараланади, зираворлар ва таъсирлантарирадиган маҳсулотлар бутунлай ман қилинади.

Дори-дармонлардан гипотензив препаратлар: 25 %ли магний сульфат эритмаси 10 мл дан мушак орасига, 20 мл дан 40 %ли глюкоза эритмаси венага юзорилади.

Олдини олиш. Организмдаги сурункали яллиғланиш ўчогига (сурункали тонзиллит, гайморит, аппендицит, тиш кариеси) қарши курашишдан иборат.

Ишлаб чиқаришда меҳнат гигиенаси, организмни мустаҳкамлаш, чиниктириш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, алкоголни кўп истеъмол қилишдан воз кечиш муҳим профилактик тадбир ҳисобланади.

ПИЕЛОНЕФРИТ

Пиелонефрит-буйрак ва буйрак жоми тўқимасининг яллиғланиши. Касаллик ўткир, сурункали ва буйрак циррози кўринишида кечади. Пиелонефрит бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Ўткир пиелонефрит кўпинча ёшларда учрайди.

Келиб чиқиш сабаблари. Кўзғатувчилари жомчадаги ўткир инфекциялар ҳисобланади, кўзғатувчилар лимфа ва қон орқали тушиши мумкин. Кўпинча касалликдан олдин совуқ қотиш, асбоблар ёрдамида урологик текширишлар ўтказилганлиги аниқланган.

Белгилари. Касаллик эт увишиши, юқори ҳарорат, бош оғриши, юракнинг тез-тез уриши, ҳансираш билан ўткир бошланishi мумкин. Рефлектор равишда кўнгил айниши, кусиш, қорин дам бўлиши мумкин. Пешоб ажralиши тезлашади ва оғрикли бўлади. Белда кўпинча қовуқ устида симиллаган оғриқ бўлади. Текширилганда тил қуруқ, караш билан қопланган.

Ўткир пиелонефритда шиш ва артериал босимнинг кўтарилиши кузатилмайди. Касаллик баъзан аста-секин бошланади ва ривожланади. Белда оғриқ, ҳарорат субфебрилгача кўтарилади. Пешобда кўп миқдорда лейкоцитлар бўлиши мумкин. Бу кўпинча болаларда ва ҳомиладор аёлларда учрайди. Ўткир пиелонефритнинг кечиши 1-2 ҳафтагача чўзилади, баъзан у сурункали турга ўтади.

Биринчи тиббий ёрдам. Ўринда ётиш режим. Диета №7. Кўпроқ суюқлик ичиш тайинланади: Бир неча стакандан минерал ёки қайнатилган сув,

компот, пиширилган сут, мева шарбатлари ичилади. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари құлланилади.

Олдини олиш. Аввало, пешоб чиқарув канали, қовуқдаги яллигланиш касалликларини ўз вақтида даволаш олдини олишdir. Гигиеник қоидаларга риоя қилиш мүхим рол үйнайды.

БҮЙРАК ТОШ КАСАЛЛИГИ

Келиб чиқиши сабаблари. Буйрак конкретментлари одам организмінде авитаминоз, хусусан авитаминоз А да модда алмашинуви (түз минерал) жараёнларининг бузилиши натижасыда, буйрак жомидаги димланиш ҳодисаларida пешоб туриб қолғанда, конкретментлар ҳосил бўлиши учун асос ҳисобланган пешоб кислота тузлари (уратлар) кристалларидан ҳосил бўлиши мумкин.

Буйрак конкретментларининг таркиби турлича бўлиши мумкин. Уларнинг ранги ва зичлиги шунга боғлиқ. Оксалат конкретментлар тўқ-кўнғир, қаттиқ, юзаси ғадир-будур бўлади. Фосфор конкретментлар оч кул ранг, урат конкретментлар сарик, қизил, силлиқ, оксалат конкретментларга қараганда қаттиқлиги кам. Буйрак конкретментлари якка-якка ва кўп сонли бўлиши мумкин, қум заррасидан йирик тухум катталигигача бўлади.

Белгилари. Конкретментлар борлиги узоқ йилларгача сезилмаслиги мумкин. Касалликнинг бош симптоми буйрак санчиғи хуружи ҳисобланади: белнинг ўнг ва чап томонидаги кучли оғриқ чов соҳасига ўтади, бунда бемор кусиши ва ҳатто ҳушини йўқотиши мумкин. Пешобда қон, яъни эритроцитлар пайдо бўлиши мумкин. Буйрак санчиғи конкретмент ўтадиган пешоб йўлининг таъсиirlаниши билан боғлиқ. Буйрак санчиғи пайдо бўлишига қаттиқ жисмоний зўриши, силкитадиган йўлларда юриш, шикастланиш бевосита туртки бўлиши мумкин. Агар конкретмент қовуққа ўтган бўлса, буйрак санчиғи тез (2-3 соат ўтгач) тўхташи мумкин. Агар конкретмент буйрак жомида бўлса ва атрофидаги тўқималарни муттасил таъсиirlантириб турса, бу ҳолда bemor белида унчалик ўткир бўлмаса-да, доимий оғриқ бўлади, тана ҳарорати кўтарилади, баъзан пешобда қондан ташқари йиринг ҳам бўлади. Пешоб ажралишининг бузилиш белгилари бўлиши мумкин, баъзан қорин дам бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Буйрак санчиғи хуружи вақтида атропиннинг 0,1%ли эритмасидан 1мл тери остига юборилади. Бел соҳасига иссиқ грелка ёки иссиқ ванна тайинланади. Овқат рациони турлича ва тўла қийматли бўлиши керак. Бемор кўп ҳаракатланиши, гимнастика билан шугулланиши, етарли миқдорда суюклик ичиши керак.

ЎТКИР СИЙДИК ТУТИЛИШИ

Ўткир пешоб тутилиши қовуқ ва пешоб каналига тош тиқилиб қолғанда, ўсмаларда, орқа мия касалликларида, эркакларда простата безининг ўсма (аденома) касаллиги оқибатида рўй бериши мумкин.

Белгилари. Беморнинг ранги оқаради, безовталаради, қовук соҳасида оғриқ пайдо бўлади, пешоб қила олмайди. Пешобнинг ўтқир тутилишига простата безининг ўсма касалликлари, қовуқдаги тошлар, орқа мия касалликлари сабаб бўлади.

Бемор мустақил пешоб қила олмайди, пешоб қовуқда тўпланиб боради. Пешоб тутилиши қовуқнинг чўзилишига ва қоринда қаттиқ оғриқ бўлишига олиб келади, булар ўз навбатида бошқа ички органлар (ичак, ўпка ва бошқалар) функциясининг рефлектор равишда бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Бемор тинчлантирилади. Илиқ сув билан ванна қилинади. Қовук усти ва чов оралиғига грелка қўйилади, bemorга оқаётган сув товуши эшилтирилади, озроқ тозалаш клизмаси қилинади, белладоннали шамчалар қўйилади. Агар шу чоралар натижада бермаса, bemorни тезда касалхонага олиб бориш керак, бу ерда пешобни катетер билан чиқарилади (катетер маҳсус резина ёки металл найча бўлиб, уни пешоб чиқариш канали орқали қовуққа киритилади. 1мл но-шпа ва 2 мл барабалгин эритмаларидан инъекция қилинади. Бемор тезда касалхонага етказилади.

БУЙРАК САНЧИГИДА БИРИНЧИ ВРАЧГАЧА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Буйрак санчигининг пайдо бўлиши, асосан буйрак тош касаллиги билан боғлиқ. Бу касаллик одам организмидаги минерал тузлар, витаминлар алмашинувининг бузилиши, узоқ вақт давомида буйрак жомларидаги пешобнинг димланиб қолиши, кам харакатчанлик оқибатида тузларнинг ҳосил бўлиши билан кечади. Дастреб пешоб кислотасйининг тузлари (урат, фосфат, оксалат), кум чўқмалари пайдо бўлса, кейинчалик улар хар хил катталигидек бўлиши мумкин.

Буйрак санчиги буйрак жомидаги кум чўқмалари ва тошларнинг кўзғалиши ва силжиши натижасида, жом деворларидаги нерв рецепторларининг таъсиrlаниб, мускулларнинг спазмга учраши оқибатида келиб чиқади. Тошлар майда кум зарраларидан тортиб тухум катталигидек бўлиши мумкин.

Белгилари. Буйрак санчиги тўсатдан бел соҳасидан қаттиқ санчиқли оғриқ хуружи билан бошланади. Оғриқ қориннинг пастки қисми, қовук соҳаси, чов оралиғи, жинсий аъзолар ва оёқларгача тарқалади. Бемор ўрнидан қимирлай олмайди, уни вахима босади. Пешоб вақтида оғриқ кучайиб ачишиш сезгиси пайдо бўлади. Пешобда қон бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Бемор тинчлантирилиб, иссиқ ўралади. Бел соҳаси, қовук усти ва чов оралиғига иссиқ иситгич қўйилади. Оёқларига иссиқ ванна қилиш фойдали. Беморнинг мускули орасига 1,0 мл ношпа ва 2,0 мл барабалгин эритмаларини инъекция қилиш керак. Бемор зудлик билан касалхонага етказилади.

ХОМИЛАДОРЛИК ТОКСИКОЗЛАРИ

Хомиладорлик токсикозлари нерв, юрак-томир, эндокрин тизимлар ва моддалар алмашинувининг ўзгариши туфайли келиб чиқиб, туғруқдан сўнг ўтиб кетади..

Белгилари. Хомиладорликнинг биринчи (илк) ва иккинчи ярми (кечки) токсикозлари фарқ қилинади. Илк токсикозлар ҳомиладорликнинг дастлабки 12 ҳафтасида рўй беради. Аёлнинг умумий аҳволи ўзгаради, жizzаки бўлиб қолади. Кўнгли айнийди, сўлаги оқиб (кўп, яъни бир кунга 1 литргача оқиши мумкин), кейин кусади. Баъзан аёл ҳа деб қусаверади, дармонсизланади, оза бошлайди, уйқучан ва сержаҳл бўлиб қолади. Унинг қон босими пасаяди, тана ҳарорати кўтарилади, пульси тезлашади, териси қуруклашади, оғзидан ноҳуш хид келади. Илк токсикозларда ҳомиладор аёл аёллар маслаҳатхонасига қатнаб даволаниши мумкин. Ҳаддан ташқари кўп кусиш аёлни касалхонага ётқизишни талаб этади.

Ҳомиладор аёлга касалхонада тинч ва осоиишта шароит яратилиб, кўпроқ ухлаш тавсия қилинади. Кофеин 1 мл 10 % эритмаси кунига 2 маҳал тери остига, қайт қилмаётган бўлса, таблетка ҳолида берилади. Аминазин, этапиразин каби дори моддалари энтерал ва парентерал усуулларда организмга киритилади. Витаминлар буюрилади. Кеч токсикозлар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кўпинча, сўнгги ойларида вужудга келади. Буларга ҳомиладорлик истискоси, микропатия, преэкламсия ва экламсия киради. Кеч токсикозларнинг барчаси кетма-кет келиб, касаллик ҳолати босқичма-босқич кечади. Ҳомиладорлар истискосида шиш пайдо бўлади. Одатда у тўтиқдан бошланиб, тизза, сон, қорин ва ташқи жинсий органларга ўтади, сўнгра аста-секин бутун танага тарқалади.

Ҳомиладор аёл ойда 2 марта маслаҳатхонасига бориши, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, ҳафтада бир марта тарозида тортилиб туриши лозим. Суюқлик (суткада бир литргача рухсат этилади) ва тузни чеклаш, сервитамин овқатлар, сабзавот ва мевалар, творог, кефир истеъмол қилиш тавсия этилади. Аёл ўз вақтида даволанмаса, нефропатияга ўтади. Нефропатияни асосий белгиси шиш, қон босимининг ошиши ва пешобда оқсил бўлишидир. Ҳомиладор аёл зудлик билан касалхонага ётқизиб даволанади.

Преэкламсияда ҳам нефропатиядагидек симптомлар ва аёлнинг қаттиқ боши оғриши, кўз хиралашиши, кўкрак остида оғриқ пайдо бўлиши кузатилади. Бош оғриқ, кўз хиралашуви мияда қон айланишининг жиддий бузилганлигидан далолат беради. Бемор вақтида даволанмаса преэкламсия янада оғирроқ касаллик эклампсияга ўтиши кузатилади.

Эклампсияда тутқаноқ тутади, bemor ҳушидан кетади. Эклампсияда тутқаноқ тутиш алломатлари юз ва қовуқ мускуллари тортишиш пайдо бўлганда, дарҳол тез ёрдам чақирилиб, у келгунча bemorni ҳавоси тоза, қоронфироқ ҳонага ётқизиб, тинч кўйилади. Тутқаноқ тутганда bemornинг бирор жойига шикаст етмаслик чорасини кўриш лозим. Тилини тишлаб олмаслик учун бандига дока ўралган қошиқ оғзига солинади.

Тутқаноқ ҳуружи тўхтагандан сўнг bemorni сўлаги нафас йўлларига тушмаслиги учун, оғзини дока салфетка билан артиб олинади.

Туғруқхоналар тармоғининг бекіёт ўсғанлигига ва ҳомиладор аёлларнинг яхши диспансеризация қилинишига қарамай, баъзан уй шароитда, поездда, самолётда ва шу кабиларда туғадиган хотинларга биринчи тиббий ёрдам күрсатишига түгри келади.

Биринчи тиббий ёрдам. Туғруққа ёрдам күрсатувчи одам, аввало, асептик шароитлар яратиш түбрисида ғамхўрлик қилиши керак: қўлни яхшилаб ювиш ва зааралантириш, қайчи ёки пичоқни дезинфекция қилиш, киндинкни боғлаш учун стерил бинт тайёрлаш ёки спиртга (йод эритмасига) пишишибган ип, тасмачани солиб қўйиш лозим. Борди-ю, бола асфикция билан туғилса, бурун йўллари ва оғиздан ҳомила олди сувларини тортиб олиш учун резина нокчани тахт қилиб қўйиш керак.

Туғилган чақалоқни қайноқ дазмолланган тоза чойшабга (йўргакка) ётқизилади. Киндиқдаги пулсация аниқланмай қолганда, киндинк тизимчаси бола киндигидан 5-10 см юқорида тайёрлаб қўйилган ип тасмача ёки бинт билан икки жойидан боғланади, сўнгра киндинкни боғлаган лигатуралар ўртасидан кесилади.

Агар боланинг нафаси чиқмаса, боланинг бурни ва оғиздаги сувларни резина нокча билан тортиб, сўнг оғиздан- оғизга усулида сунъий нафас олдира бошлаш лозим. Онани ва янги туғилган чақалоқни имкон борича тезроқ туғуруқхонага олиб бориш керак.

АСАБ-РУХ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ

НЕВРОЗЛАР

Неврозлар-узоқ давом этадиган руҳий кечинмалар натижасида олий нерв фаолиятининг бузилиши билан ҳарактерланадиган нерв-психик касалликлар ҳисобланади. Бу касалликлар нерв тизими заиф кишиларда осонроқ келиб чиқади.

Келиб чиқиш сабаблари. Симптоматик касалликлар, ҳаддан ташқари чарчаш, уйқусизлик, спиртли ичимликлар ва гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш, жинсий заифлик касалликни келиб чиқишини осонлаштиради.

Турлари. Неврозларнинг қўйидаги клиник формалари фарқ қилинади:

1. Невростения;
2. Истерия;
3. Психостения.

Невростения-юнончадан олинган бўлиб, нерв дармонсизлиги деган маънени англаатади. Невростенияга асосан уйқу ва овқатланиш режимининг бузилиши, сурункали заҳарланишлар (ичимлик, гиёхвандлик) кўринишидаги организмни заифлаштириб қўядиган омилларнинг борлиги, одамнинг ҳаддан ташқари кўп чарчаши, кўнгилни оғритадиган хис-туйғуларни бошдан кечириш сабаб бўлади. Касалликнинг бу турида бемор салбий таассуротларга осонгина берилувчан бўлади.

Белгилари. Невростениянинг асосий белгиларидан бири дармонсизликдир. Бу нерв тизимининг ортиқча қўзғалувчанлиги ва тезда

ҳолдан тойиб қолиши билан ифодаланади. Беморлар арзимаган гап ёки бошқа ташқи таассуротлардан ғазабланиб, бақириш, сўкиниш билан жавоб беради-ю, лекин дарров тинчланиб қолади. Бўлиб ўтган воқеалардан афсусланиб кечирим сўрайди, баъзан йиглашга тушади. Кайфияти бузилади, тушкунликка тушади, атрофдагиларга қизикиши йўқолади. Одам тез чарчаб қолиши туфайли, меҳнат қилиш қобилияти пасаяди. Беморлар хотираси ёмонлигидан нолишади. Уйқуси юзаки бўлиб қолади, турли ваҳимали, кўрқинчли тушлар кўра бошлайди. Уйқудан ланж бўлиб туради. Бошини қисиб тургандек бўлиб сезиладиган бош оғрифи, юрак соҳасининг санчиб туриши, оғриши, қулоқ шангиллаши, бош айланиши, кўз олдининг қоронфилашишидан нолишади. Уларда фикрлаш, ўзлаштириш, эслаш қобилияtlари сусаяди.

Биринчи тиббий ёрдам. Невростениянинг бошлангич босқичларида витаминаларга бой овқатларни истеъмол қилиш, оила ва ишда хотиржам бўлиш, врач кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш bemornining тезда соғайиб кетишига ва меҳнат қобилиятининг тикланишига олиб келади. Bemorga уйқуни яхшилайдиган, тинчлантирадиган бромидлар, транквилизаторлар (элениум, реланиум, седуксен, баъзан ухлатувчи дори моддалар буюрилади, физиотерапевтик муолажалар ўтқазилади. Оғир ҳолларда даволаш курси тугагандан кейин санаторийларда дам олиш тавсия этилади.

ИСТЕРИЯ

Истерия-юнонча бачадон деган маънони англатади. Қадимги юнонлар бу касалликни бачадонни организмда айланиб юришига боғлиқ деб ҳисоблаган эдилар.

Белгилари. Унинг баъзи аломатлари бошқа касалликларнинг белгиларига ўхшаб кетади. Шунинг учун бу касалликни буюк таҳлидчи деб ҳам аташади. Истерия, истерик тутқаноқ ҳуружлари, вегетатив ва сенсиматор ўзгаришлар билан ҳарактерланади. Истерия тутқаноғи қандай бўлмасин бирор хилдаги bemor руҳиятини шикастлайдиган ташқи таассуротлар ёки ўтмишдаги кўнгилсиз воқеаларни эсга соладиган воқеалар билан боғлиқ бўлади.

Тутқаноқлар кўпинча кундузи тутади, bemornining ҳаракатлари тартибсиз бўлади, лекин bemor бирдан йиқилиб тушмайди, охиста юмшоқроқ жойга йиқилади. Ўзини шикастлантирмасликка ҳаракат қиласи. Bemornining эс-хуши бутунлай йўқолмайди, рефлекслар ва кўз қорачикларининг ёруғликка реакцияси сақланиб қолади. Мускулларнинг қисқариши, титраши кўринишида бўлади, тилини тишлиб олмайди, оғзидан кўпик чиқмайди, беихтиёр пешоб килиб кўйиш ҳоллари кузатилмайди.

Истерия тутқаноғи бир неча минутдан бир неча соатгача давом этиши мумкин. Агар bemornining атрофида одамлар кўп бўлса, тутқаноқ узоқ давом этади. Истерияда ҳаракат ва сезувчанликнинг бузилиши кузатилади ва фалаж, гиперкинезлар ҳолида учрайди. Истерия фалажида мускуллар тонуси ўзгармайди, патологик рефлекслар бўлмайди. Оёқларнинг барча

харакатлари ва координация сақланған бўлади, лекин бемор тик тураломайди, юра олмайди.

Истерияда кўпинча меъда-ичак тизими фаолияти бузилади, қайтқилиш, ичак парези, ҳижҷоқ тутиши шулар жумласидандир.

Биринчи тиббий ёрдам.

1. Беморни тинч жойга кўчириш зарур.
2. Бурнига нашатир спирти ҳидлатилади.
3. Совуқ сув ичирилади.
4. Бемор ётган хона чироги ҳирароқ қилиб кўйилади.

Истерик тутқаноқ bemorda бартараф этилгандан кейин ухлаб қолиш ва ҳотирасини йўқотиш ҳолатлари учрамайди. Бемор bemalol йишини давом этириши мумкин.

ПСИХОСТЕНИЯ

Психостения-кўнгилдан кўтарилимайдиган ҳаёллар билан бўладиган ҳолатлар неврози бўлиб, бу ҳолатлар хилма-хил бўлади. Бемор фикри-зикрини банд қилиб олади ва турли клиник кўринишларида намоён бўлади.

Белгилари. Бундай ҳолатларга вахимали ҳаёллар, қалтис харакатлар киради. Фикри-зикрини банд қиласидиган ҳолатлар кўпинча ҳавотирланиш, кўрқиши, юрак уришининг тезлашуви, терлаш, артериал босимнинг кўтарилиши каби вегататив ўзгаришлар билан бирга кечади. Бемор кўнглини ўз ҳаёти учун ҳавотирланиш, юриш-туришида, одоб-аҳлоқида хато қилиб кўйиш вахималари эгаллайди. Кўпинча bemorларда оғир касаллик билан касалланиб қолиш вахимаси пайдо бўлади. Бу вахималар ўлиб қолиш, ўз-ўзини ўлдириб кўйиш, яқин кишислига нисбатан тажовузкорона ҳатти-харакат қилишдан кўрқиши билан бирга давом этади.

Биринчи тиббий ёрдам. Психотерапевтик воситалар ва доридармонлар кўлланилади. Касалликка даво қилинса у йўқолиб кетишига, овқатланиш ва ухлаш режимига қаттиқ риоя қилиш кераклигига bemorni рухан ишонтириш зарур. Вахималар зўрайиб, уйкуни жуда бузиб кўядиган даврларда антидепоресантлар, транквилизаторлар буюрилади.

ИНСУЛЬТ (МИЯГА ҚОН ҚУЙИЛИШИ)

Келиб чиқиш сабаблари. Мијага қон қуйилиши гипертония касаллиги ва бош мия томирлари атеросклерози асоратидир.

Белгилари. Касаллик тўсатдан ҳеч қандай аломатларсиз бедорлик даврида ҳам, уйкуда ётган пайтда ҳам пайдо бўлади. Бемор хушидан кетади, бу даврда кусиш, беихтиёр пешоб ва ахлат ажралиши мумкин. Юз гиперемияланиб (қизариб) қолади, бурун-кулоқлар кўкаради. Нафасни бузилиш характерли бўлиб, нафас қисиши билан бирга шовқинли хириллаб чиқадиган нафас олишни тўхташи ёки ҳар-хилда сийрак нафас олиш билан алмашинади. Пульс бирданига секинлашади-минутига 60 мартағача уради. Кўпинча оёқ-кўлларнинг фалаж бўлиб қолганлиги, юз асимметрияси (юзнинг бир томонида мимика мускуларининг фалажи ва қорачиқларининг бир хил эмаслиги) кузатилади.

Баъзан инсульт жуда жадал кечмаслиги шуакми, оёқ-құлларнинг фалажланиб қолиши, нутқнинг озми-түпни сундаки кузатилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Тиббий ёрдам күрсатиш. Аевало, беморни қароватта қулай вазиятда ётқизиш ва танасини қисиб турган кийимларининг тұгмаларини бұшатиш, хонага етарлича соф ҳаво кириб туришини таъминлаш зарур. Бошига муз солинган халтачаны қойиш ёки совуқ сувга ҳұлланған матони босиш, оёқларига грелқа қойиш лозим. Беморга мутлақо осойишта шароит яратиш, юта оладиган бұлса, тинчлантирадиган воситалар бериш керак (валериана настойкаси, бромидлар, қон босимини пасайтирадиган воситалар-дібазол, папаверин) нафас олишни кузатиб бориш, тилни орқага кетиб қолишини олдини оладиган чораларни қуриш, оғиз бұшығини шилимшік ва қусуқ массаларидан тозалаш керак.

Врач беморни транспортда олиб юриш тұғрисида ҳулоса чиқарғандан кейингина, қароватдан-қароватта күчириш ва касалхонага транспортда олиб бориш мүмкін.

ЭПИЛЕПСИЯ

Эпилепсия сүзи юонча бўлиб, «бирдан йиқилиб тушиш» деган маънони билдиради. Эпилепсия, яъни күёниқ қасаллиги сурункасига давом этиб борадиган дард бўлиб, ўзига хос талваса тутқаноқлари бўлиб туриши ва бемор шахсиятининг ҳарактерли тарзда ўзгариб қолиши билан ўтади.

Бу қасалликнинг этиологияси узил-кесил аниқланган эмас. Эпилепсиянинг келиб чиқишида ирсий омиллар, ҳомиланинг она қорнида нотүғри ривожланиши, туғруқ вақтидаги асфиксия (бўғилиш) ва шикастланишлар сабаби бўлади.

Эпилепсия тутқаноғи ҳавосиз хонада ўтирганда, чарчаганда, уйқусизлик оқибатида, ҳаяжонланғанда, кўркканда тұсатдан бошланади. Эпилепсия тутқаноғи одатда қандай бўлмасин бирор ташқи сабабсиз, тұсатдан бошланади. Бемор ўзидан кетиб қолиб, йиқилиб тушади. Йиқилиб тушишининг сабаби шуки, мускулларнинг ҳаммаси кескин аник таранглик ҳолатига келади. Тонус кучайиб барча мускулларда қисқариш баробар бошланмайдиган бўлгани учун бемор кўпинча олди ва бир ён томонга, орқасига йиқилиб тушади. Йиқилаётган пайтида баъзан қаттиқ бақиради.

Тоник талвасалар ўзига хос бўлади, мускуллари кескин таранглашиб, қўл ва оёқлар тортилади, гавда мускуллари ҳам таранглашган бўлади. 20-40 секунддан кейин тоник талвасалар клоник талвасалар билан алмашинади, бу қўл-оёқ мускулларининг ритмик тарзда қисқариб ва бўшашиб туриши билан ифодаланади. Беморнинг юзи оқарип кетади, сўнгра кўкимтир тусга киради. Кўз қорачилари кенгаяди, ёргуликка реакция бермайди. Пай рефлексларини ҳосил қилиб бўлмайди. Оғзидан кўпик чиқади, тили ёки лунжининг ички юзасини жароҳатлаб олгани учун бу кўпик қон аралаш бўлади. Аксари одам, файри-ихтиёрий суратда пешоб ажратиб қўяди. Гоҳо ичи ўтади.

Клоник талвасалардан кейин мускуллар бўшаша бошлайди. Беморнинг

эс-хуши киаралы-чиқарлы бўлиб туради ва кўпинча ухлаб қолади. Тутқаноқнинг ҳаммаси кўпи билан 2-3 минут давом этади. Тутқаноқлар кундузи ҳам, тунда, уйқу вақтида ҳам тутиб қолади. Тутқаноқлар ҳар хил вақтни оралаб ҳар куни, ҳафтасига, ойига бир марта ва бундан ҳам кўпроқ вақт оралаб тутиб туради. Баъзан тутқаноқлар бир неча соат давомида тўхтамасдан кетма-кет тутаверади. Тутқаноқлар орасида шу қадар кам вақт ўтадики, беморлар эс-хуши ўзига келишига улгура олмай қолади. Эпилепсия ҳолати деб шунга айтилади.

Эпилепсия ҳолатида шошилинч чоралар кўриш керак бўлади, чунки у ўлимга олиб бориши мумкин. Баъзи беморлар тутқаноқ тутишини олдиндан билишади. Уларнинг ахволи ўзгариб умуман, дармони қурийди, кайфи-руҳияти ёмонлашиб қолади. Тутқаноқни анча олдиндан келадиган даракчилари деб шулар айтилади. Кўпчилик bemorларда тутқаноқтар бир неча секунд давом этадиган аура (шабада) дан бошланади. Бунда бемор турли сезилар сезади. У терга ботади, ранги оқариб ёки қизарип кетади, оғиз бўшлиғида қуруқлик сезади. Баданида чумомилар ўрмалаб кетаётгандек, увишиб қолгандек бўлиб туюлади.

Тутқаноқ бошланишидан олдин bemorлар кўзига равshan ёруғлик доғлари, ёнғин шульалари кўриниши, қулоғига кўнғироқ овози, шовқин-сурон, бақириқ-чакириқлар эшитилиши, димогига қўланса ҳид, ғалати маза таъмлар ураётгандек бўлиб туйилиши мумкин.

Юқорида тасвирлаб ўтилган катта тутқаноқлардан ташқари, кичик тутқаноқлар ҳам учрайди. Кичик тутқаноқ одатда бир неча секунддан ортиқ давом этмайди. Айни вақтда бемор йиқилиб тушмайди, уларга катта тутқаноқда бўлганидек талваса тутмайди. Улар бир лаҳза маълум ҳолатда гўё қотиб қолгандек бўлади. Юзи оқариб кетади. Айрим мускул гуруҳлари учиб туриши мумкин.

«Абсанс» ўзбекчага таржима қилганда «йўқлик, ўздан кетиб қолиш» деган маънони билдиради. Бемор қисқа вақтда (бир неча секунд) ўзини билмай қолади. Масалан, бирор иш ёки сухбат ваҳтида бемор гўё қотиб қолади, кўзи бир нуқтага қадалиб туради, кейин эса у бошлаган ишни давом эттираверади. Бундай ҳолатларни bemorларнинг ўзи одатда сезмайди, атрофдагилар ҳам буни пайқашмайди.

Биринчи тиббий ёрдам. Бемор хуружнинг бошидан охиригача ёрдамга муҳтоҷ бўлади. Бемор қулай жойга ётқизилади, тезда қисиб турган кийимлари бўшатилиб, кўпик нафас йўлига кетиб қолмаслиги учун бошини ён томонга қилиб қўйилади. Тили орқага кетиб қолишининг олдини олиш учун bemornинг оғзига қаттиқ нарса (қошиқ, кичкина пахта, мато) тикиб қўйилади ва тили ушлаб турилади. Тортшиб турган оёқ-кўлларни шикастланишдан сақлаш учун маҳкам босиб турилади. Эпилептик тутқаноқ вақтида bemor олдида шовқин кўтариш, уни силкилаш, юзига сўв сепиш, бурнига новшадил спиртини ҳидлатиш, сунъий нафас бериш ва юрагини ёпиқ массаж қилиш мумкин эмас.

Талваса ўтиб, bemor ҳушига келгандан кейин ухлаб қолади. У уйғонгач, бўлиб ўтган воқеаларни эслай олмайди шу сабабдан эслатиш ман қилинади

ва албатта асаб-руҳ касалликлари шифокорларги мурожаат қилинади. Тұтқаноқ-күчада рўй берган тақдирда хуруж тугагандан сўнг беморни уйига ёки даволаш муассасасига олиб бориш керак. Дори моддаларидан талвасага қарши таъсир кўрсатадиган препаратлардан ишлатилади.

ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

АЛКОГОЛЛИ ИЧИМЛИКЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Айрим кишиларнинг соғлом турмуш тарзига амал қилмай, алкоголли ичимликлар истеъмолига берилиши оғир оқибатларга олиб келиши ҳаммага маълум, чунки алкоголь (этил спирти) марказий асаб тизимиға таъсир этиб, дастлаб уни кўзғатади, сўнгра унинг фаолиятини сусайтиради. Алкогол кўп микдорда ичилганда одамда заҳарланиш юз беради. Айниқса, қонунга филоф равишда технологиялари бузилган ҳолатда тайёрланган қўлбола спиртли ичимликлар, суррогатлар (ароқ, конъяқ, пиво, вино, самогон кабилар)нинг озигина миқдори ҳам ўлимга дучор қўладиган заҳарланишини келтириб чиқариши мумкин. Этил спиртининг ўлдирадиган дозаси тана оғирлигининг ҳар 1 килограммига 6 г ни ташкил этади.

Алкогол кўп микдорда истеъмол қилинганда мастлик пайдо бўлади. Мастилкнинг енгил, ўртacha ва оғир даражалари фарқ қилинади. Енгил мастилка одамда хушчақчақлик, кайфи чоқлик (эйфория) кайфияти кузатилади, ўзини идора олади.

Ўртacha даражадаги мастилка одам гандираклайди, ўзини тута олмайди, хурсандчилик ва хафа бўлиш, бақириш кайфияти билан алмашиниб туради, гаплари узук-юлук бўлиб, кўп гапиради.

Оғир мастилка, одамнинг ахволи оғирлашади, эс-хуши кирарли-чиқарли бўлади, нафас олиши юзаки, сийрак, пульси тез, юрак уришлари сусаяди, атрофдагилар билан мулоқот узилади, рефлекслар йўқолади, беихтиёр бўшалади, кусиш, уйкуга кетиш содир бўлади. Заҳарланиш таъсирида уйку бехушликка ва кома ҳолатига ўтади. Нафас маркази фалажланиши оқибатида ўлим рўй бериши мумкин. Алкоголдан заҳарланиши инсон ҳаётى учун жуда хавфлидир.

Биринчи тиббий ёрдам. Беморни тезда тоза ҳавога олиб чиқиш ёки хона деразаларини очиши керак. Беморнинг бошини баланд қилиб ётқизиб қўйилади, қисиб турган кийимлари бўшатилади, бошига совуқ компресс қўйилади. Юзини куйдириб қўймаслик учун эҳтиётилик билан bemorга новшадил спиртининг буғларини ҳидлатиш зарур. Бемор ҳушида бўлса; илиқ сув ичирилади ва кўрсаткич бармоқ билан тил илдизига босиб, рефлектор равишда қустриллади. Беморга кофе ичирилади. Оғир ҳолларда bemorга сунъий нафас берилади ва юрак ёпиқ массаж қилинади. Бемор зудлик билан касалхонага етказилади.

ЗАҲАРЛИ ҲАШАРОТЛАР ВА ИЛОНЛАР ЧАҚИШИДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Одамни ари, қорақурт, чаён каби заҳарли ҳашаротлар ва заҳарли илонлар (кобра, эфа, қора илон, кўзойнакли илон кабилар)нинг чақиши туфайли ҳаёт учун ўта хавфли бўлган ҳолатлар келиб чиқади. Айниқса, одамни заҳарли илон чаққанда унга зудлик билан тиббий ёрдам

күрсатилмаса, унинг ҳаёти ўлим билан тугаши мумкин. Илон чаққан жойда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, жароҳат атрофи қизариб, шишади, тўқ жигарранг тусга киради, қон қўйилади.

Жароҳат атрофидаги лимфа томирлар бўйлаб излар ҳосил бўлади. Беморниң умумий ахволи оғирлашади, юрак фаолияти бузилади, пульс тезлашади. Кучли оғриқ ва умумий заҳарланиш оқибатида bemor ҳушидан кетади, у оғриқ шокига тушиши ва ҳалок бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан жароҳат юқорисидан жгут билан боғланади. Жароҳат атрофи новокаинли блокада қилинади. Иложи бўлса, жароҳатдан кўпроқ қон чиқариш учун жароҳат устига банка қўйилиб, заҳарнинг тарқалиб кетишига йўл қўйилмайди. Жароҳатдан кетаётган қонни тўхтатиш, жароҳат устига қаттиқ боғлам қўйиш, жароҳат устини кўйдириш қатъян ман этилади. Жароҳат усти калий перманганатнинг кучсиз эритмаси ёки совунли сув билан ювилади. Жароҳатдаги заҳарни сиқиб чиқариш ёки оғиз билан сўриб ташлаш мумкин эмас. Зудлик билан bemorni касалхонага етказиш керак.

КОНЦЕНТРЛАНГАН КИСЛОТА ВА ИШҚОРЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Концентрланган кислота (сульфат, сирка, нитрат)лар, ўювчи ишқор (ўювчи калий, натрий, перманганат калий)лар ва оғир металларнинг тузлари (қўроғшин, симоб кабилар)дан заҳарланиш, ушбу кимёвий моддалардан фойдаланиш қоидаларини билмаганда ёки бузилган ҳолларда, сақлаш қоидаларига амал қилмаганда, болалар қаровсиз қолдирилганда, қасдан ёки ўз-ўзини ўлдириш мақсадида қўлланилганда рўй бериши мумкин. Концентрланган кислоталар, ўювчи ишқорлар ва оғир металларнинг тузлари бадан териси, кўзларга тушиши мумкин, айникса, ичилганда заҳарланиш аломатлари кучли ва оғир бўлади.

Белгилари. Концентрланган кислота ва ишқорлар ҳужайра ва тўқималарини емириш хусусиятига эга бўлганлиги учун, тери, кўз, лаб, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач, ҳиқилдоқ каби аъзоларда куйиш ҳодисаси рўй беради. Шиллиқ қават емирилиб, тўқималар ишқор таъсирига учрайди. Яра қорамтири-кулранг, сарғиш-қорамтири тусда бўлиши мумкин. Кислоталардан куйганда кислота атрофга оқканлиги туфайли куйган юза катталашиб, ёйилиб кетаверади. Ишқорлардан куйганда эса тўқима чуқурроқ емирилади, атрофга оқмайди, тушган соҳа емирилади, куйган юза оқимтири, юмшоқ бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан врач чақирилади, у келгунча, bemornining қандай моддадан заҳарланганлигини аниқлаш зарур. Кучли кислоталар билан заҳарланганда кучсиз ишқорий эритмалар, ишқорлардан заҳарланганда эса кучсиз кислотали эритмаларидан фойдаланиш зарур, чунки бу усул заҳарловчи моддаларнинг таъсир кучини пасайтиришга, яъни нейтраллашга олиб келади. Концентрланган кислоталардан заҳарланганда меъдани 6-10 литр сув билан ювилади. Ҳар бир литр сувга 20 г кўйдирилган магнезия (марганцовка) қўшилади. Меъдани оз-оз сув билан ювиш, яъни

4-5 стакан сув ичириб күстириш мүмкін эмас. Меъдани ювишнинг иложи бўлмаса, беморга сут, ўсимлик ёки ҳайвонот мойи, тухум оқини ичириш мүмкін. Қорин устига совуқ компресс кўйиш оғриқни камайтиришга ёрдам беради. Кучли ишқорлардан заҳарланганда меъдани 8-10 л сирка кислотасининг кучсиз эритмаси билан ювиш фойдали. Оғир ҳолларда меъдани ювиш имкони бўлмаганда беморга лимон сувини бериш мақсадга мувофиқдир. Бемор зудлик билан касалхонага етказилади.

ҚИШЛОҚ ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР ҲАМДА ИНСЕКТИЦИДЛАРДАН ЗАҲАРЛANIШ

Бизга маълумки, қишлоқ ва халқ, хўжалигига, кундалик турмушимизда зааркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кимёвий заҳарли моддаларни қўллашга тўғри келади. Бундай заҳарли моддаларга зааркунанда ҳашаротлар, каналар, кемирувчилар, куртларга қарши инсектицидлар (маргимуш, карбофос, хлорофос кабилар), бегона ўтлар ва ўсимликлар касалликларига қарши пестицидлар (ДДТ, гексахлорон, метилмеркаптафос кабилар) киради. Уларни сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаган ҳолларда, хавфсизлик техникаси қоидалари бузилганда, умумий индивидуал ҳимояланиш воситаларидан фойдаланилмаганда заҳарланиш ҳодисалари рўй бериши мүмкін.

Заҳарли моддалар одам организмига тери, кўз, нафас ва меъдичак йўллари орқали киради.

Белгилари. Заҳарланиш аломатларига бош оғриғи, бош айланиши, дармонсизлик, кўп терлаш, нафас етишмовчилиги, ич кетиш, кўз ачишиши кабилар киради. Кейинчалик bemor безовталанади оёқ-кўл мускуллари тортишади, оғзидан сўлак оқади, эс-хушидан йўқолади, талвасага тушади, ҳушидан кетади. У юрак ва нафас олиш фаолияти бузилиши оқибатида ҳалокатга учраши мүмкін.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан врач чақирилади. Заҳарли модда қайси йўл билан организмга киришига қараб тадбирлар кўрилади. Бемор тезда очиқ ҳавога олиб чиқарилади, заҳарли модда теккан кийимлари ечилади. Агар заҳар тери ва кўзга тушган бўлса, дарҳол кўп микдордаги оқар сув билан ювилади. Заҳарли модда нафас йўли орқали кириб, bemor ҳушидан кетган бўлса, бурнига паҳтага шимдирилган новшадил спирти ҳидлатилади. Зудлик билан сунъий нафас берилади ва юрак ёпиқ массаж қилинади. Агар заҳар оғиз орқали кирган бўлса, 5-6 стакан сувга активлаштирилган кўмир аралашиб ичирилади ва дарҳол тил илдизига босиб, рефлектор равишда күстириллади, сурги дорилар берилади. Бемор зудлик билан касалхонага етказилади.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛANIШ

Сифатсиз, тайёрлаш техникаси бузилган, муддати ўтган, эскирган ҳайвонот маҳсулотлари (гўшт, колбаса, балик), сут ва сут маҳсулотлари (крем, торт, пирожний, музқаймоқ), туриб қолган, ачиган овқатларни,

шўрланган ва дудланган консерва маҳсулотларини истеъмол қилганда овқатдан заҳарланиш рўй беради. Бу маҳсулотлар орқали организмга турли хил микроблар ва уларнинг заҳарлари тушиши мумкин.

Белгилари. Касаллик шиддат билан тўсатдан бошланади. Озиқ-овқат истеъмол қилингандан сўнг 2-3 ёки 24-26 соат ўтгач касаллик белгилари намоён бўла бошлайди. Беморнинг боши оғрийди, кўнгли айнийди, безовталанади, лоҳаслик пайдо бўлади, у кусиши мумкин. Қорнида бураб оладиган кучли оғриқ бўлади, ичи кетади, ахлати қон арагаш, шилимшикли бўлиши мумкин. Оғир ҳолларда тана ҳарорати 38-40° С даражага кўтарилади. Умумий заҳарланиш аломатлари кучаяди, bemorning нафас олиши юзаки бўлиб, у ҳансирайди, юрак уриши сусаяди, пульс тезлашади, arterial босим пасаяди, сийиш камаяди, оғзи курийди, мускуллари тортишади, тери ранги оқаринқираб қолади. Баъзида кучли интоксикация натижасида ўткир томирлар етишмовчилигидан bemor ҳалок бўлиши мумкин.

ҚЎЗИҚОРИНЛАРДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Хозирги вақтда одамларда қўзиқоринлардан заҳарланиш ҳолатлари кўп учрамоқда, айниқса, бундай салбий ҳолатлар эрта баҳорда кузатилади. Бизга маълумки, қўзиқоринларнинг истеъмол қилиш мумкин ва мумкин бўлмаган заҳарли турлари бор. Истеъмол қилиш мумкин бўлмаган заҳарли турларига қурбака салласи, қизил мухомор, сохта опёнок, сохта шампиньон кабилар кириб, уларни одам танимай истеъмол қилганда заҳарланиш рўй беради. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар қандай заҳарли қўзиқоринларнинг заҳари ўтда пиширилганда ҳам, қайнатилганда ҳам, ўз кучини йўқотмайди.

Белгилари. Заҳарланишнинг дастлабки аломатлари 2-4 соатдан кейин бошланади. Беморнинг боши оғриб дармонсизланади, кўнгли айнийди, кусади, қорнида кучли оғриқ бўлади, ичи кетади. Айниқса, марказий асаб тизимининг заҳарланишига хос бўлган аломатлар: эснинг киравчиликарни бўлиб қолиши, bemorning кўзига йўқ нарсаларнинг кўриниши, алаҳсираш, кўзнинг хиралашуви, талвасага тушиш жуда характерлидир.

Оғир заҳарланиш ҳолатларида, кучли кўзгалиш ҳолатлари лоқайдлик, беларволик билан алмашинади, юрак уришлари сустлашиб, arteriaл босим пасаяди. Bemorda xушдан кетиш, коллапс ва шок аломатлари пайдо бўлиб, бу ҳолат кўпинча ўлимга сабабчи бўлади.

ҚУТУРГАН ҲАЙВОНЛАРТИШЛАГАНДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Кутуриш-вируслар қўзғатадиган ўткир юкумли касаллик бўлиб, марказий асаб тизимининг заҳарланиши билан кечади.

Кутуриш кутурган итлар, мушуклар, бўрилар, тулкилар ва бошқа ҳайвонлардан юқади. Касаллик ҳайвонлар тишлигандан, уларнинг сўлаги терининг тирналган ёки тилинган жойига тушса ҳам юқади.

Касалликнинг инкубацион, яъни яширин даври 12-14 кундан 2 ойгача

давом этади.

Белгилари. Кутуришнинг клиникасида 3 та давр ажратилади.

1. Бошлангич.

2. Кўзгалиш.

3. Фалажланиш даври.

Бошлангич давр 2-3 кун давом этади. Бунда беморнинг уйқуси бузилади, кўркув ҳисси пайдо бўлади, кайфияти бузилиб, иштаҳаси пасаяди. Бемор танасининг вирус билан заарланган жойи атрофи тортишиб оғрийди, сувдан ва ҳаводан кўркиш белгилари сезила бошлайди. Бемор сув ичмокчи бўлганда ютиш ва нафас мускуллари тортишиб, қисқариб оғрийди. Тана ҳарорати 38°C даражагача кўтарилади. Касалликнинг иккинчи даврида беморнинг оёқ-кўллари оғрийди, мускуллари тортишиб, талvasаланиш бошланади. Ёруғлик, арзимаган товуш ёки беморнинг баданига бирор нарсанинг тегиб кетиши кабилар мускулларнинг тортишишига олиб келади. Бу даврда bemор ухлай олмайди, атрофдаги кишиларга ёпишиши, ўз-ўзини тишлаши мумкин. Беморнинг эс-хуши кирарли-чиқарли бўлади, кўзига йўқ нарсалар кўринади. Иккинчи давр 2-3 кундан 5-6 кунгacha чўзилиши мумкин.

Фалажланиш даврида сувдан кўркиш (гидрофобия) камайиб, bemор суюқлик ичи бошлайди. Тана ҳарорати пасаймайди. Бемор сўзларни талаффуз қила олмайди ва аста-секин оёқ мускуллари, сўнгра танадаги бошқа мускуллар ҳам фалажланади. Бемор юрак ва нафас фаолиятининг фалажидан нобуд бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Тишлаган жароҳатдан қон оқишини таъминлаш зарур, чунки оқаёттан қон ҳаракати туфайли вируслар жароҳатдан оқиб чиқади. Бунинг учун жароҳатга банка қўйилади. Жароҳат атрофини дезинфекцияловчи эритмалардан йоднинг спиртдаги эритмаси ёки калий перманганат эритмаси билан ювилади ва асерптик боғлам қўйилади. Шикастланган киши тез тиббий ёрдам шифохонасига олиб борилиши зарур. У ерда мутахассис радиолог врач ёрдамида ит тишлаган кишини кутуришга қарши эмланади.

ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ

Ис гази ўта заҳарли газ бўлиб, ундан заҳарланиш ацетон, фенол, метил спирти олинадиган корхоналарда, янги бўялган хоналарда, печкада ёқиладиган кўмир чала ёнганда ва печка очиқ қолганда, хона яхши шамоллатилмаганда, табиий газдан фойдаланиш чоғида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаган ҳолларда, газ очиқ ҳолда қолганда содир бўлади.

Белгилари. Дастворда бош оғриги, бош айланиш, лоҳаслик, уйқучанлик пайдо бўлади, кейин кўз олди коронғилашади, кулогида шовқин эшитилади, кўнгли айниб, қайт қиласади. Мускуллари бўшашибади, териси оқаради, унда кизғиши додлар пайдо бўлади. Кейинчалик нафаси юзаки бўлиб, ҳансирайди, мускуллари тортишиб қолади. Одамда ўлим нафас марказининг фалажланишидан содир бўлади. Шуниси аянчлики, агар одам ис гази бор хонада ухлаб қолган бўлса, у уйқудан уйғонмай ҳалок бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан хона деразаларини очиб, хонага тоза ҳаво киритилади ёки одам ташқарига чиқарилади. Одамни қисиб турган

кийимлари ечилади. Нафас юзаки бўлса ёки тўхтаб қолса, тезда сунъий нафас берилади ва юраги ташқи массаж қилинади. Бемор иссиқ ўралади, оёқларига иситпич қўйилиб, қизарип кетгунча ишқаланади. Унинг бурнига новшадил спирти ҳидлатилади ва зудлик билан касалхонага етказилади.

ЮРАК ВА НАФАС ФАОЛИЯТИ ТЎХТАГАНДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Юрак пороглари, миокард инфаркти, электр токи уриши, сувга чўкиш, оғир операциялар ва бошқа ҳолларда юрак ва нафас олишнинг тўхташи кузатилиши мумкин. Бу организмда гипоксия (кислород танқислиги), гиперкалния (қон ва тўқималарда карбонат ангидрид газининг кўпайиши), ацидоз (қон ва суюқликларда кислота ва ишқор мувозанатининг бузилиши) каби патологик ҳолатлар билан юзага чиқади.

Юрак иши тўсатдан тўхтаб қолганида bemor хушидан кетади, ранги оқариб, кўз қорачиги кенгаяди. Артериал босим нолга тушиб қолади, томирларда пульс аниқланмайди, нафас бутунлай йўқолади.

Юрак ва нафас олиш бирданига тўхтаб қолганда гипоксия ва гиперкалния ҳолатини бартараф этиш учун, кислородга тўйинган қоннинг сунъий айланишини таъминлаш зарур. Бунга сунъий нафас бериш ва юракни ташқи массаж қилиш билан эришилади. Юракни массаж қилишнинг 2 тури мавжуд: очиқ ёки тўгридан-тўғри, ёпиқ ва ташқи массаж.




17 - расм. Юрак ва нафас тўхтаганда биринчи ёрдам кўрсатиш.

ЮРАКНИ ЁПИҚ МАССАЖ ҚИЛИШ


Юракни ташқи массаж қилиш учун bemorni қаттиқ ерга, полга ётқизиш керак. Ёрдам берувчи киши bemornинг ўнг ёки чап томонида туради. Кўл кафтини устма-уст перпендикуляр ҳолатда bemornинг тўш суяги пастки 1/3 қисми соҳасига, яъни ханжарсимон ўсиқдан 1-2 см юқорига қўяди. Куч билан бир маромда юракни массаж қила бошлайди

(17-18-расмлар). Бу вақтда юрак түш сұяғи ва умуртқа орасыда қисилади, уннинг ҳажми камайыб, қон аорта ва үпка артериясига ҳайдалади. Юракка томирлардан қон келиб, у ростланиш учун күкрап қафасини ҳар марта босғандан сұнг, ундан құллар бутунлай олинади. Юракни бир дақиқада ўртача 60-70 марта массаж қилинади.



18 - расм. Массаж техникаси.

Юракка веноз қон тез ва осонгина оқиб келиши учун беморнинг оёги баландроқ қилиб қўйилади. Катта кишилар юраги икки кўл билан, ўсмиirlар (10-12 ёш) юраги бир қўллаб, чақалоқлар юраги 2 та бармоқ билан массаж қилинади, чунки уларнинг сұяклари тоғайдан иборат бўлиб, тез шикастланиб, юракка зарар берishi мумкин (19 - расм).




19-расм. Болалар ва чақалоқларда юрак массажи техникаси.

Юракнинг ташқи массажида катталарда, икки марта сунъий нафасдан сұнг юрак 30 марта босилади. (Янги метод бўйича).

СУНЬИЙ НАФАС ОЛДИРИШ

Сунъий нафас, үпкага сунъий йўл билан ҳаво киритиш ва чиқаришидир. Сунъий нафас бўйилган, сувга чўккан, электр токи, офтоб ва иссиқ урганда, заҳарланганда кўрсатиладиган тез тиббий ёрдамдир.


Нафас олиш ва юрак уриши тұхтаганда сунъий нафас юрак массажи билан бирға параллел равища олиб борилса яхши самара беради. Сунъий нафас беришдан олдин оғиз ва бурун бўшлиги шилимшик моддалар, ёт жисмлар, кусук массаларидан тозаланиши ва нафас йўли очилиши керак (20 -расм).




20-расм. Нафас йўлини очиш:

а) бошни орқага сурини олдинга сурини; б) жагни олдинга сурини.

Сунъий нафас "оғиздан-оғиз"га ва "оғиздан-бурун"га берилиши мумкин. "Оғиздан - оғиз"га усули бўйича бир кўл билан беморнинг пастки жаини ушлаб, орқага тортиб, оғзини очиб туради, иккинчи кўли билан унинг бурнини беркитади, кейин оғиз орқали беморнинг ўпкасига ҳаво юборилади (21 А ва Б-расмлар).



21 А-расм.



21 Б-расм. Суный нафас бериш техникаси.

“Оғиздан-бурун”га усулида bemornинг pastki жаини олдинга тортиб, оғзи беркитилади ва ҳаво бурун бўшлиғига пулланади.

III-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Қадим замонлардан буён чинчекак, вабо, ўлат каби юқумли касалликлар миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритган.

Абу Али ибн Сино (980-1032) ўзининг “Тиббиёт қонунлари” китобида мохов, ўқтири, чечак, вабо иситмаси, йиринглаган яралар каби хасталиклардир, деб, уларнинг юқумли бўлиши тўғрисида ёзид қолдирган. Англиялик шифокор **Э.Женнер (1749-1823)** чинчекакка қарши эмлаш усулини ишлаб чиқди. Француз олимни **Луи Пастер** кучсизлантирилган микроорганизмлардан вакцина олиш усулини кашф этди.

Ҳозирги кунгача ер юзида маълум бўлган ва ўрганиб чиқилган юқумли касалликлар сони **1060** тадан ошиб кетган.

Юқумли касалликлар деб макроорганизм (одам, ҳайвон) билан микроорганизм ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган касалликка айтилади.

Бу муносабатлар турлича якунланиши мумкин:

1. Микроб микроорганизм ҳимоя воситалари таъсирида тезда ҳалок бўлиши мумкин.


2. Микроб ўзига қулай шароит топиб кўпайиши ва организм қаршилигига бардош бериб, узоқ сақланиши мумкин.

3. Барча ҳимояларни енгиб, касаллик қўзғатиши мумкин.

Микроорганизмлар ишлаб чиқарадиган заҳарли моддалар **токсин** деб аталади. Токсинлар ташқарига ишлаб чиқарилса **экзотоксин**,

ичкарига ишлаб чиқарилса **эндотоксин** деб аталади.

Касаллик құзғатувчи микроорганизмлар




А. Замбуруғлар. Б. Вируслар. В. Риккетсиялар. Г. Бактериялар.

Касаллик құзғатувчи микробларни ташувчилар

- 1-пашшалар.
- 2-битлар.
- 3-бургалар.
- 4-чивинлар.
- 5-каналар.
- 6-кемириувчилар.

Касаллик құзғатувчи бактерияларнинг турлари



Бактериялар: А-Е-Кок шакллари; Ё-З-Таёқчасимон шакллар;
И-Вибрионлар; Й-Спираллар; К-Спирохеталар.

Юқумли касалликлар бошқа касалликлардан қуидаги хусусиятлари билан фарқ қиласы:

1. Юқумли касалликларни тирик патоген микроорганизмлар құзғатади.
 2. Юқумли касалликларни тарқатувчи манбалар мавжуд.
 3. Юқумли касалликларнинг юкиш ва тарқалиш йүллари мавжуд.
 4. Айрим юқумли касалликлар билан оғриб үтган организмда шу касаллик-ка қарши иммунитет ҳосил болади.
 5. Юқумли касалликлар муайян даврлар давомида көчади.
 6. Айрим юқумли касалликлар мавсумий тарзда учрайди.
- Инфекция сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, “**ифлосланиш**” деган маънони билдиради.

Юқумли касаллукларни бактериялар, вируслар, паразитлар, риккетсиялар каби микроорганизмлар құзғатади.

Юқумли касаллукларнинг кечишигә даврийлик хос бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

1. Яширин (инкубацион).
2. Бошлангич ёки продромал давр.
3. Авж олиш даври.
4. Тузалиш (реконвалесценция) даври.
5. Соғайиш даври.

Юқумли касаллуклардан тұла соғайиш фақат бактериологик текширишлардан кейин аникланади. Бундан ташқары анатомик ва клиник соғайышлар мавжуд.

Юқумли касаллукларнинг тарқалиш йүллари куйидагилардир

1. Ҳаво томчиси орқали.
2. Озиқ-овқат орқали (алиментар).
3. Фекал орал йүл.
4. Маиший мулоқот (контакт).
5. Сув орқали.
6. Парентерал йүл.
7. Трансмиссив йүл.
8. Трансплацентар йүл.

Юқумли касаллуклар манбаига қараб қуйидагиларга бўлинади

1. Антропононозлар. Бунда касаллук манбай фақат одамларда бўлади.

Масалан: Қизамиқ, дифтерия, ич терлама ва бошқалар.

2. Зоонозлар. Бунда касаллук манбай ҳайвонлар ҳисобланади. Масалан: бруцелләз, кутуриш, тоун, ўлат ва бошқалар.

3. Зоантроопоноз касаллуклар. Касаллук ҳайвонлардан одамларга ва бошқа соғлом ҳайвонларга юқади.

Л. В.Громошевский юқумли касаллукларни юқиш йўлига қараб 5 гурӯхга ажратади.

1. Ичак юқумли касаллуклари (алиментар, фекал орал йўл орқали).
2. Нафас йўллари инфекцияси (ҳаво-томчи йўл).
3. Қон орқали юқадиган юқумли касаллуклар (трансмиссив йўл).
4. Тери ва шиллиқ пардаларда жойлашган юқумли касаллуклар (контакт йўл).
5. Турли йўллар билан юқадиган инфекциялар (аралаш йўл).

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ФАНИ

Юқумли касаллукларнинг келиб чиқиши ва тарқалиш йўлларини, уларнинг олдини олишга асосланган қонуниятларни ўрганадиган фан эпидемиология дейилади. Эпидемиология-лотинча сўз бўлиб, “эпикўп”, “демос-ахоли” деган маънони билдиради.

Эпидемик жараён

Эпидемик жараён деб одамлар орасида юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, авж олиб бориши ва тарқалишига айтилади.

Громошевский таъкидлашича, ҳар қандай юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши, авж олиб бориши ва тарқалиши учун З та омил бўлиши керак.

1. Касаллик манбай.

2. Касалликнинг юқиш ва тарқалиш йўллари.

3. Юқумли касалликка берилувчан одамлар.

Агар бу жараёндан бирортаси бўлмаса, эпидемик жараён тўхтаб қолади.

Лекин ҳозирги замонда **Беляковнинг** ўз-ўзини бошқариш назарияси пайдо бўлди.

Патоген микролар киришига жавоб бериш ва инфекцион жараён ривожла иши организмнинг юқумли касалликларга берилувчанилигидир.

Юқумли касалликлар билан касалланган одамларнинг кўп ё озлигига қараб эпидемиологик жараён қўйидаги хилларга ажратиласди.

1. **Спорадик касалликлар.** Бундай касалликка чалингандар сони кўп эмас, онда-сонда учрайди.

2. **Спышка.** Бунда бир вақтда 10-15 кишининг касалланиши.

3. **Эпидемия.** Юқумли касалликларни бирорта ўлкада, вилоят ёки мамлакатда кенг тарқалиб кетиши.

4. **Пандемия.** Бирорта юқумли касалликнинг халқаро миёсда тарқалиб кетиши (масалан, грипп, холера).

5. **Эндемиклик.** Юқумли касалликлардан бирортасининг муайян худудда доимий учраб туриши.

6. **Экзоотия.** Маълум бир худудда яшовчи ҳайвонлар орасида юқумли касалликлардан бирортасининг доимий равишда учраши (масалан: ўлат, лейшмиоз).

7. **Эпизоотия.** Бирор юқумли касалликнинг ҳайвонлар орасида кенг тарқалганилиги.

8. **Экзотик касалликлар.** Ҳориждан келтирилган касалликлар (масалан: ОИТС, безгак).

Юқумли касалликлар профилактикаси

Юқумли касалликларга қарши кураш чора-тадбирларини шартли равишида **2 гурӯхга** бўлиш мумкин:

1. **Умумий чора-тадбирлар.** Давлат томонидан амалга оширилади. (аҳолини турмуш шароитини яхшилаш, тиббий хизматларни такомиллаштириш, ишлаш, дам олиш шароитларини яхшилаш ва шу каби бошқа чора тадбирлар).

2. **Махсус чора-тадбирлар.** Соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари.

Профилактик чора-тадбирлар 3 йўналишда олиб борилади:

1. Инфекция манбани зарарсизлантириш.

2. Касалликнинг юқиш йўлларини қирқиши.

3. Одамларда юқумли касалликларга қарши иммунитет ҳосил қилиш.

Юқумли касалликлар профилактикасида дезинфекция ишларини амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Дезинфекция таркибиға қуидагилар киради

1. **Дезинфекция**-юқумли касалликларни келтириб чиқарадиган микробларни атроф мұхитдан йўқотиш.

2. **Дезинсекция** - вагонлар, бинолар ва шу каби иншоотлардаги пашша, чивин, бит, бурга ва каналарни йўқотиш.

3. **Дератизация**-юқумли касалликларни тарқатувчи кемирувчилар(сичқон, каламуш, бўрсиқ ва шу кабилар)ни қириб ташлаш.

Жорий дезинфекция - касаллик келиб чиқишининг олдини олиш учун кундалик ўтказилувчи дезинфекция усули.

Якунловчи дезинфекция-беморга юқумли касаллик ташхиси қўйилиб, шифохонага юборилгач, касаллик ўчоғида ўтказилувчи дезинфекция тури.

ИММУНИТЕТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Организмнинг турли касаллик қўзғатувчи бактериялар, вируслар ёки бирор бегона моддага қаршилик кўрсатиш хусусияти **иммунитет** деб аталади.

Иммунитеттинг икки хил тури маълум:

1. **Табиий (туғма) иммунитет**

2. **Орттирилган иммунитет.** Бу ўз навбатида иккига бўлинади:

а) актив (эмлангандан кейин пайдо бўлади);

б) пассив (қон зардоби юборилгандан кейин пайдо бўлади).

Табиий иммунитет наслдан-наслга ўтади.

Орттирилган иммунитет эса одам ва ҳайвонларнинг ҳаёти жараёнида пайдо бўлади.

Одамда (терида, шиллиқ пардаларда, кўз ёшида, балғамда, сўлакда, қорин бўшлиғи суюқлигига, қон зардобида, кўкрак сутида) микроб ва бактерияларга қарши таъсир кўрсатадиган лизоцин ферменти мавжуд. Лизоцин ферменти вирусларга таъсир қилмайди.

ИММУН ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Организмдаги иммун реакцияга даҳлдор ҳужайралар икки гурӯхга бўлинади:

1. **Тимусга тааллукли ҳужайралар (Т-лимфоцитлар).**

2. **Бурзага тааллукли (В-лимфоцитлар).**

Ҳужайрага тааллукли иммунитет Т-лимфоцитларга, гуморал иммунитет эса В-лимфоцитлар фаолиятига боғлиқ.

Олимлар иммунитет ҳосил бўладиган марказий органни **кўмик** деб ҳисоблашади.

Тимусдан қонга кўп миқдорда лимфоцитлар тушиб туради. Уларниг ичидаги энг мухими **3 хил** бўлиб, улар куйидагилар.

1. Т-хелперлар;

2. Т-киллерлар;

3. Т-супрессорлар;

Т - лимфоцитлар.

1. Иммунитетнинг ҳужайралар фаолиятига боғлиқ қисмини таъминлайди (Т-киллар). Улар қуидаги вазифаларни бажаради.

2. Организмга бегона унсур кирганда, унга ҳужум қилиб, уні ҳалок қиласы.

3. Рак ҳужайраларини парчалаб емиради.

4. Организмни инфекцияларга нисбатан чидамлилигини таъминлайди.

5. Иммун реакцияларини тартибга солиб туради.

В - лимфоцитлар 3 хил бўлади: Ig M, Ig G ва Ig A.

Шундай қилиб, иммун реакция 7 хил ҳужайралар (уч хил Т-лимфоцитлар, уч хил В-лимфоцитлар ва макрофаглар) фаолиятига боғлиқ бўлади.

Организмга кирган бегона унсурлар, аввало, макрофагга дучор бўлади.

Т-хелперлар макрофаг билан ҳамкорликда бегона унсурларни ҳар жиҳатдан ўрганади ва В-лимфоцитларни бегона унсурларга қарши антитело ишлашга ундейди.

Макрофаглар бегона унсурларни ютиб олиб, уни Т-лимфоцитларга узатади ва Т-лимфоцитлар маълумотларни В-лимфоцитларга беришида макрофаглар воситачилик қиласы да организмни бегона унсурлар чиқиндилардан тозалайди.

Инфекцион касалликларнинг кечиши (енгил, оғир, асоратли) Т ва В-лимфоцитларнинг кўп ёки озлигига ва фаолиятига боғлиқ бўлади.

Патоген микроблар организмга кирганда унга қарши организмда антителолар ишлаб чиқарилади.

Иммуноглобулинлар 5 гурухга бўлинади. IgA, IgM, IgG, IgD ва IgE.

Буларнинг биринчи учтаси организмда энг муҳим роль ўйнайди.

IgM иммуноглобулин инфекцион жараённинг бошланишида пайдо бўлади. У барча иммуноглобулинларнинг 3-10%ини ташкил қиласы. У нафас йўлларида, меъда, ичак шиллиқ пардаларида, янги туққан аёл кўкрак сутида бўлади.

IgG инфекцион жараённинг иккинчи ҳафтасида ҳосил бўлади ва иммуноглобулинларнинг 70-80 %ни ташкил қиласы. **IgM** ва **IgG** ичак инфекцияларида, трипп ва бошқа респиратор инфекцияларда муҳим рол ўйнайди. Улар бактерия, вирус ва токсинларга таъсир қиласы **IgM** ва **IgG** асосан қон зардобида бўлгани учун, уларни зардоб антителалари деб ҳам аталади.

IgA касаллик қайтадан юқсанда, маҳаллий иммунитет шаклланишида иштирок этади. Бу хилдаги антителолар вирусларга, бактерия ва токсинларга таъсир қиласы.

IgD ва **IgE** ҳали етарлича ўрганилмаган. Олимларнинг фикрича, бу иммуноглобулинлар қон зардоби бўлиб, организмнинг ҳимоя реакцияларида ва аллергик реакцияларда қатнашади.

Организм иммуноактивлигини наслдан-наслга ўтиши **иммуноактивлик гени** деб юритилади.

Иммунологик механизмларнинг издан чиқиши натижасида келиб

чиқадиган касаллуклар иммун патология деб юритилади.

Организм учун бегона бўлган унсурларга бактериялар, вируслар, бир хужайрали жониворлар, чувалчанглар, оқсил моддалари, хужайралар, тўқималар, рак хужайралари, ўзининг хусусияти ўзгарган хужайра ва тўқималар киради.

Организмнинг иммун тизими эмбрионал ривожланиш даврида тўқнашган бегона антигени билан туғилгандан кейин яна учрашса, уни худди ўзиникидек қабул қиласи ва эътибор бермайди. Бу ҳолат иммунологик толерантлик деб аталади.

ЭМЛАШ ТАҚВИМИ

Юкумли касаллуклар тарқалиб кетишининг олдини олиш учун соғлиқни сақлаш органлари томонидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда эмлаш ишлари олиб борилади. Эмлаш учун вакциналар тирик ёки ўлдирилган бактериялардан тайёрланади. Бундан ташқари, иммунитет ҳосил қилиш учун антитоксин зардоб гаммаглобулин ҳам қўлланилади.

ҲАР БИР ГЎДАК ҚҮЙИДАГИ КАСАЛЛУКЛАРГА ҚАРШИ РЕЖА БЎЙИЧА ЭМЛАНИШИ КЕРАК

ЁШИ	ЭМЛАШ НОМИ
1 кун	Вирусли гепатит В-га қарши. Г В - 1
2-5 кун	Сил (туберкулёз)га қарши Б Ц Ж - 1, шолга қарши О П В-0
2 ойлик	Дифтерия (бўфма), қоқшол кўк йўталга қарши А К Д С - 1, шолга қарши О П В-1, вирусли гепатит В-га ва ХИБ инфекцияси туфайли юзага келадиган пневмония, менингит каби касаллукларни камайтириш учун ВГВ-2-ХИБ-1
3 ойлик	Дифтерия (бўфма), қоқшол кўк йўталга қарши А К Д С-2, шолга қарши О П В-2, вирусли гепатит В-га ва ХИБ инфекцияси туфайли юзага келадиган пневмония, менингит каби касаллукларни камайтириш учун ВГВ-3 + ХИБ-2
4 ойлик	Дифтерия (бўфма), қоқшол кўк йўталга қарши А К Д С-3, шолга қарши О П В-3, вирусли гепатит В-га ва ХИБ инфекцияси туфайли юзага келадиган пневмония, менингит каби касаллукларни камайтириш учун ВГВ-4 + ХИБ-3
12 ойлик	Қизамик, паротит, қизилчага қарши КПК-1
16 ойлик	Дифтерия (бўфма), қоқшол кўк йўталга қарши А К Д С-4, шолга қарши О П В - 4
6 ёш	Қизамик, паротит, қизилчага қарши КПК-2
7 ёш (1 синф)	Дифтерия, қоқшолга қарши А Д С-М -5, полиомиелитта (шол) қарши О П В - 5, сил (туберкулёз)га қарши Б Ц Ж - 2
14-15 ёш	Сил (туберкулёз)га қарши Б Ц Ж-3
16 ёш	Дифтерия, қоқшолга қарши А Д С-М-6

Э с л а т м а: эмлашдан олдин ҳам, кейин ҳам боладаги ҳар бир үзгаришлар ва унинг ахволидан (яни яқин 2-3 кун ичидаги боладаги иситма, ич кетиши, ҳолсизлик, иштахасининг йўклиги, уйкусизлик, терисилаги үзгаришлар ва боладаги бошқа үзгаришлар хакида). албатта, тиббиёт ходимларини хабардор килинг!

ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИ

Парентерал йўл билан юқадиган касалликлар кўйидагилардир: ДИЗЕНТЕРИЯ (ИЧБУРУФ)

Дизентерия-касаллик қўзғатувчиси дизентерия бактериялари бўлиб, улар қўёш нурига, юқори ҳароратга, дезинфекцияловчи эритмаларга чидамсиз. Совуқ ҳароратга чидамли. Озиқ-овқатда 15-30 кун, сувда 9-10 кун; тупроқда З ойгача яшай олади. Дизентерия бактериялари ифлосланган озиқ-овқатлар, сабзавот, идиш-товор, кийим-кечак ва сув орқали юқади.

Бактерияларни асосан пашша ва чивинлар тарқатади.

Дизентерия микроблари оғиз орқали организмга тушади ва меъдадан ингичка ичакка ўтгач, микробларнинг асосий қисми ўлади. Бунинг натижасида ажралган токсин ичак деворларидан қонга ўтади. Бактериялар йўгон ичак шилиқ пардалари орқали организмдан чиқа туриб унинг яллигланишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида бактериялар шиллиқ пардага кириб олиши ва кўпайиши учун қулай шароит яратилади. Токсинлар қонда айланиб юриб, бутун организмни заҳарлайди. Ичак фаолиятининг бузилиши, меъда ости бези ва жигар фаолиятига ҳам таъсир қиласи.

Бу вазн камайишига, умумий заҳарланишга, витаминлар етишмовчилигига, иммунитетнинг бузилишига ва болаларда пневмония, отит каби касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

Клиник манзараси. Яширин даври 2-3 кундан 5 кунгача бўлиб, тана ҳарорати 38-40 С гача кўтарилади, ичнинг сурункали кетиши, ахлатда қон аралаш йиринг ҳосил бўлиши, ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, оғиз куриши, кусиш каби белгилар кузатилади.

Дизентериянинг енгил, ўтра, оғир ва ўта оғир турлари мавжуд.

Енгил тури. Беморнинг умумий ахволи унча үзгармайди, тана ҳарорати 37-37,5 С бўлади, bemorning ичи бир кунда 5-8 мартағача кетади, ахлатда бир оғиз шиллиқ модда кузатилади (қон бўлмайди).

Ўтра тури. Организмнинг умумий заҳарланиши якъол кўринади, тана ҳарорати 38-39 С бўлади, bemor қайт қиласи, қорин соҳасида вақти-вақти билан оғриқ (айниқса ҳожатдан олдин), ич кетиши бир кунда 10-12 марта бўлиб, шиллиқ модда ва қон бўлади.

Оғир тури. Касалликнинг белгилари яқъол кўринади, умумий заҳарланиш, бир неча бор кусиш содир бўлади, тана ҳарорати 39-40 С гача кўтарилади, тутқаноқ ҳолати кузатилиши мумкин, токсикоз белгилари кузатилади. Баъзан бир кунда 30-40 мартағача ич кетиб, у шиллиқ модда ва қон аралаш бўлади.

Профилактикаси. Санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш, касалликни ўз вақтида аниклаб алоҳидалаш, мулоқотда бўлганларнинг устидан назорат ўрнатиш ва уларнинг ахлатига эътибор бериш керак.

САЛЬМОНЕЛЛЁЗ

Сальмонеллёз ўткир юқумли ичак касаллиги бўлиб, уни сальмонелла деб аталадиган микроорганизмлар келтириб чиқаради. Касаллик ёз ва куз ойларида кўп учрайди.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи беморлар ва касал ҳайвонлар хисобланади.

Касаллик қўзғатувчиси ташки муҳитга бемор қайт қилганда, сўлаги, пешоби ва энг асосийси ахлати орқали чиқиб туради. Касаллик оғиз орқали соғлом одамга юқади. Касаллик озиқ-овқатлар орқали ва хомилага йўлдош орқали юқади.

Сальмонеллёз кўпинча гўшт ва бошқа ҳайвон маҳсулотлари орқали юқади.

Сальмонелла асосан ингичка ичакда кўпайиб, ичак лимфа безларини заарлайди ва ундан конга ўтиб, турли аъзоларни заарлайди. Касаллик ичак яллиғланишига ва яра ҳосил бўлишига олиб келади.

Клиник манзараси. Сальмонелланинг овқат токсикоинфекциялари ва контакт турлари фарқланади.

1. Овқат токсикоинфекциялари белгилари заҳарланган овқат истеъмол қилингандан кейин 8-36 соат ўтгач пайдо бўлади. Бемор тана ҳарорати 39-40 С гача кўтарилиб, боши, қорни оғрийди, қайт қилади, ичи кетади ва тутқаноқ кузатилади, касалликнинг бу тури катта ёшдаги болаларда кўпроқ учрайди.

2. Контакт тури турлича кечади. Бу касалликнинг ичтерлама, септик, ичбурмасимон, дисспептик ва кучсиз ривожланган турлари мавжуд.

а) Ичтерламасимон (тифсимон) тури мактаб ёшидаги болаларда кўпроқ учрайди. Тана ҳарорати 39-40 С даражагача кўтарилади. қаттиқ бош оғриши, қайт қилиш, дармонсизлик, беморнинг эс-хуши оғиб алаҳсираши, жигар ва талоқнинг катталашуви кузатилади.

б) Септик тури эмизикли болаларда кўпроқ учрайди. Беморда тана ҳарорати кўтарилади, касаллик мия пардаларининг яллиғланиши белгиларига ва зотилжамга олиб келади.

Беморнинг ичи шилимшиқ, йирингли ва қон аралаш келади.

в) Ичбурмасимон тури барча ёшдаги болаларда кузатилади. Тана ҳароратини кўтарилиши, қоринда оғриқ, қайт қилиш, қон ва йиринг аралаш ич кетиши ҳолатлари кузатилади. Кучли токсикоз вақтида ич кетиши кузатилмаслиги мумкин.

г) Дисспептик тури унча оғир ўтмайди, bemорнинг ахлати суюкланиб, унини таркибида яхши ҳазм бўлмаган аралашмалар бўлади.

Профилактикаси. Бемор билан бошқа соғлом болалардан ажратиб қўйиш, гигиена қоидаларига риоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри сақлаш, гўшт маҳсулотлари ва ҳайвонларни ветеринария назоратидан ўтказиш.

ПАРАТИФ А ВА ПАРАТИФ В (Ич терлама)

Ич терлама юқумли ичак касаллигидир. Кўзғатувчиси тиф бактериялари бўлиб, бу касаллик билан фақат одамлар касалланади. Бактериялар ташки мұхитга бемор ахлати, пешоби ва қисман сўлаги орқали чиқиб туради. Касаллик оғиз орқали юқади. Касалликнинг енгил тури билан касалланганлар атрофидагилар учун хавфли бўлади. Сабаби, уларда тиф борлиги кўпинча аниқланмайди. Бундай кишилар озиқ-овқат маҳсулотларига алоқадор жойларда, сув билан таъминлайдиган жойларда ишлаши соғлом аҳоли учун хавфидир.

Касаллик соғлом кишиларга бевосита контакт, фойдаланган ва унинг яқинида бўлган буюмларга қўл теккизиш йўли билан юқади.

Касаллик ёз-куз ойларида кўп учрайди. Касалликни асосан пашша ва чивинлар тарқатади.

Оғиз орқали кирган бактериялар меъдадан ўтиб, ингичка ичакка тушади ва у ердан бир қисми ташқарига чиқиб кетади. Колган қисми эса лимфоид тугулларга боради, у ерда кўпайиб, қонга тушади ва бутун организмни заҳарлайди. Заҳарланиш натижасида марказий нерв тизими, вегетатив нерв тизими, юрак-қон томир тизими заарланади.

Паратиф А нинг яширин даври 8-10 кун. Касаллик тўсатдан бошланади, баъзан тумов аломатлари кўринади. Беморнинг юзи ва кўзлари қизариб лабларига учук тошади. Беморнинг тана ҳарорати кўтарилиганда эти увишиб, пасайганда терлайди. Терисида ҳар-хил тошмалар тошиши кузатилади.

Паратиф В нинг яширин даври 5-10 кун.

Касаллик тўсатдан бошланади, эт увишиб, мускуллар оғрийди. Терлаш, заҳарланиш, тумов, қайт қилиш, ич кетиши, тана ҳарорати кўтарилиши ва дастлабки кунларда ҳар-хил тошмалар пайдо бўлиши кузатилади.

Профилактикаси. Касалликни кечиктиримай аниқлаш. Аниқланганларни касалхонага ётқизиш. Соғайган bemорлар 3 марта 5 кун оралатиб ахлат ва пешобини текшириш. Беморга яқин юрганлар 21 кун мобайнида текширувда бўлишади ва 3 марта бактериофаг ичирилади. Бемор яшаган уй дезинфекция қилинади.

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ

Вирусли гепатит ер юзида кенг тарқалган касаллик бўлиб, ҳозирги вақтда унинг 5 хили маълум:

1. Гепатит А. 2. Гепатит В. 3. Гепатит Е. 4. Гепатит Д. 5. Гепатит С.

Вирусли гепатитларнинг кўзғатувчиси вирус бўлиб, у ташки мұхитга чидамли. Бемордан олинган қон ва қон зардоби узоқ муддат сақланади.

Вирусли гепатит А (инфекцион гепатит) ва вирусли гепатит В бир-бирига ўхшаш белгилари билан кечади. Фекал орал йўл билан юқадиган А ҳам эмас, В ҳам эмас гепатит Е деб, қон қўйишидан кейин юқадиган А ҳам эмас, В ҳам эмас гепатит С деб, дельта вирус (гепатит В билан оғриган bemорлар организмидан топилган) кўзғатадиган касаллик гепатит Д деб аталади. Бу гепатитлар бир-биридан вируснинг тузилиши, юқиш йўли,

шакллари, тарқалиш йўллари, кечиши, клиник белгилари, аниқлаш усуллари, яширин даврлари билан фарқланади.

Вирусли гепатит А ва вирусли гепатит В касалликнинг иккала турида ҳам жигар тўқимаси заарланиб, организмни умумий заҳарланиши кузатилади. Касалликнинг асосий белгиси бадан териси, кўз оқ пардасининг сарғайиши, пешобнинг сариқ-қизғиши тус олиши, ахлатнинг рангсизланишидир. Бу касалликни биринчи бўлиб 1888 йилда С.П.Боткин таърифлагани учун **Боткин касаллиги** дейилади.

Касалликнинг тарқалиш манбаи бемор одам ва вирус ташиб юрувчилардир. А гепатит билан касалланган одамлар яширин даврнинг охири, сариқлик даврида (биринчи 10 кунликда) атрофдагилар учун юқумли бўлиб қолиши мумкин. Касаллик куз ва қиш ойларида кўп учрайди. Вирус юқиши ва тарқалиши сўлак, қон, пешоб, ахлат, кўкрак сути, ифлосланган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўйинчоқлар, ўй-рўзгор буюмлари, қон ва қон зардоби қўйишда, жарроҳлик муолажаларида, тиш олдирганда, аксирганда, йўталганда, гаплашганда содир бўлиши мумкин. Баъзан онадан болага йўлдош орқали юқиши мумкин.

Клиник манзараси. Юқумли гепатитнинг яширин даври 15-50 кун, зардобли гепатитнинг яширин даври 60-180 кундир. Вирусли гепатитнинг сариқлик ва сариқликсиз кечадиган турлари мавжуд.

Касаллик ўткир (2-3 ойгача), узоқ чўзилган (3-6 ойгача) ва сурункали (6 ойдан ортиқ) турларга ажратилади.

Касалликнинг 4 даври фарқланади:

1. Сариқлик олди (продромал давр 3-7 кун);
2. Сариқлик (10-15 кун);
3. Сарғайишдан кейинги давр;
4. Реконвалесценция (тузалиш даври).

Вирусли гепатит А да касаллик тўсатдан бошланади. Тана ҳароратининг кўтарилиши, кўнгил айниш, қусиш, корин соҳасида оғрик кузатилади. Касаллик аломатлари 3-6 кунда ўтиб кетади.

Гепатит В да касаллик аста-секин бошланиб деморда ҳолсизлик, тез чарчаш, бош айланиши, ўйқучанлик, иштаҳа йўқолиши каби аломатлар кузатилади.

Гепатит А да сариқлик бошланиши билан организмнинг умумий заҳарланиш белгилари йўқолади. Гепатит В да эса, аксинча оғир кечиб, кучаяди, сурункалига мойиллик ортади.

Вирусли гепатитнинг белгилари ривожланишига қараб енгил, ўртача, оғир турлари тафовут қилинади.

Касалликнинг енгил турида заҳарланиш белгилари кузатилмайди, деморнинг умумий ахволи кам ўзгаради. Ўртача оғир турида заҳарланиш белгилари кучлироқ номоён бўлади, умумий ахволи оғирлашади, дармонсизлик, иштаҳанинг пасайиши, кўнгил айниши, қусиш, бош оғриши кучаяди. Жигар катталашиб, пайпаслаб кўрилганда оғриқ беради.

Оғир турида демор ахволи тўсатдан оғирлашади кўп ухлайди, дармонсизлик безовталаниш авжига чиқади, иштаҳаси бутунлай

Йүқолади, қусиши күчаяди. Бемор күнгил айниши, бош оғриши, ўнг қовурға остидаги оғриқдан шикоят қиласы. Сариклик авжига чиқади, жигар ватталоқ қатталашып қаттықлашади. Қонда ферментлар ва билирубин оптиши ҳисобига бемор кома олди ва кома ҳолатига тушиши күзатылади.

Сарикликсиз кечадиган вирусли гепатит күпроқ болаларда учрайди. Касаллик тери, шиллиқ пардалар, күз оқ пардасининг сарғайишиз кечади ва күпинча тана ҳароратининг күтарилиши, дармонсизлик, иштажа йүқолиши билан бошланади. Касалликнинг бу турида бошқа турга нисбатан жигар ва талоқнинг анча қатталасыши ва айрим ҳолларда сурункали гепатитта, жигар циррозига олиб келади.

Профилактикаси. Беморларни ўз вақтида аниқлаб алохидалаш ва 3-4 ҳафта мобойнида юқумли касалликлар шифохонасида ётиб даволанишини таъминлаш шарт. Бемор аниқланган хонадонда дезинфекция ишлари ўтказилади. Бемор билан мuloқотда бўлганлар тиббий кўриқдан ўтказилади. Донорлар маҳсус текширувдан ўтганларидан кейингина қон топширишларига рухсат этилади. Бир марта ишлатиладиган шприцлардан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда гепатит В га қарши вакцина топилган. Бемор касаллиқдан кейин 6 ойгача жисмоний тарбия машқларидан озод қилиниб, врач күзатувида бўлади ва ҳар 1,5-2 ойда тиббий кўриқдан ўтиб турилади.

ОВҚАТ ТОКСИКОИНФЕКЦИЯСИ

Касаллик эскириб қолган ва турли шартли патоген микроорганизмлар тушган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади (гүшт, балиқ, колбас) Касаллик қўзғатувчилари энтерококлар, стафилококлар ва стрептококлар, спора ҳосил қиласидиган микроблар ва бошқалар. Улар озиқ-овқат маҳсулотларини нотўғри саклаш жараёнида ҳосил бўлади.

Касаллик манбаи. Йирингли касалликлар билан касалланганлар. Микроб шиллиқ пардаларга зарарли таъсир кўрсатади ва шимилиб қонга тушади. Бу эса умумий интоксикацияга сабаб бўлади.

Клиникаси. Яширин даври 30 минутдан 12-24 соатгача, bemорда күнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши (1 кунда 15-20 мартағача) күзатылади, ахлати шиллиқ (бъязан) қон аралаш бўлади. Қоринда оғриқ, ҳущдан кетиш, bemорнинг ранги оқариб, оёқ-кўлларнинг музлаши күзатылади, тана ҳарорати 38-40°C гача кўтарилади. Жигар ва талоқ қатталашып, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Профилактикаси. Озиқ-овқатларни сақлашда, тайёрлашда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш керак. Йирингли касалликлар билан оғриган одамлар овқат тайёрлаш ва сотишлари мумкин эмас.

Биринчи ёрдам. Ошқозонни тоза сув чиққунча тезда ювиш (атайин кустириш), овқат ейишни ман қилиш. Тезда касалхонага олиб бориш.

БОТУЛИЗМ


Ботулизм-орқа мия ва узунчоқ миянинг заарланишига хос белгилар билан кечадиган оғир токсик инфекцион касалликдир. Касалликни *Clastridium Botulinum* деб аталадиган, спора ҳосил қиласидиган анаэроб микроблар қўзатади.

Касаллик манбаи қорамол, қўй, эчкилар ва сувда яшайдиган ҳайвонлардир. Ҳайвон ахлати билан микроб ташқарига чиқиб, спора (қобик) ҳосил қиласиди ва у йиллар давомида ўлмайди. Одамга шу споралар билан заарланган маҳсулотлар (қўзиқорин, мева-сабзавотлар, консервалар) орқали юқади.

Клиникаси-касалликнинг яширин даври 2-12 соат (камдан-кам холларда бир неча кун). Касаллик тўсатдан бошланади, кўнгил айниши, бош оғриги, бош айланиши, дармонсизлик, кўл-оёқ бўшаши, қоринда оғриқ, дам, ич кетиш, кўз хиралшиб, атрофни туман қоплагандек кўриниши, битта нарсанинг иккита кўринишидир. Ташиналкини сув ичиб ҳам, қондира олмаслик, сўзларни димоги билан гапириш ва кейинчалик овоз чиқмай қолиши кузатилади. Бемор оёқ-кўллари ўз функциясини бажара олмаслиги туфайли, ўз бошини ушлай олмайди. Шу белгиларга қарамасдан, bemornинг хуши жойида бўлади. Ботулизмнинг енгил шакли 2-3 ой давом этади, 25% ҳолларда ўлим кузатилади.

Профилактикаси. Озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборларда, колбаса, консерва тайёрлаш, масалликларни туэлаш, қуритиш жараёнларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, қопқоғи кўтарилиб қолган консерваларни истеъмол қиласмислик керак. Ботулизмга қарши зардоб юборилади. Ботулизмда шубҳа қилинган bemorлар 10-12 кун мобайнида врач назоратида бўлади.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан bemornи атайнин қустириш ёки меъданни ювиш орқали овқатни чиқариш зарур (22-расм).



22-расм. Меъданни ювиш техникаси.

Атайн қустириш учун ёки ошқозонни ювиш учун беморга 5-10 литр илиқ сув ёки 1-челак сувга 3-ош қошиқ ош тузи солинган эритмасидан ичирилиб, күрсатгич бармоқ билан тил илдизига босилиб, рефлектор равищда қустирилади. Қустириш токи тоза сув чиққунча давом эттирилади. Тозаловчи құқна қилиш орқали ичакларидаги захарлы овқатларни чиқариш мүмкін. Беморға күпроқ суюқлик (иссиқ чой, кофе) ичириш фойдалидир. Уни иссиқ тутиш, оёқларга, қорнига иситгичлар күйиш зарур ва 6-8 соат мобайнида овқат бермаслик керак. Үндән кейин 2-4 кунгача енгил ҳазм бўладиган сут маҳсулотлари (кефир) бериш яхши самара кўрсатади. Беморнинг ахволи жуда оғир бўлса ва унда ботулизм аломатлари сезилса, уни зудлик билан касалхонага етказиш зарур.

НАФАС ЙЎЛЛАРИ ИНФЕКЦИЯЛАРИ

ЎТКИР РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАР. (ЎРК)

ЎРК юқори ҳарорат, интоксикация ва тумов аломатлари билан бирга кечадиган касаллик бўлиб, болалар касаллуклари орасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. ЎРКлар катта гурӯхни ташкил этиб, уларни вируслар көлтириб чиқаради. ЎРКлар қаторига грипп, парагрипп, аденоурус инфекцияси, респиратор-синтициал инфекциялар киради. ЎРКлар инфекцияларининг умумий клиник ва эпидемиологик белгилари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси ташқи муҳитга чидамсиз, дезинфекцияловчи эритмаларда, қуёш нурида тезда ўлади.

ЎРК инфекциялари куйидаги йўллар билан юқади:

1. Касаллик манбаи бўлган bemor орқали.
2. Ҳаво томчиси орқали (камдан-кам ҳолларда алиментар йўл билан).
3. Вируснинг нафас органлари йўлларига ўрнашиб олиб, нафас аъзоларини заарлаши.
4. Катарал синдромлар кузатилади (бурун битиши, шиллик оқиши, акса уриш, йуталиш, кўзнинг ачишиши, тана ҳароратининг кўтарилиши).
5. Касаллик асоратлари-бронхит, пневмония, нефрит, отит.
6. Касалликка мавсумийлик хос.

Касалликдан кейин организмда ҳосил бўладиган иммунитет вируснинг факат биргина турига хос.

ГРИПП

Грипп ўткир юкумли касаллик бўлиб, яширин даврининг қисқалиги, тана юқори ҳарорати интоксикация, нафас, асад ва юрак қон томир аъзоларининг кучли заарланиши ва катарал белгиларнинг кўплиги билан ажralиб турадиган касалликдир.

Тарихий маълумот. Грипп қадим замонлардан маълум бўлган касаллик бўлиб, ер юзида кенг тарқалган. 19 асрнинг охиридан то ҳозирги кунгача 5 маротаба (1889, 1918, 1927, 1957, 1977 йиллар) грипп пандемияси бўлиб ўтган.

Грипп ҳақида биринчи маълумотни Француз олими **Этьен Пасьен** 1403 йилда ёзib қолдирган.

Этиологияси. Грипп вируси 1933 йилда аниқланган. Грипп вирусининг А, В, С турлари мавжуд. Грипп вируслари ҳаво томчиси орқали соғлом кишининг юқори нафас йўлларига ўтиб, организмни заҳарлайди. Грипп вируси ўзининг антигенлик хусусиятини ўзгартириш қобилиятига эга.

Грипп касаллигидан кейин фақат шу вирусга тааллуқли бўлган қисқа муддатли иммунитет ҳосил бўлади. Бу иммунитет организмни грипп вирусининг бошқа турларидан ҳимоя қила олмайди. Фаол иммунитет А вирусида 1-2 йил, В вирусида 3-5 йилгача сақланади.

Грипп вируслари музлатилганда тирик сақланади, қиздирилганда, қуритилганда, турли дезинфекцияловчи моддалар ва ультрабинафша нурлари таъсирида тезда ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи-грипп билан касалланган бемор одам ҳисобланади. Бемор 5-9 кунгacha юқумли бўлиб, асосан гапирганда, йўталганда, аксирганда вирус тулуқ заррачалари билан ташқарига чиқади.

Грипп контакт йўли билан ҳам (сочик, рўмолча, ўйинчоқлар орқали) юқиши мумкин.

Грипп куз ва қиш ойларидаги кўп учрайди. Ҳар 1-3 йилда грипп эпидемияси, ҳар 10-30 йил оралатиб пандемияси кузатилади.

Клиникаси. Гриппнинг яширин даври бир неча соатдан 1-2 кунгacha чўзилади. Касаллик кўпинча ўткир, юқори ҳарорат билан бошланади. Беморда вегетатив асад тизимиning фаолияти бузилади. Юрак уриши тезлашиб, қон босими ошади, қорни дам бўлиб, боши қаттиқ оғриди. Бемор томоқ қирилишидан ва ютинганда оғриқ бўлишидан шикоят қиласи. Беморнинг бурни битиб, нафас олиши қийинлашади, куруқ йўтал пайдо бўлади. Бу ҳолат 2-3 кун давом этиб, кейинчалик bemорда кўп терлаш, юрак уришининг секинлашуви ва оғир ҳолларда эса тана ҳароратининг 40-41°C даражагача кўтарилиб кетиши, кусиши, ҳолсизланиш, юрак-томир фаолиятининг етишмовчилиги, тери ва шиллик пардаларда қон кўйилиши, баъзан бурундан қон кетиши кузатилади. Беморнинг лаби ва бурни атрофида учук тошади. Кичик ўшдаги болаларда тана ҳарорати юқори даражагача кўтарилиши натижасида алаҳсираш, хушдан кетиш, талвасага тушиш ва нафас олишнинг тезлашуви кузатилади.

Грипп асоратсиз кечганда 3-5 кун ичидаги тана ҳарорати пасайиб, bemорнинг ахволи яхшиланиб, иштаҳа пайдо бўлади. 4-5 кундан кейин йўтал камайиб, балғам ажралади, bemор қуввати тикланиб; 8-10 кундан кейин соғайиб кетади.

Гриппнинг оғир (токсик) шаклида интоксикация жуда кучли бўлиб, тана ҳарорати 40-41°C даражагача кўтарилади, bemор боши қаттиқ оғриб, нафас олиш тезлашади. Лаблари кўкариб, юраги тез-тез уради. Қон босими пасайиб, bemор алаҳлайди.

Давоси. Грипп билан касалланганлар ётиб даволаниши шарт. Акс ҳолда ҳатто енгил турида ҳам оғир асоратлар ривожланиши мумкин. Асосан симптоматик даво, антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари

ва қувватли овқатлар тайинланади.

Профилактикаси. Умумий санитария-профилактика тадбирларини күллаш, беморларни алоҳидалаш, алоҳида идиш-товоқ, сочиқ ажратиш. Грипп ўчоғидаги барча болаларга бурун йўлларига 1 кунда 4 маҳал интерферон томизилади. Гаммаглобулин 1мл мушак орасига юбориш ва вакцинация ўтказиш каби тадбирлар қўлланилади.

ПАРАГРИПП

Парагрипп-юқумли касаллик бўлиб, 1956 йилда АҚШда аниқланган. Парагрипп-ўртacha даражадаги умумий интоксикация юқори нафас йўллари ва асосан ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг яллигланиши билан кечади.

Этиологияси. Парагрипп вирусининг 4 хили маълум. Улар ташки муҳитга чидамсиз бўлиб, 50 даражали иссиқда 30-50 минутда ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Инфекция манбай бемор одам. Касаллик ҳаво томчи йўли билан юқади.

Касаллик йил бўйи спорадик тарзда учраб, куз-қиши ойларида кўпаяди.

Парагрипп эпидемия кўринишида учрамайди.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 2-7 кун. Касаллик астасекин ривожланади. Беморда ҳолсизлик, бош оғриғи, эт увишиб, бадан қақшаб оғриши кузатилади.

Тана ҳарорати кўпинча нормада ёки субфебрил бўлади. Касалликнинг бошланишида bemor кув-кув йўталади. Овози хириллаб, баъзан бутунлай чиқмай қолади. Бемор пиҷирлаб гапиради, бурун аввал битиб, сўнгра бурундан шир-шир сув оқади. Бурун-томоқ шиллиқ пардаси қизариб шишади. Баъзан bemornинг юмшоқ танглайида майда қизил нұқталар кўринади.

Касаллик 1-3 ҳафта давом этади.

Давоси. Организмнинг ҳимоя қувватини ошириш, парагрипп асоратлари пайдо бўлганда, антибиотиклар ва сульфаниламид перепаратлари буюрилади.

Профилактикаси. Худди гриппдагига ўхашаш чора-тадбирлар қўлланилади.

Аденовирус касалликлари.

Аденовирус касалликлари иситма кўтарилиши, юқори нафас йўллари, конъюктив, регионар лимфа безлар заарланиши ва ўртacha даражада ўтадиган интоксикация билан кечадиган ўтқир юқумли касалликлар қаторига киради.

Этиологияси. Касаллик вируси 1953 йилда бодомча безлари бўлагидан ажратиб олинган. Шунинг учун бу касаллик аденоовирус касаллиги деб аталади.

Аденовируснинг 90 та серологик тури маълум бўлиб, шулардан 30 хили одамларда учрайди.

Касаллик вируси совуққа чидамли, уй ҳароратида 2 ҳафтагача сакланади. Қиздирилганда ва дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез ҳалок бўлади.

Аденовирус касалликларига асосан 6 ойликдан 6 ёшгача бўлган

болалар берилувчан бўлади.

Клиник манзараси. Касаллик яширин даври 1-13 кун. Бу касаллик асосан куйидаги клиник турларда ривожланади:

1. Ҳалқум ва кўз коньюктивасининг яллиғланиши.
2. Тана ҳарорати кўтарилиши.
3. Регионар лимфа тугунларининг зааррланиши
4. Юқори нафас йўлларининг яллиғланиши.
5. Ўпка тўқимасининг яллиғланиши.
6. Ичак ички қавати ва лимфа тугунларининг яллиғланиши.

Касаллик тўсатдан бошланади. Бемор эти увишиб, қалтирайди, бош оғриши кузатилади. 2-3 кун тана ҳарорати 38-39 С даражагача кўтарилали. Баъзан bemорда қайт қилиш, қоринда оғрик, ич кетиш холатлари кузатилади. Касалликнинг биринчи кунидан бошлаб bemорнинг бурни битиб, шилимшиқ суюқлик келади. Томоги оғриб, овози бўғилади. Баъзан касалликнинг қайталаши кузатилади. Беморда юз қизариши, коньюктивит аломатлари кузатилади.

Асоратлари. Отитлар, иккиламчи ангина, плевритлар, ўпка зотилжами. Баъзан зотилжам оғир ўтиб, bemор ўлиб қолиши мумкин.

Давоси: Пархез сақлаб овқатланиш, десенсибилловчи ва симптоматик даво, витаминлар буорилади.

Профилактикаси. Худди гриппнига ўхшаш.

РЕСПИРАТОР-СИНТИЦИАЛ ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯ

Респиратор-синтициал вирусли инфекция-интоксикация ва нафас йўлларининг пастки қисми зааррланиши билан кечадиган ўткир юкумли касаллик. Бу касаллик вирусини биринчи марта 1956 йилда **Моррисен** маймунлардан ажратиб олган.

Эпидемиологияси. Инфекция манбаи-bemор одам. Касаллик ҳавотомчи йўли билан юқади. Касаллик кўпинча ёш болаларда, чақалоқларда йилнинг ҳамма мавсумларида учрайди.

Клиникаси. Яширин даври 3-6 кун. Касаллик аста-секин бошланади. Bemорда эт увишиши, бош оғриги, дармонсизлик, бурун битиши ва бир оз шилимшиқ суюқлик келиши, томоги куриб қичиши кузатилади. Тана ҳарорати субфебрил даражада, кетма-кет йўталиб, bemорнинг бурни, лаби кўқимтири тус олади.

Профилактикаси. Касаллик қайт қилганда профилактика мақсадида интерферон ишлатилади. Бурунга ҳар куни оксалин суртиб турилади.

КОН ОРҚАЛИ ЮҚАДИГАН ИНФЕКЦИЯЛАР

БЕЗГАК

Безгак иссиқ ва илиқ иқлим шароитида учрайдиган, бир ҳужайрали паразит-плазмодиумлар қўзғатадиган ва вақти-вақти билан тутиб турадиган иситма хуружи, камқонлик, жигар ва талоқнинг катталашуви билан ҳарактерланадиган юкумли касалликдир.

Тарихий маълумот. Безгак касаллиги одамзотга қадим замонлардан

бери маълум. Жанубий Америкада яшаган индейцлар безгакни даволашда хина дараҳтининг пўстлоғидан фойдаланишган. 1616 йилда рус врачи **Ф. М. Риза** хина дараҳти пўстлоғидан хинин ажратиб олган. 1699 йилда **Мортон** безгакнинг мустақил касаллик эканлигини исботлайди. 1880 йилда **Лаверань** безгак қўзгатувчиси плазмодий эканлигини айтган 1896-1899 йилларда **Р. Росси** безгак анофелес чивинлари орқали одамга юқишини исбот қилди.

Ўтмишда безгак касаллигидан ҳатто бутун-бутун қишлоқлар аҳолиси ёппасига қирилиб кетган. **Профессор А.М.Исаев** 1920-1930 йилларда Бухоро вилоятида безгак шу даражада кўп тарқалганки, ҳатто соглом одамни топиш қийин бўларди, деб ёзган эди. 1966 йилга келиб безгак кенг тарқалган касаллик сифатида тугатилди. Ўшандан бери у факат хорижий мамлакатлардан келган кишиларда учрайди.

Этиологияси. Безгак қўзгатувчилари бир ҳужайрали плазмодиумлар бўлиб, уларнинг 4 хили маълум.

1. Уч кунлик безгак қўзгатувчиси. (*Plasmodium vivax*)
2. Тўрт кунлик безгак қўзгатувчиси (*Plasmodium malaire*)
3. Уч кунлик безгакка ўхшаш безгак қўзгатувчиси. (*Plasmodium ovale*)
4. Тропик безгак қўзгатувчиси. (*Plasmodium falceparum*)

Уч кунлик безгакнинг 2 тури маълум:

- 1)Жанубий штампи. 2) Шимолий штампи.

Жанубий штампи - бунда инкубацион давр 2 ҳафта давом этади.

Шимолий штампи-унда инкубацион даври 7-9 кундан 14 ойгача давом этади.

Анофелес чивинининг урғочиси чаққанда қон билан бирга плазмодийнинг жинсий ва жинссиз формаларини сўриб олади. Жинссиз формалари чивин меъдасида ҳалок бўлади. Жинсий формалари ривожланади ва гемолимфа орқали чивин организмига тарқалади ва кўп қисми чивин сўлак безига боради. Чивин шу вақтдан бошлаб соглом одамни чақса, одам қонига чивин сўлаги билан бирга спорозоидлар тушади.

Безгак плазмодийси одам организмида жигарнинг паренхиматоз ҳужайраларида ва эритроцитларида жинссиз усулда кўпайиши мумкин. Шундай қилиб, чивин организмида безгак плазмодийси жинсий (спорогония) усулда, одамда жинссиз (шизогония) усулида кўпаяди.

Эпидемиологияси. Безгак касаллигининг манбаи-бемор одам ва гамета ташиб юрувчилар. Касаллик асосан ёз-куз ойларида учрайди. Безгак одамни чивин чаққанда (трансмиссив), қон куйилганда ва онадан болага ҳомиладорлик вақтида ҳам юқиши мумкин.

Безгакка қарши табиий иммунитет йўқ лекин узок чўзилмайдиган, факат ўз турига таъсир қиласидиган ностерил иммунитет ривожланади.

Безгак комасида (асосан тропик безгакда) бош мия тўқимаси шишади, некрозга учрайди ва қон куйилган жойлар топилади.

Клиник манзараси. Безгакнинг яширин даври 10 кундан бир ойгача. Касаллик ўтишига қараб бир қанча давр ва хилларга ажратилади:

1. Бирламчи ёки бошланғич безгак, биринчи хуруж.

2. Безгак иситмаси хуружлари орасидаги латент давр.
3. Кеч бошланадиган рецидивлар даври.
4. Чүзилган безгак даври.
5. Пара-безгак.

Инкубацион давр тропик безгакда 9-16 кун, 4 кунлик безгакда 3-6 ҳафта, 3 кунлик безгакнинг жанубий хилида 7-21 кун, шимолий хилида 8-14 ой давом этади.

Одатда касаллик тўсатдан бошланади, беморнинг бадани қақшаб совук қотади. Боши қаттиқ оғрийди, дармони қуриб ҳолсизланади, 3-4 кун ўтгач безгакка ҳарактерли иситма хуружи бошланади.

Безгак ҳурухи З даврда кечади:

1. Қалтираш даври.
2. Иссиқ чиқиш даври.
3. Терлаш даври.

Биринчи даврда бемор эти увишиб, қаттиқ қалтирайди. Оёқ-қўллари музлаб, лаби, бурнининг учи кўкаради, териси ҳудди ғоз терисига ўхшаб қолади. Беморнинг боши қаттиқ оғрийди, кўнгли айнийди, баъзан кусади. Орадан 2-3 кун ўтгач, тана ҳарорати 39-40 С даражага этади. Пульс тезлашиб, қон босими пасаяди. Бемор кўп пешоб чиқаради.

Иситма чиқиш даври бир неча соатдан бир неча кунгacha давом этади. Беморнинг тана ҳарорати 40-41 С даражагача кўтарилади. Бу даврда бемор аҳволи оғирлашиб, юзи қизаради, безовталанади, нафас олиши тезлашиб, қон босими пасаяди. Иштахаси йўқолиб, тилини караш қоплайди. Беморнинг чап биқини оғриб, ичи кетади. Тана ҳарорати юқори бўлганда бемор алаҳсирайди, тиришиб талвасага тушади, кам пешоб ҳожатига боради.

Терлаш даврида тана ҳарорати пасайиб, бемор қаттиқ терлайди, аҳволи енгиллашиб, уйкуга кетади.

Уч кунлик безгакда хуружлар оралиғидаги вақт 48 соат, тўрт кунликда 72 соат, тропик безгакда 48 соат бўлиб, унинг оғирлиги шундаки, иситма хуружи 36 соатгача давом этиб беморнинг тинкасини қурилади. Хуруждан 12 соат ўтгач иситма қайтадан бошланади.

Хуружларнинг кетма-кетлиги беморни ҳолдан тойдириб, жигар ва талоқ катталашувига олиб келади. Беморнинг иш қобилияти йўқолиб, ранги сарғайиб, камқонлик белгилари ривожланади. Оғир ҳолларда безгак комаси рўй беради.

Даволаш. Беморлар вақтида даволанса, тузалиб кетади. Баъзан 1-2 ой, ҳатто бир йилдан сўнг қайталаниши кузатилади. Безгакни даволашда делагил (хлорохин) примахин, хиностид каби препаратлар қўлланимоқда.

Профилактикаси. Бемор ёки гаметоцид ташувчиларни даволаш ва чивинларга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга. Беморнинг бармоғидан қон олиниб, суртма тайёрланади ва микроскоп остида текширилади.

Шахсий профилактика учун безгак тарқалган мамлакатларга ишга кетаётган фуқароларга ҳафтада бир марта 0,5 гр 2 таблеткадан делагил ичиб туриш тавсия этилади. Чивинлардан ҳимояланиш учун пашшахоналардан фойдаланилади. Чивин кўпайишига қулай бўлган кўлмак сув, кўл ва ботқоқликлар кўмиб юборилади.

ЛЕЙШМАНИОЗЛАР

Лейшманиозлар одам ва ҳайвонларда учрайдиган трансмиссив касаллик бўлиб, уларни содда жониворлар лейшманийлар қўзғатади. Касалликни исказтопар чивинлар тарқатади.

Лейшманиознинг икки хил шакли маълум:

1. Висцерал лейшманиоз (Ички органлар лейшманиози)
2. Тери лейшманиози (Ёмон жароҳат).

ВИСЦЕРАЛ ЛЕЙШМАНИОЗИ

Висцериал лейшманиознинг икки тури бор:

1. Антропоноз висцерал лейшманиоз.

2. Зооноз висцерал лейшманиоз.

Бу турнинг уч кўриниши мавжуддир:

а) Ўрта Осиёга мансуб висцерал лейшманиоз.

б) Шарқий Африка висцерал лейшманиози

в) Америка қитъасига мансуб висцерал лейшманиоз.

Этиологияси. Висцерал лейшманиоз қўзғатувчиси содда жониворлар авлодига мансуб ҳужайралар ичидаги яшовчи паразит лейшманийдир.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи лейшманий билан касалланган дайди итлар, бўри, бўрсиклар, тулкилар ва кемирувчи ҳайвонлар ҳисобланади.

Касаллик тарқатадиган исказтопар чивинлар-флеботомуслар бўлиб уларнинг урғочиси ертўлалар, пахса девор коваклари, саройлар, нам, заҳ жойлар ва ахлатхоналарда тухум кўяди.

Лейшманиоз билан оғриган бемор ёки организмидаги паразит бор ҳайвон қонини исказтопар чивин сўриши натижасида касалликнинг қўзғатувчиси чивин ҳазм йўлига тушади. Чивин организмидаги кўпайиб, 7 кунда унинг оғиз бўшлиғига қайтиб келади. Ана шу исказтопар чивин соғлом одамни чаққанда касалликни юқтиради (трансмиссив усул).

Лейшманиоз табиий ўчиқли касаллик бўлиб, иссиқ иқлим шароитларда кўп учрайди. Висцерал лейшманиоздан кейин организмда умрбод давом этадиган иммунитет қолади.

Клиник манзараси. Касалликнинг инкубацион даври ўртача 6-8 ой давом этади.

Касаллик уч даврда кечади:

1. Бошланғич даври.

2. Авж олиш даври.

3. Каҳексия даври (терминал давр).

Бошланғич даврда касаллик аста-секин бошланиб, bemor ахволи

оғирлашади, тинкаси қурийди, иштаҳаси пасаяди, ҳарорат субфебрил, талок озгина катталашади.

Авж олиш даври. Тана ҳарорати 39-40 С даражагача күтарилиб талок катталашади. (лейшманиознинг муҳим белгиси). Жигар шишади, периферик лимфа тугулар катталашади. Бемор оёқларида шиш пайдо бўлади, юрак фаолияти бузилади, томир уриши тезлашиб, баъзан bemорнинг ичи кетади.

Кахексия даври. Бемор жуда озиб кетиб, бадан териси шамга ўхшаб саргаяди.

Висцерал лейшманиознинг **ўткир, ярим ўткир ва чўзилган** шакллари мавжуд. Ярим ўткир ва ўткир шаклларида яхши даво қилинмаса bemор ўлади.

Давоси. Сурма препаратлари.

Профилактикаси. Икки йўналишда олиб борилади:

1. Касаллик манбаларини йўқотиш.
2. Эндемик ўчоқларда исқаптопар чивинларни йўқотиш.

ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИ

(Ёмон жароҳат, Пендинка, Баровский касаллиги).

Тери лейшманиози қўзғатувчисини биринчи бўлиб 1897 йилда Тошкентлик ҳарбий врач П.Ф.Баровский топган.

Тери лейшманиози иссиқ иклим шароитларда Тошкент, Самарканд, Жиззах, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида, Фаргона водийсида учрайди.

Этиологияси. Тери лейшманиозини қўзғатувчи тропик лейшманиоз ҳисобланади.

Эпидемиологияси. Тери лейшманиозининг икки хили маълум:

1. Зооноз хили.
2. Антропоноз хили.

Зооноз хилида асосий манба қум сичқонлари, тошбақалар бўлади. Исқаптопар паشا қум сичқонларининг инида яшайди ва паашалар орқали одамга ўтади. Касаллик ёз-куз ойларида учрайди.

Клиник манзараси. Касалликнинг инкубацион даври бир ҳафтадан бир ярим ойгача чўзилади.

Тери лейшманиозининг клиник шакллари:

1. Бирламчи лейшманиома
- а) Бошлангич даври
- б) Яра даври.
- в) Яранинг битиш даври
2. Кейин ривожланадиган лейшманиома.
3. Диффуз инфильтратли лейшманиома
4. Силсимон тери лейшманози.

Терининг лейшманий кирган жойида бирламчи лейшманиома пайдо бўлади ва тез катталашиб, худди фурункул (чиққон) га ўхшаб атрофи қизариб туради, лекин оғримайди. Бир-икки ҳафта ўтгач, лейшманиоманинг ўртасида некроз пайдо бўлади ва 10-15мм ли яра ҳосил бўлади. Яра чети нотекис, усти шилимшиқ ва йиринг билан қопланади. Яра оғрийди.

Бирламчи лейшманиомалар баданнинг очиқ жойларида (юзда, оёқ-кўлда) кузатилади ва 2-6 ой ўтгач, чандик ҳосил қилиб тузалади.

Силсимон лейшманиозда ҳосил бўладиган чандиклар атрофида ёки чандик устида майда лейшманиомалар пайдо бўлади.

Диффуз инфильтратли лейшманиоз қари одамларда кўпроқ учрайди. Тери сатҳида ривожланган инфильтрат ҳисобига тери қалинлашади. Кўпинча инфильтрат шимилиб, из қолдирмай тузалиб кетади.

Давоси. Касалликнинг маҳсус давоси йўқ. Яраларни тузатиша мономицин яхши натика беради. Ҳозирда тери лейшманиозини даволашда лазер нурларидан фойдаланилмоқда.

Профилактикаси. Ёввойи саҳро кемирувчиларини қириш. Искаптопар чивинларга қарши кураш. Одамларни тери лейшманиозига қарши эмлаш.

Антропоноз хили. Касаллик манбаи-бемор одам. Лейшманиоманинг бу турида патологик жараён яққол кўринади. Касаллик бошланганидан 3-6 ой ўтгач, бирламчи лейшманиома ва биринчи йилнинг охирига бориб касаллик тузалиб, ўртача катталиқдаги чандик ҳосил бўлади. Лейшманиознинг бу хили бизда ҳозир учрамайди.

Давоси ва профилактикаси ҳудди тери лейшманиозининг зооноз хилидагига ўхшаш.

ЭПИДЕМИК ҚАЙТАЛАМА ТИФ

Эпидемик қайталама тиф иситма ҳуружлари ва иситмасиз даврларнинг (апирексия) алмашиниб туриши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир.

Бу касалликнинг белгиларини биринчи бўлиб 1842 йилда инглиз врачи **Дженнер** таърифлаб берди. 1868 йилда немис олими **Обемейер** касаллик кўзатувчисини топган. Ҳозирда бу касаллик Шимолий Африкада учраб туради.

Этиологияси. Касалликни **Borrelia** авлодига мансуб бўлган спирохеталар кўзғатади. Спирохеталар ташқи мухитга чидамсиз бўлиб, қайнатилганда, куритилганда, дезинфекцияловчи эритмаларда тезда ҳалок бўлади. Совукқа чидамли.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи-бемор одам. Бемор иситмалаётган вақтда атофидагиларга касаллик юқиши мумкин. Иситма йўқ вақтда касаллик юқмайди. Касаллик соглом одамга бит орқали юқади. Беморни чақкан битлар 5-8 кун ичida юқумли бўлиб қолади. Бит соглом одамни чақиш натижасида тери қичишади. Одам қашиниш натижасида битни эзib мажағлаб юборади. Шилинган жойдаги лимфага бит организмидаги спирохетлар тушиб, организмга тарқалади ва қонга тушади. Бунинг натижасида организмда иситма ҳуружи бошланади.

Эпидемик қайталама тиф қиши ва кўклам фаслларида кўпроқ учрайди.

Одам организмидаги касалликка қарши табиий иммунитет йўқ. Лекин касалликдан кейин унча кучли бўлмаган иммунитет пайдо бўлади.

Клиник манзараси. Касалликнинг инкубацион даври 3-14 кун бўлиб, иситма учун иситма даврининг алманиши туриши ҳарактерли белгидир.

Иситма ҳуружи тўсатдан бошланиб, 2-5 марта гача қайтарилади. Беморнинг эти увишиб қалтирайди, бош оғрийди, бўғинлар, мускуллар тиркираб туради. Тана ҳарорати 39 С даражагача кутарилиб, bemor бальзан қусади. Беморнинг ўнг қовурғаси ости оғрийди. Бемор териси ўтгача терисига ўхшаб “тук-тук” бўлиб кетади. Камдан-кам ҳолларда bemor өнданида тошмалар тошади.

Беморнинг ҳуши жойда бўлади, ҳарорати 5-7 кундан кейин бирданига пасаяди, bemor қаттиқ терлайди, интоксикация белгилари йўқолади. Апирекция даврида bemor ахволи унчалик ёмон бўлмайди. 10-14 кун ўтгач иккинчи иситма ҳуружи бошланиб, 8 кунгача давом этади.

Учинчи ҳуруж бир неча соатдан 5 кунгча давом этади. Шундан кўриниб турибидики, ҳар бир ҳуруж даври олдингисидан қисқариб, апирексия даври эса узунроқ бўлади. Беморнинг ҳарорати чизигига қараб ташхисини тўғри аниқлаш мумкин.

Асорати. Энг хавфлиси талоқнинг ёрилишидир. Сальмонеллёз инфекцияси кўшилишидан оғир асорат-тиф заҳри пайдо бўлади.

Давоси. Эпидемик қайталама тифни даволашда антибиотиклар тайинланади (пенициллин кунига 2-3 млн, тетрациклон 2 гр, левомицетин 2 гр, эритромицин 0,8 гр). Bemor ахволига қараб симптоматик даво тайинланади. Талоқ ёрилганда bemor зудлик билан операция қилинади.

Профилактикаси. Касалликни барвақт аниқлаш ва bemorni касалхонага жойлаштириш. Bemor атрофидаги (контактдаги) иситма чиқаргандарни касалхонада текшириш. Битларга қарши кураш. Инфекция ўчоғидагиларнинг буюмларини дезинфекция, дезинсекция қилиш ва 2-5 кун давомида уларинг ҳароратини ўлчаб туриш.

ЭНДЕМИК ҚАЙТАЛАМАТИФ (КАНА ЮҚТИРАДИГАН СПИРОХЕТОЗ)

Эндемик қайталама тиф спирохеталар кўзғатадиган юқумли касаллик бўлиб, иситма ҳуружлари ва иситмасиз даврлар билан кечадиган касаллиқdir. Бу касаллик қадим замонлардан буён ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига маълум.

Касалликни *Borrelia* авлодига мансуб спирохеталар қўзғатади. Уларнинг 20 дан ортиқ хиллари маълум. Бу спирохеталар каналар орқали тарқалади. Спирохеталар ташки мухитга чидамсиз. Юқори ҳароратда куритилганда тезда ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Эндемик қайталама тиф, табии ўчоқли антrozoonоз касаллик бўлиб, инфекция манбаи ҳар хил кемирувчилар, турили ҳашаротлар, ёввойи ҳайвонлар ва bemor одамлардир. Касаллик исисик иқлим шароитларида (кўкламда, ёзда) каналардан юқади. Бу каналар ёввойи ҳайвонлар инида, пахса деворлар ичиди, молхоналарда яшайди.

Кана спирохетозининг ўчоги икки турга бўлинади:

1. Табии ўчоқ.

2. Одамлар яшайдиган жойлардаги ўчоқ.

Инфекция каналар тухуми орқали авлоддан авлодга ўтади. Каналар 10 йилгача овқатланмасдан тирик сақлана олади. Шу омиллар касаллик ўчогининг узок йиллар сақланиб туришига сабаб бўлади.

Клиникаси. Касалликнинг инкубацион даври 5-14 кун давом этади. Касаллик хуружида олдин бемор бош оғриши, тинка қуриши, болтир мускуллари ва белининг қақшаб оғришидан шикоят қиласди.

Иситма хуруж тўсатдан бошланиб, тана ҳарорати 39-40° С дараражагача кўтарилади. Беморнинг боши қаттиқ оғриб, алаҳсирашга тушади. Галлюцинация аломатлари кўринади. Баъзан bemорлар бехуш ҳолатда ётади. Беморда юз қизариши, бадан териси ва кўзининг озгина сарғайиши, жигар ва талоқнинг катталashiши, тилнинг караш билан қопланиши кузатилади.

Беморда биринчи хуруж бир неча соатдан 2-6 кунгacha чўзилади ва иситма бирдан тушиб, bemor қаттиқ терлайди. 1-8 кундан кейин иккинчи хуруж бошланади. Беморда кузатиладиган иккинчи ва учинчи хуружлар биринчисига ўхшаб кечади. Лекин иситмасиз даври чўзилиб боради. Кейинги хуружлар бир неча соат давом этади.

Кана спирохетозида хуружлар сони 10-12 тага этади. Касаллик ўртача 1-2 ой давом этади. Енгил хуружларни баъзан bemor оёқ устида ўтказади. Тўғри ва ўз вақтида даво муолажаларини олиб бориш натижасида кана спирохетози билан касалланганлар ҳамма вақт соғайиб кетишади.

Давоси. Касалликни даволашда тетрациклин гуруҳига кирадиган антибиотиклар ва симптоматик даво чоралари кўлланилади

Асоратлари. Пневмония, нефритлар, сепсис, кўз заарланиши, отитлар, жигар заарланиши.

Профилактикаси. Каналарни қиришга қаратилган эски иморатлар, омборхона ва молхоналарда гексохлорин ва шу каби дорилар билан дезинфекция ва дезинсекция ишлари ўтказиш керак. Дорилашни кўклам ва саратонда ўтказиш ва касаллик ўчогидаги кемирувчиларни йўқотиш керак.

АНТРОПОЗООНОЗ ИНФЕКЦИЯЛАР

ҚУТУРИШ

Қутуриш ўткир зооноз касалликлар гуруҳига кириб, марказий нерв тизимининг заарланиши билан кечадиган касаллиқdir.

Қутуришнинг итлар тишлиши натижасида келиб чиқишини биринчи марта **Арестотель** аниклаган. 19-асрнинг охирида француз олими **Луи Пастер** қутуришга қарши эмдори (вакцина) яратди.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси нейротроп вирус. Вирус қутурган ҳайвонлар сўлагида бўлади. Ташки мұхитда вирус узок сақлана олмайди. Дезинфекцияловчи моддаларда ва қайнатилганда тез ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи қутурган итлар, мушуклар, тулкилар, бўрилар, баъзи ҳолларда күён, каламуш, сичқонлар бўлиши мумкин.

Касаллик қутурган ҳайвон тишилаганда ёки касал ҳайвон сўлаги

шикастланган жойга тушганда юқади. Вирус нерв толалари бўйлаб бош ва орқа мияга етиб боради ва зааралайди.

Клиникаси. Касалликнинг яширин даври 1-2 ой давом этади (баъзан 2 ҳафтадан бир йилгача)

Касаллик 3 даврда кечади:

1. Бошлангич даври.
2. Қўзғалиш даври.
3. Фалажланиш даври.

1. Бошлангич даврида bemorning уйқуси бузилиб, иштаҳаси йўқолади. Қўрқув ҳисси (сувдан, ҳаводан) пайдо бўлади. Ҳайвон тишлаган жойдаги жароҳат тортишиб оғриди. Қутуриш учун ҳарактерли бўлган белгиси шундаки, bemor суюқлик ичмоқчи бўлса ёки сувни кўрса, дархол ютиш ва нафас мускуллари тортишиб, қисқариб қаттиқ оғриди. Бемор тана ҳарорати 39 С даражага кўтарилади, овози бўғилиб терлайди, сўлаги оқади, кўзлари бирор нарсадан кўрқандай кўринади.

2. Қўзғалиш даврида bemor ухломайди, эси киравли-чиқарли, алаҳсираши, кўзига йўқ нарсалар кўриниши (галлюцинация), ўзини-ўзи тишлаши, атрофидагиларга ҳамла қилиши мумкин.

3. Фалажланиш даврида юрак ва нафас марказлари фалажидан ҳалок бўлади.

Давоси. Аниқ давоси йўқ.

Профилактикаси. Дайди итлар ва мушукларни, бўри, бўрсиқларни йўқ қилиш. Хонаки ит ва мушуклар ветеринария назоратидан бўлиши ва ўз вақтида эмланиши керак.

Агар ҳайвон тишласа ёки сўлаги жароҳатга тушса, дархол калий перманганат эритмаси ёки совунли сув билан яхшилаб ювиш, банка қўйиб, жароҳатдан қонни сўриб олиш ва жароҳатни йод ёки спирт билан тозалаш керак. Тишлаган ҳайвон 14 кун давомида назоратда тутиб турилади. Агар шу вақт ичидан назоратда турган ҳайвон ўлиб қолса, bemor дархол врач радиолог ёки травматологга мурожаат қилиши ва жадвал асосида даво муолажасини олиши керак.

КУЙДИРГИ

Куйдирги зооноз касалликларига кирадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, қадимда бу касалликни “муқаддас слов”, “форс олови” деб аташган. **1788 йилда С.С. Андреевский** бу касалликни “Сибир яраси” деб аташни таклиф этган.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчисини биринчи бўлиб ўлган от организмидан 1855 йилда **Браузлар** топган. Касалликни **Vac Anthraels** қўзғатади.

Микробнинг вегетатив шакли дезинфекцияловчи моддаларга ва юқори ҳароратга чидамсиз. Ташқи муҳитга чидамли. Тузланган гўштда узоқ сакланади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи уй ҳайвонлариdir. Касаллик микроблари касал ҳайвон ахлати ва пешоби билан ташқарига чиқади. Одамларга касаллик касал ҳайвонларга яқин юрганда, ҳайвон териси ва

жунидан тайёрланган буюмлар орқали юқади.

Куйдирги чўпонлар, ветеринария ходимлари, қушхона ва тери заводи ишчилари, эски-туски қабул қиласидиган жойларида ишлайдиган ходимларда учрайди.

Клиникаси. Касаллик қўзғатувчиси одам организмига шилинган тери, ҳаво йўллари ва меъда-ичак шиллиқ пардалари орқали ўтади.

Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 6-8 кунгача (ўртacha 2-3 кун) давом этади.

Касалликнинг тери ва септик хиллари мавжуд. Куйдиргининг тери хили (куйдирги карбонкули) терининг очиқ жойларида жойлашади. Куйдирги таёқчаси кирган жойда қизил тугунча пайдо бўлади, кейин унинг ичидаги аралаш сероз суюқлик пайдо бўлиб, пуфакчага айланади. Пуфакча ёрилиб, яра ҳосил бўлади. Яра қотиб, қўнғир рангли қўтирга айланади. Кора қўтирилмаганди. Қўтирилмаганди. Катталлашиб, атрофида майдага пуфакчалар пайдо бўлади. Бу кўриниш куйдирги учун ҳарактерли белгидир.

Беморда тана ҳароратининг $39-40^{\circ}\text{C}$ даражагача кўтарилиши, бош оғриши, уйқу бузилиши, баданинг қақшаб оғриши кузатилади. Касаллик оғир ўтганда иккиламчи хил, яъни септик хили бошланади.

Септик хили кам учрайди. Касаллик ҳаво-томчи ёки алиментар йўли билан юқсанда келиб чиқади.

Касаллик тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати $39-40^{\circ}\text{C}$ даражагача кўтарилиди. Беморнинг эти увишиб, қалтирайди, биқуни санчиб, йўталади ва қон аралаш балғам ташлайди. Бемор ўпкаси шишиб, кома ҳолатига тушиб ҳалок бўлади.

Давоси. Антибиотиклар ва куйдиргига қарши иммуноглобулин юборилади.

Профилактикаси. Ветеринария ва тиббиёт ходимлари ҳамкорлигига олиб борилади.

Зоотехниклар ва ветеринария хизматчилари, қушхона, тери заводлари, мўйна фабрикаси ишчилари вакцина билан эмланади.

Бемор касалхонага ётқизилиб, унинг уйида дезинфекция ўтказилади. Беморга яқин юрган кишилар 8 кун мобайнида назорат остида бўлишади.

Куйдиргидан ўлганлар (ҳайвон, одам) ёки юборилади ёки маҳсус тобутда 2 метр чукурликка кўмилади.

БРУЦЕЛЛЁЗ. (КОРА ОКСОК)

Бруцеллёз ўткир ва сурункали кечадиган, асад, юрак томир тизимлари, таянч ҳаракат аппарати ва бошқа аъзолар, тизимлар заарarlаниши ҳамда узоқ давом этадиган иситма билан кечувчи юкумли касалликдир.

Гиппократ ўз асарларида “Тўлқинсимон иситма” ҳақида маълумот берган. Бу касаллик ўтмишда “Кора оксок” номи билан аталган.

Этиологияси. Бу касалликнинг қўзғатувчиси одам ва ҳайвонларда учрайдиган бруцелла микроблари бўлиб, улар уч турга бўлинади:

1. Brucella melitensis (майдага шохли ҳайвонларда учрайди)

2. *Brucella abortus bovis* (Қорамолларда учрайди)

3. *Brucella abortus suis* (чүчқаларда учрайди)

Бруцелла ташқи мұхиттега чидамли бўлиб, улар муз ва қорда 2-4 ой, сутда 20-60 кунгача, сариёғда 50-55 кунгача, пишлокда 45 кунгача, гўштда 30-40 кунгача, тупроқ ва кийим-кечакда 60 кунгача яшайди.

Бруцеллалар дезинфекцияловчи моддалар ва қўёш нурига чидамсиз. Касал ҳайвондан одамга, ҳайвон сути, пешоби, ахлати орқали ва бола ташлаш вактида юқади.

Эпидемиологияси. Касаллик асосан касал ҳайвондан одамга тери орқали юқади. Бемор одамдан соғлом одамга камдан-кам юқади. Касаллик алиментар (офиз орқали) ва ҳаво орқали юқиши мумкин. Касаллик куз ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди.

Касаллик сут билан ишлайдиганларда, тери заводлари ва ветеринария ходимларида учрайди.

Клиникаси. Касаллик кечишига қараб унинг уч тури фарқланади:

1. Ўткир (3 ойгача).
2. Чўзилувчан (6 ойгача).
3. Сурункали (6 ойдан ортиқ).

Касалликнинг яширин даври бир ҳафтадан уч ҳафтагача давом этади. Тана ҳарорати 38-40 С даражагача кўтарилади.

Бруцеллэзга асосан иситма, эт увишиши, қалтираш, терлаш, ретикуло-эндотелий органлар, ҳаракат ва таянч аппарати, асаб тизими, таносил органларининг заарлаши каби белгилар хосдир.

Бруцеллэз учун характерли симптом тўлқинсимон равишда кечадиган иситмадир. Бу иситма бир неча ой давом этиб, ҳарорат бир кўтарилиб, бир тушиб туради. Беморда ҳарорат юқори бўлса ҳам, умумий интоксикация кузатилмайди.

Беморда терлаш, чов, кўлтиқ ости, жағ ости, бўйин лимфа безларининг катталашиши кузатилади. Жигар ва талоқнинг заарланиб катталашиши, таносил органларининг заарланиши, марказий ва вегетатив асаб тизимларининг заарланиши, бўғимлар заарланиш ҳолатлари кузатилади. Айрим ҳолларда bemорлар ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Даволаш. Тўрт йўналишда олиб борилади:

1. Антибиотиклар билан даволаш.
2. Иммунобиологик усул.
3. Физиотерапевтик усул
4. Симптоматик ва қувватга киритувчи усул.

Профилактикаси. Касаллик ўчоқларини заарсизлантириш. Касал ҳайвонларни соғлом ҳайвонлардан ажратиши. Ҳайвон маҳсулотларини тегишли усувлар билан заарсизлантириш (сут, озиқ-овқат, гўшт, жун, тери). Одамларни бруцеллэзга қарши эмлаш.

БОЛАЛАР ИНФЕКЦИЯСИ

Болаларда катталарга нисбатан юқумли касалликларга берилувчанлик юқори бўлади. Бола организмида кўпчилик юқумли касалликларга нисбатан иммунитет бўлмаганилиги сабабли, қизамиқ, қизилча, сувчечак, скарлатина, дифтерия, тепки, кўйкўтад, полеомиелит каби касалликлар кўп учрайди.

ҚИЗАМИК

Қизамиқ. Ўткир юқумли касаллик бўлиб, нафас йўлларининг катарал яллигланиши, бадан терисида қизғиш-папулёз тошмалар тошиши ва умумий интоксиация аломатлари билан кечувчи касалликдир.

Этиологияси. Касалликни ташки мухитга чидамсиз, қўёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида тез ўладиган, фильтрланувчи вируслар кўзғатади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи қизамиқ билан касалланган бемор болалар касалликнинг бошлангич даврида (катарал) ва тошма тошиш даврида бемор атрофидагилар учун хавфли бўлади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда ҳаво томчи йўли билан соғлом одамга юқади. Касалликдан кейин кучли ва барқарор турғун иммунитет ҳосил бўлади.

Клиник манзараси. Касалликнинг кечишида куйидаги даврлар фарқ қилинади:

1. Яширин (инкубацион) даври, 9-10 кун давом этади. Эмланган болаларда 21 кун.

2. Продромал ёки катарал даври. Тана ҳарорати 38-39 С гача кўтарилиб, бош оғриғи, йўтал, аксириш кўз шиллиқ пардасининг яллигланиши (коңьюктивит), ёргуликка қарай олмаслик, қовоқларда шиш ва қизариш, бурундан сероз суюқлик оқиши ҳоллари кузатилади.

Бу даврда беморнинг юмшоқ ва қаттиқ танглайлари шиллиқ пардаларида қизамиқ энантемалари ва Филатов-Бельский-Коплик доғлари кузатилади.

3. Тошма тошиш, яъни гуллаш даври. Тана ҳарорати 39-40С га кўтарилиши билан бир вақтда бадан терисида катта доначали қизғиш доғли тошмалар тошади. Тошмалар дастлаб юз ва қулоқ орқасига, иситманинг кейинги кунлари кўкрак ва қорин терисига, 1-2 кундан кейин оёқлар терисига тошади. Тошмалар бадан терисига босқичма-босқич тошиб, 3-4 кундан кейин худди шу тартибда йўқолади ва тошма ўрнида оқимтир доғлар ҳосил бўлади. Бу доғлар 10-12 кун ичida йўқолиб кетади.

4. Реконвалесценция, яъни соғайиш даврида касалликнинг асосий белгилари аста-секин камайиб боради.

Боланинг умумий аҳволи ва заҳарланиш белгилари, даражаларига қараб касалликнинг оғир, ўртacha ва енгил турлари фарқ қилинади. Оғир турда юқори тана ҳарорати, кучли заҳарланиш ва нафас йўлларининг яллигланиши билан кечади.

Профилактикаси. Икки йўналишда олиб борилади:

1. Эпидемияга қарши кураш. Бемор болани ажратиб қўйиш. Болалар муассасаларига 21 кун мобайнида карантин эълон қилиш. Бемор билан мулоқотда бўлғанларни назорат остига олиш.

2. Махсус профилактика. Қизамиққа қарши махсус вакцина билан әмланади.

КИЗИЛЧА

Кизилча тана ҳароратининг күтарилиши, тумов, йўтал, энса ва бўйин лимфа тугунларининг катталашиб оғриши ва терида тошмалар тошиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир.

Касалликнинг қўзғатувчиси вирус ҳисобланади. Касаллик манбаи бемор одам. Бемор одам аксирганда, йўталганда, гаплашганда, вирус ҳаво- томчи йўли орқали соғлом одамга юқади. Кизилча билан ҳамма ёшдагилар (асосан 2-10 ёш) касалланиши мумкин.

Касалликдан кейин организмда доимий турғун иммунитет сақланиб қолади. Тошма тошишдан 2 кун олдиндан бошлаб то ҳамма белгилари йўқолгунча bemор атрофидагилар учун ҳавфли ҳисобланади.

Клиникаси. Вирус организмда 16-21 кунгача сақланиши мумкин ва хеч қандай касаллик аломатларсиз (яширин) кечиши мумкин.

Бемор калласининг энса ва бўйин қисмида лимфа тугунларининг катталашиб оғриши, 1-2 кундан кейин юз ва танада майдо оғиш- қизгиш рангдаги тошмалар тошиши кузатилади. Бу тошмалар 2-3 кундан кейин хеч қандай из қолдирмай йўқолиб кетади. Бемор тана ҳарорати 1-3 суткагача тушмай туради, баъзан касалликнинг ҳамма даврида ҳарорат нормада бўлиб, bemорнинг умумий ахволида ўзгариш бўлмаслиги мумкин.

Ҳомиладор аёлларда касаллик белгиларсиз кечса ҳам, ҳомилага катта таъсир қилиб, бола анемия, ички органларнинг зарарланиши ва оғир турғма пороглар билан туғилиши мумкин. Бундай болалар 18 ойгача атрофидагилар учун ҳавфли бўлади.

Давоси. Бемор уйда врач томонидан назорат қилинади, тинчлик, енгил ҳазм бўладиган овқатлар буюрилади.

Профилактикаси. Беморларни ўз вақтида алоҳидалаш.

СУВЧЕЧАК

Сувчечак ўткир юқумли касаллик бўлиб, бадан терисида ўзига хос везикуло-пустулёз тошмалар тошиши билан кечади.

Этиологияси. Касалликни **Арчго** таначалари деб аталағидан вируслар қўзғатади.

Эпидемиологияси. Инфекция манбаи bemор бола бўлиб, у бутун касаллик мобайнинда ва тузалгандан кейин 5 кунгача атрофидагилар учун юқумли бўлиб қолади.

Касаллик ҳаво-томчи йўл билан юқади.

Бу касаллик билан асосан 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар касалланади. Касалликдан тузалган болаларда барқарор иммунитет қолади.

Клиник манзараси. Яширин даври 11 кундан 21 кунгача.

Касалликнинг бошланғич даврида субфебрил ҳарорат, кайфият бузилиши, инжиқлик, лоҳаслик кузатилади. Кейинчалик тана ҳарорати күтарилиб, юзда, соchlар орасида, танада, оёқ-қўлларда бир вақтда тошмалар пайдо бўлади, аммо оёқ ости ва кафтда тошмайди.

Тошма дастлаб суюкликсиз бўртма (папула) ҳолда бўлиб, бир неча соат ичидаги терида юза жойлашган суюқлик билан тўлган пуфак(везикула)га айланадига 1-2 кунда куриб, қўтирга айланади. Кўтирилган 1-3 ҳафтада тўкилиб кетади. Тошма ўрнида чандик қолмайди. Ҳар куни бемор терисида тошма, пуфакчалар ва қўтирини топиш мумкин. Тошма баданни қичиштиради. Касалликнинг енгил турида тошма кам тошиб, заҳарланиш белгилари кузатилмайди.

Давоси. Гигиенага қаттий риоя қилиш, теридаги пуфакчаларга 4-10 %ли калий перманганат ёки 1-2% ли бриллиант яшил суртиб турдилади. Йирингли асоратлар ривожланганда антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари кўлланилади.

Профилатикаси. Санитария чора-тадбирлари кўллаш. Уй шароитида тошма тошганда 5 кун ичидаги алоҳидалаш ва алоҳида бўлган болаларни 11 кундан 21 кунгача ажратиб кўйиш керак.

СКАРЛАТИНА

Скарлатина. Ўткир юқумли аллергик касаллик бўлиб, тана ҳароратининг кўтарилиши, организмнинг умумий заҳарланиши, бодомча безларининг зарарланиши ва терида майда-майда нуқтасимон тошмалар тошиши билан кечади.

Этиологияси. Скарлатинани стрептококклар қўзғатади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи бўлиб касалланган болалар хисобланади. Баъзан бемор бола ўйнаган кўғирчоқлар, у фойдаланган буюмлар, кийимлар орқали ҳам касаллик юқиши мумкин. Бутун касаллик давомида бемор атрофидагилар учун хавфли хисобланади.

Скарлатина билан 2 ёшдан 6 ёшгacha бўлган болалар касалланиши мумкин. Айрим ҳолларда бир ёшдан 16 ёшгacha бўлган болалар ҳам касалланади.

Касаллик асосан қиш ва баҳор ойларида учрайди. Скарлатинадан кейин бола организмида барқарор иммунитет ривожланади.

Клиник манзараси: Инкубацион даври 3-7 кун. Касаллик ўткир бошланиб, тана ҳарорати 38-39°C гача кўтарилади, томоқда оғриқ, қайт қилиш, терида пушти ранг, нуқтасимон қаттиқ қичишадиган тошмалар пайдо бўлади. Тошмалар кўпроқ қоринда, оёқ-кўлларнинг ички томонида, бурун ва оғиз бўшлигига бўлади.

Скарлатинада тошма майда донали нуқтасимон бўлади. Тошма бурунлаб учбурчагида тошмайди (бу касалликка хос бўлган белги). Тошмадан кейин терининг кўчиши майда-майда кепаксимон тарзда ёки тарам-тарам бўлиши мумкин. Бемор тили “**малинасимон**”, яъни малина рангига киради. Касаллик енгил ўтганда тана ҳарорати кўтарилилмаслиги, заҳарланиш белгилари кузатилмаслиги мумкин.

Оғир ўтадиган скарлатинада тана ҳарорати 39-40C гача кўтарилади. Бош оғриши, кўнгил айниш, қусиши, ҳолсизлик, талвасага тушиш, юрак-кон томирлари, жигар, буйрак каби аъзолар фаолияти бузилади.

Кечишига қараб скарлатинанинг енгил, ўртача оғир ва оғир турлари

фарқланади. Касалликнинг 2-3 кунида беморнинг терисида кўкимтири тусда тошма пайдо бўлади. Томоқ қип-қизил чўф рангида, тил оқ қарашиб билан қопланган, юрак тонлари бўғиқ, қон босими паст, томир уриши кучсиз, тезлашган бўлади.

Давоси. Касалликнинг енгил турида ўй шароитда даволаса бўлади. Бемор алоҳидаланиб, тез ҳазм бўладиган витаминларга бой овқатлар ва кўпроқ суюқлик берилади.

Профилатикаси. Махсус профилатикаси йўқ. Бемор алоҳидаланиб, 10 кун юқумли касалликлар касалхонасига ётқизилади. Касалхонадан чиққандан сўнг 12 кун давомида бола мактабга ва мактабгача тарбия муассасаларига қўйилмайди.

ДИФТЕРИЯ (Бўғма)

Дифтерия (бўғма) - ўтқир юқумли касаллик бўлиб, касаллик қўзғатувчиси кирган соҳада фибриноз яллиғланиш келиб чиқиши ва организмнинг умумий интоксикацияси билан ҳарактерланадиган касаллиқдир.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчи бўғма таёқчаси бўлиб, касалликни 1883-1881 йилларда **Клебс ва Лёффлерлар** аниқлашган. Бўғма таёқчаси экзотоксин ишлаб чиқаради ва шу хусусиятига қараб **токсиген** ва **токсиген** бўлмаган гуруҳларга бўлинади. Бўғма таёқчаси паст ҳароратга чидамли. Касаллик қўзғатувчиси беморнинг рўзгор буюмларида, ўйинчоқларда узоқ вақт сақланади. Заарсизлантирувчи моддалар таъсирида тез ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи бўғма билан оғриган bemор ёки касаллик бактериясини ташиб юрувчилар ҳисобланади. Бемор бутун касаллик мобайнида юқумли ҳисобланади.

Бўғма билан заиф одамлар ва юқори нафас йўлларининг сурункали касаллиги бор одамлар кўпроқ касалланади. Касаллик ҳаво-томчи йўл орқали юқади. Юқори нафас йўллари, бурун-томуқ, шиллик пардалар, тери, киндик, кўз ва жинсий органларнинг шиллик қаватлари бўғма таёқчасининг кириш дарвозаси бўлиб хизмат қиласди. Касалликка бир ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар кўпроқ берилувчан бўлади. Касаллик куз ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди.

Клиникаси. Бўғма касаллиги билан турли аъзолар заарланиш мумкин. Шу сабабли клиник манзараси ҳам шу аъзоларга қараб турлича бўлади.

Бўғмани оғиз, бурун, ҳалкум, томоқ, кўз, тери, киндик, ҳиқилдок, бурун ва ташқи жинсий аъзолар заарланиши билан кечадиган турлари фарқланади.

Касалликнинг яширин даври 2-10 кун. Касалликнинг кўпроқ томоқ бўғмаси учрайди.

Томоқ бўғмасининг куйидаги турлари мавжуд.

1. Маҳаллий.
2. Тарқалган.
3. Токсик.

Маҳаллий бўғмада пардасимон оқ қарашлар факат бодомча безларда бўлади. Бу пардасимон оқ қарашлар кўчирилганда қонайди. Бунда

беморда ҳолсизлик, иштаҳа пасайиши, ютинганда томоқда оғриқ ва тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади.

Маҳаллий бўғма уч турга бўлинади:

1. Пардали.
2. Оролчали.
3. Катарал.

Томоқнинг тарқоқ бўғмасида интоксикация белгилари яққол намоён бўлади. Бемор ҳарорати юқори, карашлар зич жойлашиб, бодомча безлар ташқари ҳалқум шиллиқ пардасини, танглай равоқларини, юмшоқ танглайнни, тилчани ва ютқун деворларини қоплайди.

Бўғманинг токсик турида, организмнинг кучли заҳарланиши, юқори ҳарорат ва фибринли парданинг томоқ чегараларидан бошқа аъзоларга тарқалиши кузатилади.

Тана ҳарорати 39-40 С дараражагача кўтарилиб, бодомча безлар ва улар атрофида тўқималар шишади. Боланинг ранги оқариб, қайта-қайта қусади. Шиш бўйин, кўкрак қафаси, тери ости ёғ қатламларига, лунж ва қовоқларга тарқалади. Бола димоғи билан гапиргандай бўлади. Буйрак ва асаб тизими зааррланиши мумкин. Бўйиндаги шишнинг катта-кичиклигига қараб, **касаллик уч даражага бўлинади.** Бурундан, милклардан, меъда-ичаклардан қон кетиши, баданда геморрагик тошмалар ҳосил бўлиши кузатилади.

Ҳиқилдоқ бўғмаси уч турга бўлинади:

- А) маҳаллий. Б) тарқалган. В) токсик.

Бурун бўғмасининг қуидаги турлари мавжуд:

- А) пардали. Б) катарал. В) ярали.

Кўз бўғмаси. Қовоқларнинг шишуви, қон аралаш йиринг ажралиши. Кўз коньюктивасида кулранг оқимтирип парда ҳосил бўлади.

Тери бўғмаси. Терининг шикастланган жойларида, бўйинда бурун остида гиперемия, шиш ва кулранг фибриноз пардалар ҳосил бўлади.

Киндик бўғмаси. Янги туғилган чақалоқлар киндигида кулранг фибриноз карашлар ҳосил бўлади.

Давоси. Бемор касалхонага ётқизилиб даволанади.

Профилактикаси. Ташхисни ўз вақтида қўйиш. Бемор болаларни соғлом болалардан ажратиш. Эпидемияга қарши умумий ва маҳаллий тадбирлар кўриш ва касалликка қарши эмлаш.

КЎК ЙЎТАЛ

КЎк йўтал ҳаво-томчи йўли билан юқадиган касаллик бўлиб, нафас йўлларининг зааррланиши, асаб фаолиятининг бузилиши ва йўтал хуружлари билан кечади.

КЎк йўтал билан бола ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаб касалланиши мумкин. КЎк йўтал қўзғатувчисиёни 1906 йилда **Борде ва Жангулар** кашф этган.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи bemor одам. Касаллик дастлабки кунларда ўта юқумли бўлади. Касалликдан кейин бола

организмида кучли барқарор иммунитет қолади.

Клиникаси. Касаллик қүйидаги даврлар билан кечади:

1. Яширин (инкубацион) даври.
2. Катарал даври.
3. Спазматик даври.
4. Йұталь хуржулари даври.
5. Соғайиш даври.

Құқ йұталь яширин даври 2-15 күн (үртата 5-9 күн) бўлади.

Касаллик оддий йұталь билан бошланиб, аста-секин хуржисимон тусга киради ва беморни ҳолсизлантириб қўяди. Йұталь хуружи 2-3 мартадан 20 мартағача такрорланиши мумкин.

Йұталь хуружи вақтида беморнинг юзи қизариб, баъзан кўкаради, лаблари кўкариб, баъзан шишади. Бўйин вена томирлари бўртиб, кўзларига қон қўйилгандек (оқсил пардасига қон қўйилади), тиллари чиқиб туради. Кўл-оёқ бармоқларининг кўкариб музлаш ҳолатлари кузатилади. Йұталь хуржидан олдин болада кўрқиш, безовталаниш аломатлари кузатилади.

Құқ йұталда ҳамма вақт нафас аъзолари яллигланиши ва ўпкада хириллашлар эшитилади.

Ташхис. Эпидемиологик вазият ва лаборатория (бактериологик) текширишлар натижасида қўйилади.

Давоси. Бемор касалхонага ётқизилиб даво муолажалари олиб борилади.

Профилактикаси. Беморларни алоҳидалаш. АКДС билан эмлаш ишларини фаол олиб бориш.

ЭПИДЕМИК ПАРОТИТ (ТЕПКИ)

Тепки-үткір юқумли касаллик бўлиб, сўлак безлари, қулоқ олди бези ҳамда асаб тизими заарланиши билан кечади. Тепки асосан мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда кузатилади. Касаллик кўпинча қишиларида учрайди.

Этиологияси. Касаллик кўзгатувчиси фильтрланувчи вирус бўлиб, ташқи муҳиттга ва ультрабинафша нурларига ўта сезувчан, дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез ўлади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбай-бемор одам. Вирус ҳаво-томчи йўли билан, идиш-товоқ ва ўйинчоқлар орқали юқиши мумкин. Касалликдан кейин мустаҳкам иммунитет қолади.

Клиник манзараси. Касалликнинг яширин даври 11-23 күн. Касаллик кўпинча ўткір бошланиб, тана ҳарорати 39С гача кўтарилади. Қулоқ олди бези бир томонлама ва икки томонлама катталашади. Шиш жойидаги терининг ранги ўзгармайди. Шиш кўлга юмшоқ тегади, босиб кўрилганда оғрийди.

Касалликнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. Енгил тури 6-7 кун.
2. Ёртача оғир тури 9-10 кун.
3. Оғир тури 2-3 ҳафта.

Профилактикаси. Беморлар 9-10 кун бошқалардан ажратиб қўйилади. Яқин юрганлар **21 кун** кузатувда бўлади. Республикаизда эпидемик паротитга қарши эмлаш ишлари олиб борилади (15-18 ойлик болаларга).

Эмлашда тирик, лекин кучсизлантирилган вакцина 0,5 мл миқдорда тери остига юборилади.

ПОЛИОМИЕЛИТ (ШОЛ)

Полиомиелит марказий нерв тизими асосан орқа мия, баъзан бош мия заарланиши билан кечадиган ўткир юқумли касалликдир. Касалликни дастлаб **Гейн 1840 йилда** ва **Медин 1887 йилда** аниқлашгани учун, шу олимлар шарафига **Гейн-Медин касаллиги** деб юритилади.

Этиологияси. Полиомиелит қўзгатувчиси ташқи муҳитга чидамли. Хона ҳароратида уч ойдан кейин ўз кучини йўқотади, қиздирилганда 56С да 50 дақиқада ўлади. Дезинфекцияловчи моддалар ва ультрабинафша нурлари таъсирида тез ўлади. Вируснинг 3 та серотиплари фарқ қулинади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбалари bemorlar, реконвалесцентлар ва соғлом вирус ташувчи одамлардир. Вирус bemorning нафас йўллари ва чиқиндилар орқали ташқарига ажralиб чиқади. Касалликнинг одамларга юқиши асосан меъда-ичак тизими орқали амалга ошади. Вирус ифлос кўллар, ўйинчоқлар, рўзгор буюлари, сут ва сут маҳсулотлари орқали юқиши мумкин.

Полиомиелит билан асосан 4 ёшгача бўлган болалар касалланади. Касаллиқдан кейин организмда турғун иммунитет қолади.

Касалликка қарши **1958 йилдан** бўён эмлаш ишлари олиб борилиши натижасида касаллар сони анча камайган.

Клиник манзараси. Касалликнинг яширин даври 3-35 кун (ўртacha 9-12 кун).

Касалликнинг қуйидаги турлари тафовут қилнади:

1. Иннаппарант, яъни клиник кўринишсиз кечадиган тури.
2. Висцерал асаб тизими заарлланган ҳолда ички аъзолар фаолиятининг ўзгариши билан кечадиган тури.
3. Асаб тизимининг заарланиш билан кечадиган тури.

Бундан ташқари касалликнинг қуйидаги клиник турлари фарқланади.

1. Абортив тури. Катарал ҳодисалар ва меъда-ичак бузилишлари билан енгил ўтади.

2. Анафилактик тури. Сероз менингит симптомлари-бош оғриши, қайт қилиш, лоҳаслик билан кечади.

3. Паралитик тури. Бу тур қуйидаги даврларга ажратилади:

1. Инкубацион давр-6-17 кунгача.
2. Продромал давр. Бу даврда касаллик умумий ахволининг ёмонлашуви, иситма кўтарилиши, катарал ҳодисалар, меъда-ичак бузилиши, вегетатив нерв тизимининг бузилиши билан кечади.

3. Ўткир иситма ёки препаралитик давр. Бу даврда тана ҳарорати 38-39°C гача кўтарилади, бош оғриши, қайт қилиш, инжиқлик, уйқучанлик ёки уйқусизлик, менинге ал синдромлар ривожланади. Нерв толалари ўтган жойда оғриқ, тери рефлекслари пасайиб йўқолиб кетиши аниқланади.

4. Паралитик давр. Юқори ҳарорат мускуллар, нервлар фалажланиши кузатилади.

5. Тикланиш даври. 1-3 йил давом этади. Оғриқлар йўқолади, фалажланган мускул ва нервлар аста-секин аслига келади. Пай рефлекслари пайдо бўлади.

Полиомиелитнинг куйидаги клиник шакллари мавжуд:

1. **Спинал шакли** (кўл-оёқлар, гавда, бўйин, диафрагманинг периферик фалажлари билан кечади).

2. **Бульбар шакл** (ютиш, нутқ, нафас олиш издан чиқади).

3. **Понтин шакл** (юз нерви ва мимика мускуллари заарланади).

4. **Энцефалитик шакл** (менингиал ҳодисалар ва бош миядаги ўчоқли симптомлар билан ҳарактерланади).

Касалликнинг куйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Билинмайдиган.

2. Енгил.

3. Ўртача оғир.

4. Оғир.

Давоси. Бемор тезда касалхонага ётқизилади. Касалликнинг специфик давоси йўқ. Антибиотиклар, оғриқ қолдирувчи дорилар, физиотерапевтик муолажалар буюрилади.

Профилактикаси. Беморларни ва касалликка гумон қилинганларни бошқалардан ажратиб, алоҳидалаш. Бемор касалхонага ётқизилгандан кейин у яшаган жойда якунловчи дезинфекция ўтказиш, мулоқотда бўлганларни 20 кун мобайнида кузатиш. Полиомиелитнинг олдини олишнинг энг ишончли усули эмлаш (1959 йил, Сибирин усули бўйича).

ЎТА ХАВФЛИ ИНФЕКЦИЯЛАР

ЎЛАТ

Ўлат одамзотга қадимдан маълум бўлиб, қирғин келтирадиган ўта хавфли юқумли касалликлар гуруҳига киради. 1820 йилдан бўён 3 марта пандемияси бўлиб ўтган. Ўлатнинг табиий ўчоқлари қизилқум, Орол, Урал, Байкал ва Каспий денгизи яқинидаги чўлларда мавжуд. Шу табиий ўчоқларда яшовчи кемирувчи ҳайвонлар ўлатнинг манбаи ҳисобланади.

Этиологияси. Ўлат микроби ташки мухитга чидамили. Дезинфекцияловчи эритмалар (хлорамин, карбол кислотаси, лизол, сулема, оҳак, спирт) таъсирида тезда ҳалок бўлади.

Эпидемиологияси. Ўлат табиий ўчоқли инфекциялар гуруҳига киради.

Касаллик қўзғатувчилари кемирувчилардан одамларга бурга чаққанда юқади.

- A. 1. Тери шакли.
 2. Бубонли шакли.
 3. Тери бубонли шакли.
 4. Бирламчи септик шакли.
 5. Иккиламчи септик шакли.
- B. 1. Бирламчи ўпка шакли.
 2. Иккиламчи ўпка шакли.
 3. Ичак шакли.

Ўлатнинг энг кўп учрайдиган тери бубонли ва бубонли шакллари

Ўлат тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати қисқа вақтда 39-40С даражага кўтарилиб кетади. Беморда кучли интоксикация бошланади, дармон курийди, бош айланиб, қаттиқ оғрийди. Иштаҳасизлик, ташналиқ, қон аралаш қайт қилиш, ич кетиш, умуртқа поғонаси ва мускуллар оғриши кузатилади. Беморнинг юзи қизарган, кўзлари қип-қизил, баданда петехиялар(қон куйилиши) кўзга ташланади. Беморнинг тилига худди оҳак сепиб қўйганга ўхшайди. Қоринда оғриқ, талоқ катталашган, алаҳсираш, юрганда гандираклаш ҳолатлари кузатилади.

Давоси. Ўлат билан касалланган ёки унга шубҳа қилинган ҳар бир bemor алоҳида шифохонага ётқизилади. Бу бинода бошқа касалликлар билан оғриган bemорлар бўлиши мумкин эмас.

Ўлатга қарши стрептомицин препаратлари яхши натижа беради (3-4 млн ТБ да мускул орасига).

Ўлатга қарши, морбоциклин, ампициллин, ампиокс каби препаратлари кўлланилади. Даволаш курси 7-10 кун. Ўлатга ҳар хил касалликлар қўшилганда кефзол, цепорин, оксациллин, метациллин каби дорилар берилади.

Даволаш тугагач, bemor уч марта текширилади ва ўлат микроблари топилмаса, уйига жавоб берилади. Даволовчи шифокор касалхонадан чиқмасдан, ўлатга қарши маҳсус кийим кийиб bemорни даволайди.

Bemor ётган хона ва унинг барча чиқиндилари дезинфекцияловчи эритмалар ёрдамида заарсизлантирилиши керак.

Профилактикаси. Ўлат профилактикаси мамлакатимизда яхши йўлга кўйилган. Нукус, Бухоро, Учкудуқ, Сурхондарё, Тошкент ва бошқа бир қанча вилоятларда ўлатга қарши кураш станциялари ва бўлимлар мавжуд.

Маҳсус профилактикаси. Ўлатга қарши эмлаш ва ахолига тушунтириш ишларини олиб бориш.

Bemor билан мулоқотда бўлганилар 7 кун мобайнида касалхонада тиббий кузатувда бўлишади. Bemor яшаган жойда 6 кун мобайнида карантин эълон қилинади ва дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишлари олиб борилади. Ўчоқда ишлайдиган ходимлар шахсий профилактикага риоя қилиб, маҳсус кийим-бош кийиб ишлашлари керак.

ВАБО (ХОЛЕРА)

Вабо ўта хавфли каслликлардан бири ҳисобланиб, қадим замонлардан бўён одамзотга маълум. **1817 йилгача Хинди斯顿 ва Бангладеш** вабонинг эпидемик ўчоги ҳисобланган.

Ҳозирга кунгача бу касаллик дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларига кириб борган. Ўзбекистонга ҳам сайдёх-тижоратчилар орқали **Хинди斯顿 ва Покистондан** кириб келиш ҳоллари учраб туради.

Этиологияси. Касаллик қўзғатувчиси вабо вибриони бўлиб, уни биринчи марта **P.Kox** кашф этган. Вабо вибриони экзо ва эндотоксин ишлаб чиқаради. Вибрион нам шароитда ва сувда узоқ сақланади. Бемор ахлатида 6-7 ойгача сақланади. Қуёш нурида, қайнатилганда, дезинфекцияловчи воситаларда тез ўлади.

Эпидемиологияси. Вабо антропооноз касаллик бўлиб, касаллик манбаи вибрион ташувчилардир. Бемор бир кеча-кундуда 10-20 литргача суюқ ахлат чиқаради (1мл ахлатда 10 миллиондан миллиардгача вабо вибриони бор). Касаллик контакт орқали юқади. Вабо асосан ёз ва куз ойларида тез тарқалиб, катта-кичик баравар касалланади. Касалликдан кейин турғун табиий иммунитет ҳосил бўлади.

Клиникаси. Инкубацион даври бир неча соатдан 5 кунгача. Касалликнинг **типик ва атипик** варианatlари фарқланади.

Типик. Дегидратацияяга (суюқлик йўқотиш) қараб енгил, ўргача, оғир ва ўта оғир шаклларга ажратиласди.

Атипик. Вабонинг қуйидаги шакллари бор:

1. Куруқ вабо.
2. Яшин тезлигига ўтадиган вабо.
3. Билинар-билинмас ўтадиган вабо.
4. Гастритик вабо.

Касаллик тўсатдан бошланади, 2-4 мартадан 15-20 марта гача ич кетади. Ахлат суюқ, ёвғон хўрдага ёки нўхат шўрвага ўхшаш бўлади. Бемор кусуғи сарғиши лойка ҳолатда бўлиб, одам тезда ҳолдан тояди. Кўл-оёқ мускуллари титраб, тортишиб оғрийди. Тана ҳарорати 35С даражагача пасаяди. Бемор пичирлаб гапиради. Кўл бармоқлари кир ювган одамнинг бармоқларига ўхшаш ажин билан қопланади. Цианоз кўзга ташланади. Бурун учи, кулок, лаб, кўз қовоғи бинафша ёки қорамтири рангда бўлади. Кўз атрофи қорамтири рангда бўлиб, худди қора кўзойнан тақсанга ўхшаб кўринади. Бемор териси муздек бўлиб, эластиклиги йўқолади. Юрак тонларини эшитиб бўлмайди. Қон босимини аниқлаб бўлмайди. Нафас юзаки, тез, қорни ичига тортилган, мускуллари оғрийди. Пешоб кам чиқади. Шошилинч чора кўрилмаса, асфиксия ва кома бошланиб, bemor ўлиб қолади.

Давоси. Даволаш организмда юз берган дегидратация ҳисобига шошилинч равища реанимация бўлимига олиб борилади. Қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Йўқотилган суюқлик, туз ва оқсиллар ўрнини тўлдириш (регидратация)

2. Антибиотиклар бериш.
3. Қон ва плазма қуиши.
4. 15-20 минут мобайнида илик ванналар қилиш.
5. Пархөз таомлар бериш.

Бемор соғайғач, 8-10 күн давомида унинг ахлати 3 марта, ўт суюқлиги бир марта текширилиб, выбрион йўқлиги аниқлангач уйига жавооб берилади. Бемор диспансер назоратида туради ва бир ой мобайнида ҳар 10 кунда бир марта (ўт суюқлиги эса бир марта) бактериологик жиҳатдан текширилади.

Профилактикаси. Вабо ўта хавфли касалликлар гурӯҳига кирганлиги сабабли, ҳалқаро конвенцияга асосан, уни жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти назорат қилиб туради ва ҳар бир давлат ўз ҳудудида вабонинг четдан кириб келишига қарши ҳалқаро аэропортларда, темир йўл, дарё, автобус йўлларида чегара бекатларида санитария назорат пунктларини ташкил этади. Вабо учрайдиган ҳорижий мамлакатдан келадиган кишилар шу касалликка қарши эмланиб, 5 күн давомида врач назоратида бўлиб бактериологик текширувдан ўтишади.

Аҳолини сув билан таъминлайдиган сув ҳавзалари, сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган, сақлайдиган ва сотадиган корхоналар, ташкилотлар, умумий овқатланиш муассасаларида амалга ошириладиган санитария-гигиенага оид чора-тадбирлар устидан алоҳида назорат олиб борилади.

Касалликка шубҳа қилинган bemorлар аниқланиб, дарҳол алоҳидаланиб касалхонага ётқизилади. Контактда бўлганлар 5 күн врач назоратида бўлиб, бир марта бактериологик назоратдан ўтказилади ва профилактик даволанади (4 күн 0.3 гр дан 3 маҳал тетрациклин).

Вабо чиқкан хонадонда жорий ва якунловчи дезинфекция ўтказилади. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади, очиқ сув ҳавзалари, дарё, анҳор, ариқлардан фойдаланиш қатъян ман этилади.

ТУЛЯРЕМИЯ

Туляремия тана ҳароратининг кўтарилиши, интоксикация, лимфаденит ва турли аъзоларнинг заарланиши билан кечадиган зооноз касаллиқдир.

Касалликнинг кўзғатувчиси биринчи марта АҚШнинг Калифорния штатидаги Туляре округида Маккон томонидан аниқланган.

Этиологияси. Кўзғатувчиси таёқча шаклидаги ҳаракатсиз бактериялар бўлиб, паст ҳароратда узоқ вақт сақланади. Күёш нурлари ва дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тез ўлади.

Эпидемиологияси. Касаллик манбаи кемириувчи ҳайвонлар ва қон сўрар ҳашоратлар бўлиб, туляремия инфекцияси, каналар тухумлари орқали ўз авлодига ўтади.

Туляремия қўйидаги йўллар билан юқади ва тарқалади:

1. Контакт (касал ҳайвонларга яқин юрганда).
2. Алиментар (ифлосланган сув ва масалликлардан).

3. Ҳаво-томчи (бактериялар бор чанг тўзонларнинг нафас йўлларига киришидан).
4. Трансмиссив (қонсўрар ҳашоратлар орқали).

Туляремия билан барча ёшдаги одамлар касалланади. Микроб одам организмига тери, кўз, ҳаво йўллари ва меъда-ичак йўллари орқали киради.

Клиник манзараси. Касалликнинг инкубацион даври 3-7 кун. Касаллик тўсатдан бошланади. Тана ҳарорати 38-39С дараражага кўтарилиб, эт увишиб, қалтирайди. Бош, болдир, бел мускуллари оғрийди. Беморнинг боши айланаб, қайт қилади. Бурни қонайди.

Туляремиянинг кўйидаги турлари фарқланади:

1. Бубонли тури (лимфа тугунларида шиш).
2. Яра бубонли тури (терида секин тузаладиган яра).
3. Кўз бубонли тури (кўз шох пардаларида яралар ва кулоқ олди, жағости ва бўйин лимфа тугунлари катталашади).
4. Ангина бубонли тури (бодомча безлари қизариб, шишиб оқ қараш билан қопланади).
5. Корин (абдоминал) тури (коринда оғриқ, қайт қилиш кузатилади).
6. Ўпка тури (йўтал, нафас этишмовчилиги кузатилади).
7. Тарқоқ тури (бирламчи сепсис шакли).

Давоси. Туляремияни даволашда стрептомицин, тетракциклин, левомицетин дорилари яхши натижা беради. Антибиотиклар билан бир қаторда вакцина билан даволаш ҳам қўлланилади.

Профилактикаси. Асосий чора-тадбирлар кемирувчи ва қонсўрар ҳашоратларни қиришга қаратилган. Касаллик юқиш хавфи бор өдамлар эмланади.

БАКТЕРИОЛОГИК ЎЧОҚ

Бактериологик ўчоқ деб ўта хавфли юқумли касалликлар келтириб чиқарувчи бактериялар билан зааралланган худудларга айтилади. Бу худудлarda карантин эълон қилинади.

Карантин деб юқумли касалликлар тарқалиб кетишига йўл кўймаслик ва заарланиш ўчогини бартараф этишга қаратилган тегишли тартиб-коидалар, маъмурий ва санитария чора-тадбирлар комплексига айтилади.

Карантин биринчи марта Х1У асрда Италияда жорий этилган. Карантин ўчоидаги одамлар тиббий назоратдан ўтмасдан туриб зонадан чиқиб кетиши ва заарсизлантирилмаган бирор-бир нарсани олиб чиқиши қатъиян ман этилади.

Карантин зонадан одамлар ва транспорт воситаларининг ўтиши таъкиклаб қўйилади. Корхона ва муассасаларда эпидемияга қарши тегишли иш тартиби ўрнатилади.

Касалликнинг касалхона ичida тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида тиббиёт ходимларининг барчаси маҳсус кийимларда ишлашади. Масалан: Тоунга қарши бош-оёқ кийим: комбензон, копюшон, этик, бурун ва оғизга пахта дока боғич боғлаб алоҳида резина қўлқоп ва медицина халатлари.

Ўчоқда хавфли касаллик қўзғатувчилар топилмаса, карантин обсервация режими билан алмаштирилади.

Обсервация деб заарланиш ўчоғи устидан тиббий кузатув олиб бориш ва унда даво профилактика ҳамда чекловчи чора-тадбирларни ўтказиш тадбирлар комплексига айтилади.

Карантин зонасида беморларни ўз вақтида ажратиб қўйиш, инфекциянинг ўчоқда тарқалиб кетишига қарши энг муҳим чораларидан биридир. Шу муносабат билан касалларни актив равища аниқлаш ва касаллар билан мулоқотда бўлғанларни аниқлаш учун ҳамма хонадонлар бирма-бир текшириб чиқилади.

Касалларни ўз вақтида аниқлаш, шошилинч профилактика препаратларини тарқатиб чиқиш ва касаллар билан мулоқотда бўлғанлар устидан кузатув олиб бориш тиббиёт ходимларининг муҳим вазифасидир.

IV.-БОБ ЖАРРОҲЛИК ВА ТРАВМАТОЛОГИЯ

ЖАРРОҲЛИК ВА ТРАВМАТОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Хирургия (юонча қўл ва ҳаракат)-операциясини талаб этадиган касалликларни ўрганиш ҳамда операция қилиш демакдир.

Амалий тиббиёт тараққий этгунга қадар, жароҳатланган кишилар табиблар томонидан даволангандар. Масалан, Абу Али ибн Сино шундай қалтис жараёнга дуч келганилиги адабиётларда қайд этилади: сарой амалдорининг ўкли шикорга чиққанида отдан йигилиб, сон суяги чиқиб, ҳали унчалик тиббий билимга ва тажрибага эга бўлмаган 15 ёшли ибн Сино ўзининг ақл-заковатига таяниб, чиқкан сон суягини жойига туширади.

Тиббий фанлар тараққиёти, айниқса, жарроҳлик табобатининг ривожланиши жарроҳлик касалликларинигина эмас, балки таянч ҳаракат аъзолари ва тан жароҳатларини ҳам даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Травматология шикастланиш ҳақидаги фан бўлиб, турли хил шикастланишлар, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўлларини ўрганади. Кишилар ҳаёт кечириш жараённида фавқулодда юз берадиган баҳтсиз ҳодисалар, табиий оғатлар ва эҳтиётсизликлар натижасида келиб чиқадиган турли хил тан жароҳатларига учраб турадилар.

Даволашнинг самарали усуулларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт практикасига тадбик этиш травматизмнинг олдини олиш, даволаш травматология муассасаларида амалга оширилади.

Табиий оғат, спорт мусобақаси ва уришлар натижасида тан жароҳатининг кўпайиши, уларни ўрганувчи травматология фанининг ривожланишига туртки бўлди.

АСЕПТИКА ВА АНТИСЕПТИКА

Ўтган асрнинг ўрталарида энг енгил операциядан кейин ҳам яралар ўрни йиринглаб, операция қилинган беморларнинг 80%ни ҳаётдан кўз юмган. Жарроҳлар инфекция тўғрисида ҳеч нарса билишмаган, уларни

ўзларининг ҳаракатлари, қилган ишлари билан кўпинча ярани заараллантиришган ва натижада бу ҳолат ўлимга олиб келган.

Рус олими Н.И.Пироговнинг жароҳатлар ва госпиталь миазмини (миазм грекча ифлосланиш демакдир) ҳар томонлама ўрганиши хирургларга енгил йўл очиб беради. Инфекция фақатгина ҳаво орқали тарқалиб қолмасдан, балки теварак-атрофдаги нарсалар: кийимлар, тўшаклар, боғлов материаллари ва ҳоказолар орқали тарқалиши мумкинлиги маълум бўлди. Шу мақсадда Н.И.Пирогов дезинфекция мақсадида оҳакли хлор ва кумушнинг азоти эритмаси, спиртли йодни мувоффақиятли қўллади.

Австрийлик акушер-гинеколог Зиммельвейс (1861) туғдириш олдидан қўлларини бир неча минут мобайнида ювиб, сўнг ўткир хлор эритмасига ботиради. 1880 йилда парижлик аптекачи Лемер карбон кислотаси ачиш жараёнини тўхтатишини исботлади ва яраларни даволаш учун унинг 5% ли эритмасидан фойдаланишини тавсия этди. 1860 йилда Луи Пастер томонидан ачиш ва чиришлар организмга касаллик қўзғатувчи микроблар тушиши туфайли рўй беришини исботлади ва яра инфекциясига қарши курашнинг янги усулини қўллади.

АСЕПТИКА

Асептика-физик омиллар, кимёвий препаратлар, биологик усуулларни қўллаш бўйича ўтказилган ташкилий тадбирлар бўлиб, операция ярасига микроблар тушишининг олдини олиш, яъни микробсиз ишлаш демакдир.

Асептиканинг асосий қонуни, ярага тегадиган ҳар бир нарса бактериялардан холи бўлиши, яъни стерилланган бўлиши керак, деган фикрдир. Буни ҳаётга татбиқ этиш учун, ярага микроблар тушиши мумкин бўлган манбаларни яхши билиш керак. Бу манбалар икки хил бўлади: **экзоген ва эндоген**.

Экзоген инфекция-ярага бемор атрофидаги ташқи мухитдан ҳаво (ҳаво инфекцияси), сўлак ва бошқа суюқликлар (томчи инфекцияси) тарқалишидан, ярада қолдирилган жисмлардан (ип, дренаж ва бошқалар) тушадиган инфекциялар ичак, нафас йўли ва бошқалардан ўтади.

Эндоген инфекция - ярага тўқридан-тўғри ёки лимфа, қон томирлар орқали тушади.

Тозалик ва интизом асептиканинг асосидир. Кийимлар (стерил халат, қўлқоплар) тартибга солиниб, оёққа баҳилла кийиб, оғиз ва бурунга тўрт қаватли дока тутилади, сўнг операция хонасига кирилади. Операция хонасининг ҳавосини дезинфекция қилиш учун бактерияларга қарши ультрабинафша лампалари ишлатилади.

қонунга кўра, операция ва муолажа билан шуғулланувчи барча ходимлар диспансер назоратида турадилар, ҳар 6 ойда бир марта тиббиёт кўригидан ўтадилар.

ҚЎЛ-БАРМОҚ СОҲАСИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ

Кўлни заарасизлантиришнинг қуйидаги турлари мавжуд:
Альфред усули. У тўрт босқичдан иборат:

1. Құлни 2 та стерил чүтка билан иссик сувда совунлаб, 10 минут давомида ювиш.
2. Құлни стерил салфетка билан қуритиш.
3. 5 минут давомида құлни 96% ли спирт билан тозалаш.
4. Құл бармоклари учларига ва ораларига 10% ли йод эритмаси суртиш.

Спассоқукоцкий - Кочерген усули. Бу усулга биноан, құл 10 минут давомида иккита чүтка билан 5 минутдан совунлаб ювилади. Совуни кетгач, 05% ли нашатир спирти эритмаси солинган тосда қайта ювилади ва құл стерил салфетка билан артилади ҳамда 70% ли этил спирти эритмаси билан тозаланади, тирноқ ва панжалар 3% ли йод билан артилади.

АНТИСЕПТИКА

Антисептика инфекция(микроб)нинг ярага тушишига ва унинг ривожланишига қарши үтказиладиган комплекс кураш ва олдини олиш усулларини құллашдир. Ҳозирги замонда антисептика асептика билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар тизимга бирлашади.

Антисептика механик, физик, химик, биологик ва аралаш турлардан иборатdir.

Кимёвий антисептика антисептик, дезинфекцияловчи ва кимётерапевтик препаратлар гурухларига бўлинади. Улар бактериостатик (микроблар ўсишини тұхтатувчи) ва бактериоцид (микробни ўлдирувчи) таъсирларга эга бўлиши шарт. Шу мақсадда хлорамин эритмаси билан, йирингли ярани тозалашда 0,5-1% ли, металмас асбоблар учун 0,5 % ли, асбоблар ва хонани тозалаш учун 3%ли эритма ишлатилади. Йоднинг 5%ли спиртдаги эритмаси, люголь, спирт, водород пероксид 3%ли, калий перманганат эритмаси, ксероформ 3-10% (маз) суртма, порошоклар ва ҳоказолар ишлатилади.

Механик антисептика ярани антисептик эритмалар билан ювиш, ёт жисмларни олиб ташлаш, яшаш қобилиятини йўқотган тўқималарни кесиб ташлашдан иборат.

Физик антисептика яраларда микробларнинг ривожланишига йўл кўймайдиган физик усуллар бўлиб, очиқ ва ёпиқ дренажлар ҳамда сўрувчи вакуумлардан фойдаланишдир.

Биологик антисептика микробларни ўлдириш орқали инсон организмининг иммунобиологик ҳолатини оширишни таъминлаш мақсадини қўзлайди. Биологик антисептик моддалар қаторига антибиотиклар, энзималар, зардблар киради.

ДЕСМУРГИЯ

Десмургия (грекча десмес-боғлам, ергон-иш демакдир) - боғламлар қўйиш ҳақидаги таълимот.

Қадимги қўлжемаларда яраларни даволашда боғловчи материал сифатида ёпишқоқ пластир, смола, бўз ва бошқалар ишлатилган.

Десмургия фанининг ривожланишида Н.И.Пироговнинг хизматлари

көттадир. Г.И.Турнер ва А.Н.Великорецийлар десмургия ҳақида илмий ишларини эълон қилган.

Боғлам деганда яралар ва тери сатҳининг патологик ўзгаришларини гашки мухитдан сақлаб турувчи тадбирлар комплексий тушунилади. Боғламлар шикастланган органларнинг иммобилизацияси учун ҳамда қон тұхтатиш мақсадида күйилади. Боғламлар иккى хил бўлиб, юмшоқ боғламлар ва қаттиқ боғламларга бўлинади.

Танага күйилган боғлам иккى қисмдан иборат бўлади: биринчиси ярани даволовчи ва иккинчиси боғламни тутиб турувчи қисмлар. Уларнинг биринчиси бинтли боғлам бўлса, иккинчиси тўрли бинт, грикотажли бинт, эластик бинт ва ҳоказолардир. Юмшоқ боғламлар куйидагиларга бўлинади: елимли, лейкопластирли, косинкали, коллоидли ва бинтли боғламлар.

Қаттиқ боғламлар гипсли, крахмалли ва декстринли боғламларга бўлинади.

Юмшоқ бинтли боғламлар қўлланилишига қараб куйидаги турларга бўлинади:

1. Оддий юмшоқ (химоя қилувчи, даволовчи) боғлам.
2. Қон тўхтатувчи (сиқиб турувчи боғлам).
3. Иммобилизация қилувчи (харакатсизлантирувчи) боғлам.

Юмшоқ бинтли боғлам қўйишнинг қоидалари:

1. Беморга боғлам қўйилаётганда ҳамшира учун bemor қулай ҳолатда бўлиши керак (ўтириши ёки ётиши).
2. Бемор ҳаракат қилмаслиги керак.
3. Тананинг боғлам қўйилаётган қисми тинч туриши, мушаклар тортиласлиги керак.
4. Боғлам қўйилган тана боғлангандан кейин ҳаракат қилишига ҳалақит қилмаслиги керак.
5. Боғлам қўйилаётган bemor ҳамширага юзма-юз туриши ва ахволини тибиёт ходими кузатиб туриши лозим.
6. Ўраётган вақтда бинт очиқ бўлиши ва кейинги ўрам олдинги ўрамдан 1\3 ёки 2\3 қисмини ёпиб бориши керак.

ЮМШОҚ БОҒЛАМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Елимли боғлам. У кичикроқ шикастларда ва операцион жароҳат соҳасида қўлланилади. Бунда жароҳатланган аъзодаги яра атрофи устара билан қирилади.

Лейкопластерли боғлам. Унинг ёрдамида жароҳатга кўйиладиган боғлам материалини бир неча ёпишқоқ пластир (лейкопластер) билан терининг соғлом жойига маҳкамланади.

Клеолли боғлам. Бунда жароҳат боғлам билан беркитилади. Боғлам атрофидаги терига kleol суртилади ва оз-моз қуритиб кўйилади. Боғламни ва kleol суртилган тери соҳаларини дока билан беркитилади, салфетка четларини терига маҳкам босилади.

Каллоидли боғлам. Бунинг олдинги боғламдан фарқи шундаки,

бунда докани терига клеол билан эмас, балки каллодий (спирт ва эфир аралашган нитроклетчатка эритмаси) билан ёпиширилади. Бундай боғлам 7-8 кунгача тушиб кетмайди.

Косинкали боғлам. Бу боғлам учбурчак шаклидаги боғлов материали бўлиб, асосан бўз, оқ сурп ёки докадан тайёрланади, бундай боғламнинг энг узун томони косинканинг асоси, унинг рўпарасидаги бурчаги-тепаси, қолган иккита бурчаги учлари дейилади. Косинка кўпинча кўл ёки ўмров суюги шикастланганда елкани, бошни, сут безини, чаноқ суюгини (плавка типида) ва оёқ панжаларини боғлаш учун ишлатилиши мумкин.

Эластик тўрсимон ғовак бинтлар. Фабрикада №0 дан №6 гача бўлган 7 номерда ишлаб чиқарилади. Бу бинтларни тананинг ҳар қандай жойига қўйиш мумкин.

БИНТЛИ БОҒЛАМЛАР

Камбар бинтлар (эни 3-5-7 см). Оёқ ва кўл бармоқларини боғлаш учун ишлатилади.

Эни ўртacha бинтлар (10-12 см). Бош, панжа, билак, болдирини боғлаш учун ишлатилади.

Сербар бинтлар (эни 14-18 см). Кўкрак қафаси, сут безлари, сонни боғлаш учун ишлатилади.

Бинтлар медицина фабрикаларида тайёрланган бўлади ёки уларни кўлда докадан қирқиб тайёрласа ҳам бўлади. Боғламларни тўғри боғлаш учун қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

1. Кўйиладиган боғлам стерилланган бўлиши керак.
2. Бинтли боғлам гавданинг касал қисмини беркитиб туриши керак.
3. Боғлам гавдага зич ёпишиб туриши керак.
4. Боғлам лимфа ва қон айланишини бузмаслиги керак.
5. Кўйилган боғлам беморга ҳалақит бермаслиги керак.

Бинтли боғламларнинг қуйидаги турлари бор:

1. Сопқонсимон.
2. Т-симон.
3. Циркульсимон.
4. Спиралсимон.
5. Ўрмаловчисимон.
6. Крестсимон ёки саккизсимон.
7. Бошоқсимон.
8. Тошбақасимон.
9. Нўхатсимон.
10. Иккала кўзни боғлаш (бинокуляр).
11. Неополитанча.

1. Сопқонсимон боғлам бинт парчасидан тайёрланган бўлиб, бинтнинг иккала учидан ўртасига йўналтирилган ҳолда узунасига кесилади ва ўртаси кесилмай қолдирилади. Уни бурунга, иякка, энсага, чаккага боғлаш мумкин.

2. Т-симон боғлам ўртасига бошқа бинт тикилган ёки унинг уни

ташлаб қўйиладиган бинт парчасидан иборат. Кўпинча чов соҳасига (ораликка) ишлатилади. Горизонтал қисми белбоққа ўхшаб, тана теварагидан айлантирилиб, вертикал қисми эса белбоғдан чов соҳаси орқали ўтказилади ва тананинг орқа томонидаги белбоққа боғланади.

3. Циркул ёки айланма боғлам. Бинт шундай ўраладики, ҳар бир қатлам ўзидан олдинги қатламни тўла беркитиши керак.

4. Спиралсимон боғлам. Бинтнинг ҳар бир ўрами ўзидан олдинги ўрамнинг 2/3 қисмини ёки ярмини беркитадиган бўлиши керак. Тананинг катта қисми жароҳатланганда (куйганда) ишлатилади.

5. Ўрмаловчи боғлам. У спиралсимон боғламга ўхшаш бўлади, лекин бир-бирининг устидан тушмайди. Сальфеткани тутиб туриш учун боғланади.

6. Крестсимон ёки саккизсимон боғлам. Бунда бинтли ўрамалар бир-бири билан кесишади. Қўл ва оёқ, кафт панжалари ва елка шикастланганда ишлатилади.

7. Бошоқсимон боғлам. У саккизсимон боғламнинг бошқа тури бўлиб, бинт ўрами бошоқ шаклида бир чизик бўйича кесиштирилиб ўралади ва ҳоказо.

ҚАТТИК БОҒЛАМЛАР

1. Гипсли боғламлар. Бу боғламлар оёқ ва қўл, шунингдек, чаноқ ва елка суяклари чиққанда ёки синганда ишлатилади. Гипснинг 3% ли тузли сувдаги эритмаси катализатор вазифасини ўтайди, бошқа ҳолларда шошиб қолмаслик учун тузсиз қотишмадан фойдаланилади.

Гипсли боғлам икки хил қўйилади. Биринчиси-гипсли боғлам бўлиб, бунда синган суяклар силжиб кетмаслиги учун ишлатилади (фиксация). Иккинчиси-лангетли боғлам. Бунда синган суяклар бир-бири билан бирикиб, суяқ яраси (мозол) пайдо бўлгандан кейин қон айланишини яхшилаш мақсадида тери тўқималарининг бир ёки икки тарафи очиб қўйилади.

2. Крахмалли боғлам. У усти йиринглаб турган яраларга ёпишиб қолмаслиги учун, дектринли боғлам ҳам шу мақсадда ишлатилади.

ОФРИҚСИЗЛАНТИРИШ

Офриқсизлантириш тиббиёт амалиётида жуда муҳим ўрин тутади. Агар гарихга назар ташласак, илгарилари табиблар оғриқсизлантириш мақсадида Хитой, Миср, Греция мамлакатларида дурман, опий, спирт ва бошқа нарсалардан фойдаланганлар. Буларни ичириш, суртиш, клизма қилиш йўли билан ишлатганлар.

Унгача бўлган жарроҳлик муолажаларида ҳущдан кетказиш, яъни механик йўл (нерв толасини қисиб туриш, бош мияга қон боришини секинлаштириш, уйку артериясини босиб туриш, муз қўйиш, қор қўйиш, қон чиқариб ҳущдан кеткизиш, спирт билан маст қилиб ташлаш) каби бир қатор усууллардан фойдаланганлар. Бу даҳшатли усууллар натижасида кўп ҳолларда беморлар муолажадан кейин қайта турмаганлар.

XVI асрда француз жарроҳи Амбураз Паре операция пайтида кўл ва

оёкларни жгут билан бөглаб қон айланишини секинлаштиришга амал қилган. Ибн Сино эса муз күйиш усулидан фойдаланган ва ҳоказо.

1844 йилда Мортон ва Джексон эфирни наркоз учун ишлатишни таклиф этди. Россияда 1846 йили Н.И Пирогов эфир наркози ёрдамида биринчи операцияни ўтказади. 1905 йилда Эйхрон томонидан маҳаллий оғриқсизлантириш мақсадида новокаиндан фойдаланиш тавсия этилди.

Новокаин операция учун қўлланила бошлагандан кейин бу соҳадаги чигаллик бир оз ўз ечимини топди. Оғриқсизлантириш асосан иккига бўлинади: маҳаллий оғриқсизлантириш ва умумий оғриқсизлантириш.

МАҲАЛЛИЙ ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ

Бу усульда оғриқсизлантиришнинг афзаллиги шундаки, тананинг айрим қисмларига таъсири камдир. Бемор эс-хушини йўқотмайди. Ушбу мақсадда новскайн, лидокайн, тримикаин, ультрамикаин ва бошқа дорилар қўлланилади. Бунда дори тери остига, нерв толасига, орқа мия қобигига юборилади. Бу асосан стоматология (тишни олиш, тишининг нервини олиш, тишлиарни чархлаш мақсадида), амбулаторияда ўтказиладиган енгил операциялар (яраларни кесиш, жароҳатланган bemорлар ярасини тикиш, чиқсан суякларни жойига солиш, ўғил болалар хатнаси), ҳомилани операция йўли билан олишда, клиникада ўтказиладиган енгил операциялар (аппендицит, грыжа), куйганда ва турли хил блокадаларда қўлланилади. Бу марказий нерв тизимини тормозлантирмайди.

Умумий оғриқсизлантириш: икки хил бўлади: ингаляцион наркоз ва ноингаляцион наркоз. Бунда bemор ҳеч нарсани сезмайди, хушини йўқотади, факат юраги ишлаб туради, bemорга факат сунъий нафас бериб турилади.

Ингаляцион наркоз нафас йўли орқали наркоз аппарати ёрдамида берилади. Унга азот закиси, эфир, хлор-этил, фторотан, хлороформ ва бошқа дорилар ишлатилади. Улар очик, ярим очик, ярим ёпиқ ва ёпиқ усуllibarda организмга юборилади.

Нонгаляцион наркоз эса тўғри ичакка, мускулга, тери остига вена орқали юборилади (сомбревин, калипсол, кетоляр ва бошқалар).

Гексанал, яъни қисқа муддатли “рауш наркоз” мускул орасига ёки венага юборилади. Бундай вақтда bemор қисқа муддатга ухлайди, бунда сунъий нафас беришнинг ҳожати йўқ.

ҚОН КЕТИШИ

Қон кетиши деб қон тўқимасининг ўз йўлидан, яъни қон томир деворининг бузилиши (ёрилиши, кесилиши, йиртилиши) натижасида ташқарига ёки бирон бўшлиқка (кўкрак бўшлиғи, қорин бўшлиғи, бош суяги ичи, бўғимларга) оқиб чиқишига айтилади. Маълумки, одамда ўртacha 5-5,5 литр қон бўлиб, қоннинг таркибий қисми шаклли элементлар ҳамда қон плазмаси суюқ қисмидан иборатдир. Қоннинг ёпишқоқлиги сувга нисбатан 5 баравар ортиқдир. Қон кетиш ҳатто ўлимгача олиб келадиган оғир шикастланиш турига киради. Бу кесилган қон томирнинг катта-


киччиликкига ва жароҳатнинг (шикастланишининг) турига боғлиқ бўлади.

Қон кетиши анатомик нуқтаи назардан артериал, веноз, капилляр, паренхиматоз бўлса, сабабига кўра механик (кесилганда, томир шикастланганда), нейротрофик (қон томир деворининг юпқалашиши ва ўтказувчанлиги ошиши, яъни озиқланишнинг бузилиши натижасида, сепсис, скарлатина, цинга, касалликлари оқибатида) содир бўлади.

Клиник жиҳатдан ташқи, ички, яширин, қон кетиш турлари мавжуддир.

Қон кетиши вақтига қараб қўйидагиларга бўлинади: бирламчи (шикастланиш рўй бериши биланоқ). Эрта иккиласмачи қон кетиши шикастланишдан кейинги дастлабки соатларда ва кунларда (жароҳат инфекцияси ривожланишигача). Кечиккан иккиласмачи қон кетиш (ярага инфекция тушгандан кейин) ҳар қандай вақтда, яъни маълум кунлардан кейин тромбларнинг йиринглаши натижасида келиб чиқади.

Қон кетишининг клиник кўриниши қўйидагиларга боғлиқ. Шикастланиш турига, шикастланиш ўлчовига, қон томир турига, унинг диаметрига, қоннинг қаёққа оқишига (ташқарига, тана бўшлигига ёки тўқимага қон қўйилишига).



Қон оқишининг турлари: 1-артериядан; 2-венадан; 3- капиллярлардан;
4-паренхиматоз органлардан.

Артериал қон кетишида юракдаги босим ҳисобига шикастланган томирдан қон фонтандай отилиб чиқади. Артериал томирлардаги қон кислородга тўйинган бўлганлиги сабабли қоннинг ранги алвон рангда бўлади. Бундай қон кетиш қисқа вақт ичida ўтқир камқонликка олиб келади ва унинг натижасида қўйидаги ҳоллар кузатилади:

1. Артериал қон босимининг кескин пасайиб кетиши.
2. Бош айланиши.
3. Кўз олди коронфиллашиши.
4. Кўнгил айниши.
5. Қусиш.

6. Ҳүшдән кетиш.

Веноз қон кетишида эса қон ранги күкимтирир бўлади ҳамда пульсация йўли билан оқади. Бунинг сабаби шундаки, вена қон томирларида босим паст бўлади ва қон хужайралардаги чиқиндилаар билан тўйинган бўлади. Веноз қон кетишида артериал қон кетишидаги асоратлар каби ҳоллар кузатилади, лекин бир оз енгилроқ кечади ёки секинроқ юзага келади.

Чунки артериал қон томирларига нисбатан веноз қон томирларида босим пастроқ бўлади.


КОН КЕТИШИДА ВРАЧГАЧА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Артериал қон кетишида қон кетаётган томир босиб турилади (24-расм) ёки босиб турувчи боғлам қўйилади, юкорироқдан жгут билан боғланади (23-расм).

Босимни пасайтириш учун кўл ёки оёқдаги шикастланган соҳани кўтариб қўйиш керак. Веноз қон кетишида ҳам босиб туриш, босиб турувчи боғлам қўйиш ва жгутдан фойдаланиш мумкин, аммо шикастланган қон томир кўл ёки оёқда бўлса, кўтариб қўйиш тақиқданади, чунки веноз қон томирларида қон клапанлар ҳисобига юради.

Иккала қон кетиш турида ҳам жгут 1 соатдан ортиқ туриши мумкин эмас.

Паренхиматоз ёки капилляр қон кетишида шикастланган соҳага совуқ компресс ёки музли халтача қўйилади. Барча қон кетиш турларида умумий қон кетишини тўхтатиш учун, кимёвий препаратлар ҳам қўлланилади (аминокапрон кислотаси, дицинон ва ҳ.к.).



23-расм. Қон тўхтатиш усуслари.

Клиник кечишига қараб қон кетишининг турлари мавжуд: ташқи, ички ва яширин.

А). Ташқи қон кетишида қон ташқарига оқиб чиқади (офиз бўшлиғига,

бурун бўшлиғига, ёки танадан ташқарига).

Б). Ички қон кетиши тананинг ёпик бўшлиқларига оқиб чиқади (плевра бўшлиғи, қорин бўшлиғи ва ҳ.к.)

В). Яширин қон кетишининг аниқ белгилари бўлмайди ва беморни ҳам, атрофдагиларни ҳам айрим ҳолларда гафлатда қолдиради (ошқозон ва ичак ярасида). Чунки қон кетаётган томир кўзга кўринмайди. Аммо уларни аниклайдиган маҳсус методлар мавжуд. Масалан, ошқозон ярасидан қон кетгандан кусук моддаси қонли қизил рангда бўлса, ахлат ранги қорамтири тусда бўлади. Шунингдек, қон босими пасайиб бораверади.



24-расм. Қон оқишини бармоқ билан босиб туриш нуқталари.

ҚОННИНГ ТАРКИБИ


Қон плазмадаги шаклий элементлар аралашмасидан иборат бўлиб, ўзида хужайра ва тўқима алмашинуви маҳсулотларини тутади.

Қоннинг шаклли элементларига қуйидагилар киради:

1. Эритроцитлар, яъни қизил қон танаchalари. Улар инсон танасида ўртача 100-120 кун яшайди.

2. Лейкоцитлар, яъни оқ қон танаchalари. Улар 24 соат яшайди.

3. Тромбоцитлар - қон пластинкалари, 24 соат яшайди.



Қоннинг шаклли элементлари: 1-эритроцитлар; 2-тромбоцитлар; 3-лейкоцитлар; 4-қонни микроскоп тагида кўриниши.

Шаклли элементлар	Ядроси бор йўқлиги	1мм ³ қондаги сони	Функцияси
Эритроцитлар	Йўқ	4,5 - 5,0 млн.	Кислород ташиш
Лейкоцитлар	Бор	5,0 - 8,0 минг	Химоя қилиш
Тромбоцитлар	Йўқ	200-400 минг	Қонни ивитиш

Қон узлуксиз равишида одам организмининг қон яратувчи органлари бўлган сукр кўмигига ишлаб чиқарилиб туради. Қон ивиганда лахта ҳосил қиласи ва ҳажми кичраяди, шу билан бирга оч сариқ рангдаги тиник суюқлик-қон зардоби ажралиб қолади. Тоза қонда сув 75-85 % ни, плазмада 90-92 % ни, тоза қонда оқсил 16-21% ни плазмада 7-9,2 % ни ташкил этади.

Қоннинг вазифалари. Қоннинг таркибида гемоглобин бўлиб, у нормада эркаклар ва аёллар 100 дан ошиқ бирликни ташкил этади. Агар шу бирлик камайиб кетса, камқонлик ҳолати содир бўлади.

Бемор кўп қон йўқотганда ёки бошқа сабаб билан қони камайиб кетганда, қон ёки қон ўрнини босувчи суюқликлар қуишига тўғри келади.

Қон қуиши мұхим муолажа бўлиб, билимни, эҳтиёткорлик ҳамда хушёрликни талаб этади.

Қон қуиши деб донор қонини реципиентнинг қон ўзанига юборишига айтилади. Қон қуиши 2 хил усулда: бевосита, яъни тўғридан-тўғри беморга қуиши (камдан-кам ҳолларда қўлланилади) ва билвосита - бемордан, яъни донордан қонни олиб, кейин беморга (реципиент) қуиши. Қон қуиши биринчи марта 1492 йилда амалга оширилган. Аммо қон гурухлари тўғрисида маълумот бўлмагани ва қон қуиши техникасидаги қатор камчиликлар туфайли bemor ҳалок бўлган. 1666 йилда инглиз олимни Лоуер ҳайвонларга қон қуиб кўришни ишлаб чиқсан. 1667 йилда Делил ва Эмирец номли врачлар қўзичоқнинг қонини оғир bemorga қуиб, муваффақиятга эришганлар. Аммо бундан кейинги тажрибалар қатор муваффақиятсизликларга олиб келган.

1820 йилда англиялик Бландель инсондан инсонга қон қуиб, яхши натижага эришган. Қон қуишидаги муваффақиятлар 1901-1907 йилда амалга оширилган. 1926 йилда Москвада қон қуиши маркази ташкил этилган. 1901-1907 йилда Ландештейнер ва Янский инсонда I,II,III гурух қонлар мавжудлигини аниқлашган ва бир оз ўтиб, Янскийга IV гурух ҳам маълум бўлди. 1921 йилда қон гурухлари ҳалқаро классификацияга эга бўлади. Чунки юқоридаги камчиликлар асосида агглютинация реакцияси (қон зардоби билан эритроцитнинг ёпишиб, елимланиб колиши) ётар эди. Қон қуиши учун қон гурухларини аниқлаш шарт. Инсонлар қон гурухига қараб 4 га бўлинади.

Конни гурухларга бўлиш асосини одам эритроцитларида A ва B агглютиногенлар, қон зардобиди эса альфа ва бетта агглютининлар борлиги ташкил этади. Агглютиногенлар ва агглютининлар бор ёки йўқлигига қараб қоннинг қайси гурухга мансублиги аниқланади.

Одамда агглютиногенлар ва агглютинилар бирикмасининг 4 гурухи учрайди. Бу қонуннинг ҳам 4 гурухи мавжудлигини билдиради.

1-гурух-О (I) яъни эритроцитларда агглютиногенлар йўқ, зардобида эса иккала агглютиноген альфа ва бетта бор.

2-гурух-А (II) эритроцитларда агглютиноген А, зардобида эса агглютинин бор.

3-гурух-В (III) эритроцитларда агглютиноген В, зардобида эса агглютинин альфа бор.

4-гурух-AB (IV) эритроцитларида агглютиноген А, В бор, зардобида эса агглютинин йўқ.

Агглютиноген А агглютинин альфа билан, ёки агглютиноген В агглютинин бетага дуч келганда пробиркага агглютинация (ёпишиш) реакцияси пайдо бўлади. Тирик организмда эса қуийладиган қон (донор қони) эритроцитларининг гемолизи рўй беради. Гурухи тўғри келмайдиган қонни қуиши оғир асоратларга олиб келади. Шунга қўра қон қуиши бошланишидан олдин беморнинг қон гурухини ва қуийладиган қон гурухини аниқлаб олиш шарт.

Қон гурухини аниқлашнинг икки хил методи мавжуд бўлиб, биринчиси стандарт зардоблар ёрдамида бўладиган тўғри реакцияидир. Иккинчиси стандарт эритроцитлар ёрдамида бўладиган тескари реакцияидир.

ҚОН ГУРУХИНИ СТАНДАРТ ЗАРДОБЛAR БЎИЧА АНИҚЛАШ

Бу усул бўйича қон гурухини аниқлаш учун аниқланадиган қоннинг гурухлари аввалдан маълум зардоб билан аралаштирилади ва агглютинация реакцияси бор-йўклигига қараб хуоса чиқарилади. Аниқлаш учун олдиндан тайёрланган 3 гурух қон 0 (I), A (II), B (III) «стандарт зардоб»нинг ҳар бир гурух учун 2 та ҳар хил сериялари қўлланилади. Буюм ойнаси ёки чинни тарелкага ҳар бир сериядан 2 томчидан стандарт зардоб томизилади. Зардобрлар турли пипеткада олинади. Текшириладиган бемор бармоғидан 6 томчи қон олинади ва уларни стандарт зардобрлари бўлган тарелкага ёнма ён туширилади. Қон ва зардобрларни алоҳида шиша таёқча билан аралаштирилади, 5 минут ўтгач зардобрларга 1 томчидан физиологик сримта кўшилади (сохта агглютинация рўй бермаслиги учун).

Бунда қуйидаги ҳолатлар содир бўлади.

а) уччала жуфт томчиларида агглютинация рўй бермаса (тиник бўлса), бу ҳолатда қон 0 (I) биринчи гурухни ташкил этади;

в) 0 (I) ва B (III)да агглютинация рўй берсаю, A (II)да эса реакция рўй бермаса (тиник бўлса), бу ҳолда қон A (II) иккинчи гурухга хос бўлади;

г) 0 (I) ва A (II) да агглютинацияси рўй бериб, B (III)да реакция бўлмай тиник бўлса бу ҳолда қон B (III) учинчи гурухга мансуб бўлади;

д) уччала зардоб билан ҳам агглютинация реакцияси рўй берса (тиник ҳолат бўлмаса), бунда қон AB (IV) тўртинчи гурухга хос бўлади.

Қон гурухларини стандарт эритроцитлар бўйича аниқлаш учун чинни тарелкага рецептиент қонидан тайёрланган 3 томчи зардоб туширилади, зардобрларга 0 (I), A (II), B (III) стандарт эритроцитларининг

томчилари қүшилади. 5 минутдан кейин I томчидан физиологик эритма қүшилади.

Текшириш натижалари қуйидагича бўлади:

- а) 0 (I) стандарт эритроцитларда агглютинация реакцияси рўй бермаса A (II) ва B (III) реакция берса, биринчи гурух қон бўлади;
- б) А (II) реакция рўй бермаса, 0 (1) ва B (III) реакция рўй берса, иккинчи гурух бўлади;
- в) 0 (1) ва А (II) реакция рўй берсао, В (III) билан реакция рўй бермаса, учинчи гурух бўлади;
- г) Ҳамма стандарт эритроцитлар билан агглютинация реакцияси рўй бермаса, тўртинчи гурух бўлади.

РЕЗУС ФАКТОР

Резус фактор (Rh-фактор) 1940 йилда одам эритроцитларида биринчи марта маккаки резус маймунлари қони билан иммунланган қуён зардоби ёрдамида топилган. Резус номи шундан келиб чиқсан.

Резус фактор қон гурухларига алоқасиздир, у одамларнинг 85% ида учрайди. Булар (Rh+) дейилади. Одамларнинг қолган 15 %ининг қонида бу фактор бўлмайдики, уларни (Rh-) дейилади. Агар Rh- аёл, Rh-эркак билан турмуш қилса, тугилган фарзанднинг қони ё Rh-бўлади ёки Rh+-бўлади.

Агар фарзанд қони Rh-бўлса, бола соғлом ўсади, Rh-бўлса, ё ҳалок бўлади, ёки ўсиши-ривожланиши қийин бўлади, дардга тез чалинувчан бўлади. Резус фактор масаласи ҳали тўлиқ ўрганилиб чиқилмаган.

ҚОН ҚУЙИШГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

Қон қуйидаги ҳолатларда қўйилади: Ўткир камқонликда, кўп қон йўқотилганда (катталарда 1,5-2 литргача, болаларда 300-400 мл), шок, ҳолдан кеткизадиган сурункали касалликларда (интоксикация, қон касалликлари), ўткир заҳарланишлар (заҳар, газ), қон ивиш тизимининг бузилишларида.

Қон бериши мумкин қабул қилиши мумкин бўлган гурухлар. Бўлган гурухлар.

Гурух	I	II	III	IV	Гурух	I	II	III	IV
I	+	+	+	+	I	+	-	-	-
II	-	+	+	+	II	+	+	-	-
III	-	-	+	+	III	+	+	+	-
IV	-	-	-	+	IV	+	+	+	+

Биринчи гурух қонни ҳамма гурухдаги қонларга қўйиш мумкин, тўртинчи гурух қонга эса барча қонни қўйиш мумкин. Шунинг учун биринчи гурух қонни актив донор дейилса, тўртинчи гурух қонни актив рецептиент дейилади.

ҚОН ҚҮЙИШГА МОНЕЛИКЛАР:

Буйрак ва жигарнинг оғир яллигланиши касалликларида, юрак докомпенсацияси, мияга қон қўйилиши, ўпка силининг инфильтратли шакли ва бошқалар.

ТРАВМАТИК-ШИКАСТЛANIШЛАР

Шикастланишлар деб шикастлайдиган ташқи омилларнинг одам организмига таъсири натижасида келиб чиқадиган органлар ва тўқималарнинг анатомик ҳамда функционал бузилишларига айтилади.

Шикастланиш таъсир механизмига қараб механик (зарб тегиши, эзилиш, чўзилиш), физикавий (иссиқ, совук, электр ва нурланиш), химиявий (кислоталар, ишқорлар, захарлар), психик (кўркиш, ваҳима, стресс ҳодисаси) ва комбинациялашган бўлади. Бу эса организм функциясининг маҳаллий ёки умумий бузилишига олиб келади.

Шикастланиш турига қараб, шикастланишлар қўидагиларга бўлинади:

- 1) ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган: а) транспорт, б) йиқилиш, қоқилиш, в) майший, г) спорт, д) бошқа сабабларга кўра;
- 2) ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган: а) саноат, б) қишлок хўжалиги;
- 3) атайн қилинган (ҳарбий ва бошка);

Механик таъсирнинг кучига қараб шикастланишлар бевосита ва билвоситага бўлинади. Тери ва шиллиқ пардаларнинг шикастланишига қараб шикастланишлар очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади.

Киши организмига ташқаридан этилган таъсир натижасида тўқима ҳамда органларнинг анатомик ва функционал бузилиши шикастланиш дейилади. Организмга таъсир қўлувчи агентлар қўидагилардир: механик, электрик, термик, нур ва кимёвий таъсирлар.

Шунингдек, руҳий таъсир ҳам шикастланиш келтириб чиқаради.

Шикастланишларда маҳаллий ўзгариш кўпроқ ва шу билан биргаликда умумий ўзгаришлар ҳам содир бўлади.

Очиқ ва ёпиқ шикастланишлар бемор организмини турли ҳолатларга солиши мумкин.

ШИКАСТЛANIШ ТАСНИФИ:

- I. Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган:
 - 1) транспорт (темир йўл, автомобиль);
 - 2) пиёда;
 - 3) спорт;
 - 4) табиий оғатлар (сел келиши, ер қимирилаши ва ҳоказолар).
- II. Ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган:
 - 1) саноатда;
 - 2) қишлок хўжалигида.
- III. Қасдан қилинган шикастланишлар.
 - 1) Ҳарбий ҳолатларда;
 - 2) Ўз жонига қасд қилишларда;

3) Қасддан ўч олиш ёки талончилик мақсадида.

IV)Шунингдек, оддий ва комбинацияланган шикастланишлар, очиқ ва ёпиқ шикастланишлар.

ЁПИҚ ШИКАСТЛАНИШЛАР

Ёпиқ шикастланишларнинг турлари: лат ейиш, чўзилиш, узилиш, чайқалаш, қисилиш, суяклар чиқиши, суякларнинг ёпиқ синиши, узок сиқилиш синдроми, қорин бўшлиғидаги ёпиқ шикастланишлар, кўкрак бўшлиғидаги ёпиқ шикастланишлар, чаноқ бўшлиғидаги ёпиқ шикастланишлар.

Лат ейиш деб аъзо ва тўқималарнинг бирор тумтоқ нарсага урилиши натижасида тери бутунлигининг бузилмай заарланишига айтилади.

Белгилари. Оғриқ, ши ш. Оғриқ ўша заҳоти рўй берса, шиш ва қонталашлар 2-3 кундан кейин юзага чиқади. Албатта, маҳаллий тана ҳароратининг кўтарилиши ҳам табиий ҳол. Лат ейиш оғирроқ бўлса, организмда умумий ўзаришлар, тана ҳароратининг ошиши ҳам бўлиши мумкин.

Давоси. Аввало, тинчлик, шикастланишдан сўнг дастлабки соатларда шиш кўпайиб кетмаслиги учун, муз ва совук компресс кўйиш керак. Шиш камайгандан кейин, яъни 2-3 суткаларда физиотерапия ва иссик муолажалар, кейин массаж ва ҳаракат машқлари тавсия этилади. Агар қон тўпланиб қолган бўлса, пункция қилиб олиб ташланади.

Узилиш - бир катор тўқималарнинг заарланиши бўлиб, қарамакарши куч тортилиши натижасида вужудга келади. Пай чўзилиши, мусқул кон томир узилишлари содир бўлади. Тўқималар кучидан ортиқ куч ишлатилса, узилиш юзага келади. Узилиш кутилмаган тасодифларда, яъни югуриш, йиқилиш, оғир юқ кўтаришларда содир бўлади. Кўпинча болдир, панжа бўшлиғига қон куйилиши (гемоартроз), бўғим шишиб кетиши кабилардан.

Давоси. Дастлабки даврда совук компресслар, муз, боғлам, қолаверса гипсли боғламлар кўйилади. Оғир ҳолларда жарроҳлик операцияси ўтказилади.

Чўзилиш. Чўзилиш сабаблари ва клиник белгилари лат ейиш ва узилишга жуда ўхшаб кетади.

Давоси. Тинчлик, боғлам кўйиш, иммобилизация, учинчи ҳафтага бориб ҳаракат машқлари ва даволаш физкультураси кўлланилади.

Чайқалиш. Асосан бош мия чайқалиши, чайқалишлар орасидаги энг оммабоп кўриниш бўлиб, мухим функционал ва морфологик ўзаришларга олиб келади. Шунингдек, қон томир, нерв, ички органларнинг қисилишлари ҳам мавжуддир.

Сабаблари. Қаттиқ шикастланганда (урилганда, йиқилганда), узок вақт вибрация берувчи аппарат (электроперфоратор, оғир автомобиль рулини бошқариш) билан ишлаганда юзага келади.

Белгилари. Бошда бўлса, қисқа вақтга ҳушдан кетиш, ўзига келгандан кейин бўлиб ўтган воқеани эслай олмаслик (ретроград амнезия), агар кўкракда бўлса, ўша соҳада каттиқ оғриқ, электр аппарати ёки руль

таъсирида бўлса, қўлларининг қалтираши кузатилади.

Давоси. Тинчлик, таъсир этувчи омилни бартараф қилиш, симптоматик ва умумий ҳамда жарроҳлик муолажасини ўтказиш каби даво усусларидан фойдаланилади.

Суяклар чиқиши. Чиқиш деб бўғим юзаларининг силжиб, узок вақт давомида нофизиологик бир-бирига нисбатан нотўғри туриб қолишига митилади. Силжиш натижасида бўғим юзалари бир-бирига тегмай қолса: тўла чиқиш, қисман тегиб турса, тўла бўлмаган чиқиш дейилади. 50%дан ортиқроқ чиқиш елка бўғимида учрайди, кейин тирсак, сон, тизза чиқишлари ва энг кам учрайдиган панжалар чиқишидир. Чиқишлар ичida туфма чиқиш, яъни бола ҳәётининг она қорнидаги даврида юз беради. Ортирилган чиқиш травма натижасида (туберкулёз, остеомиелит, ўсма) юзага келади.

Клиник белгилари. Бўғим соҳасида кучли оғриқ, айниқса, ҳаракат қилаётганда қисман ёки бутунлай ҳаракат қилолмаслик. Ҳаракат қилишга уриниб кўрилганда оғриқнинг ошиши, қўл ва оёқда бўлса, бўғимларнинг кичрайиб қолиши кузатилади (асимметрия).

Ташхиси. Рентгенография ёрдамида қўйилади.

Давоси. Чиқкан суякни солиш бўлиб, у малакали ёрдамга муҳтождир, чунки уни ўзбошимча даволаш, билиб-бilmай уриниб кўриш ярамайди, Агар бўғимдан суяклар силжиганига шубҳа туғилса, муолажани тезда бажариш керак, 3-5 кундан кейин жойига солиш қийин бўлади. Елка суягини Матт, Гиппократ, Кохер, Джаналидзе усулида солиш, сон суягини Джаналидзе усулида, жағни Гиппократ усулида солиш ва чиқкан суякларни кечиккан бўлса, жарроҳлик усулида солиш каби даволаш турлари мавжуд.

Суяклар синиши кўп учрайдиган шикастлар турига киради. Механик таъсир ва суяклар бутунлигининг бузилиши билан белгиланади. Синган суякнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, атрофидаги юмшоқ тўқималарга ҳам жароҳат таъсир қиласи. Суяклар синиши катта қон томирларини шикастлаб, қон кетишига, нерв толасини сиқиб қўйиб ёки узиб юбориб, оғир асоратлар ҳам келтириб чиқариши мумкин.

СУЯКЛАРНИНГ СИНИШ ТАСНИФИ:

- 1). Келиб чиқиш сабабларига кўра: а) туфма, б) ортирилган;
- 2). Пайдо бўлиш сабабига кўра: а) травматик, б) патологик.

Травматик синишда механик таъсир этилган жойдан синса бевосита, сал нарироқдан синса билвосита синиш дейилади.

Куч таъсир қилиш механизмига кўра: а) эгилган, б) тўғри, в) буралган (ротация), г) қисилган (компрессия), д) узилган ва ҳоказоларга бўлинади.

Патологик синиш сабаблари: остеомиелит, ўсма, қон касаллиги ва ҳоказо.

- 3). Очиқ синиши ва ёпиқ синиши.

Тери бутунлиги бузилган ва жароҳат ҳосил бўлса, очиқ синиши дейилади. Тери бутунлиги бузилмасдан синса, ёпиқ синиши дейилади.

- 4) Тұла синиш ва тұла бұлмаган синиш ёки сүяклар ёрилиши.
- 5) Найсимон сүяк синиш соҳасига қараб диафизар, метафизар ва эпифизар бұлади.
- 6) Йұналишига қараб, күндаланг, узунасига, қийшиқ, винтсимон бұлади.

7) Оддий, асоратли, мураккаб ва комбинацияланған турларга бұлинади.

Шунингдек, синган сүякларнинг силжиши ҳам мұхим аҳамияттаға эга: силжиш узунасига, ён томонға, бурчак ҳосил қилиб ва синган қисмларнинг ўз үқи атрофида айланиб кетиши каби ҳоллар учраб туради.

Сүяклар синишида беморнинг ёши мұхим аҳамияттаға эга, чунки сүякларнинг кимёвий тузилиши назарда тутилса, ёш үлгайған сари органик модда камайиб, анорганик модда ошиб боради, шунинг учун кексаларда синган сүяклар битиши қийин ва узоқ давом этади.

Синиши клиникаси. Клиник белгилари маҳаллий ва умумий бұлади.

Умумий белгилари. Клиник шок, заарланған тұқымаларнинг емирилиши натижасыда организмда заҳарланиш белгилари юзага келади.

Маҳаллий белгилари. Оғриқ, деформация, функцияның бузилиши, ғайры табиий ҳаракат, құл ёки оёқнинг қисқариши, (мушакларнинг спастик қисқариши натижасыда), шиш, қон құйилиши, крепитация (сүяк қирсиллаши) ва ҳоказо.

Синган сүякнинг битиш вақты (консолидацияси):

Бармоқ фалангалари 21 кун. Билак сүяги 28-35 кун. Тирсак 60-75 кун. Елка 45-60 кун. Үмров 21-28 кун. Болдир 60-90 кун. Сон 60-120 кун.

СҮЯКЛАРНИҢ СИНИШІДА БИРИНЧИ ЁРДАМ ҚҰРСАТИШ

Күйидагилардир:

- 1) синган жойга осойишталык бериш;
- 2) сүякларни қимирлатмаслык (иммобилизация);
- 3) оғрикни қолдириш;
- 4) очиқ синиш бұлса, инфекцияның олдини олиш ҳамда қон кетишини тұхтатиши.

Агар очиқ синиш бұлса, олдин қони тұхтатилади, яғни боғлам қүйилади. Очиқ синишида ҳам, ёпиқ синишида ҳам мутахассис ёрдами құрсағында қадар синган сүяк иммобилизация мақсадида шиналар (Дитрех, Крамер) ёки бұлмаса шина үрнини босувчи қаттық предметлар, ёғоч, шифер парчаси, таёқ ва пластинкасимон материаллардан фойдаланилади. Аммо шиша (ойна) синиғидан фойдаланиш мүмкін эмес.

ОЧИҚ ШИКАСТЛАНИШЛАР

Тери ёки шиллик парданинг механик таъсир натижасыда жароҳатланиши очиқ шикастланиш дейилади. Бундай таъсир натижасыда анча ичкарида жойлашған тұқымалар ҳам заарланиши мүмкін.

Шикастланиш оқибати (прогноз) күйидагиларға боғлиқ;

- 1) Қон йүқотиши микдорига;

- 2) травматик шикастланишнинг енгил-оғирлигига;
- 3) маҳаллий инфекция бор - йўқлигига;
- 4) ҳаётий аъзоларга шикаст етишига.

Очиқ шикастланишларнинг клиникаси маҳаллий ва умумий белгилардан иборатdir:

а) маҳаллий-оғрик, тери бутунлигининг бузилиши, жароҳат, унинг очилиб туриши, қон кетиши.

б) умумий-ўткир анемия, шок, инфекция, оғрик, зааралланган соҳанинг нерв билан қанчалик таъминланганлигига ва таъсир этган жисмнинг ўткир ёки ўтмаслигига, жароҳатнинг юза ва чуқурлигига, унинг йириклигига боғлиқ.

ЖАРОҲАТЛАР ТАСНИФИ

Шикастланишлар (жароҳатлар) келиб чиқиш хусусиятларига, тўқималарнинг заарланиш характеристига кўра қўйидагиларга бўлинади: кесилган, санчилган, чопилган, уриб олинган, эзилган, йиртилган, лат еган, тирналган, тишланган, ўқ теккан, тешиб ўтилган, аралаш.

Клиник белгиларига кўра жароҳатлар турли хил бўлиши мумкин.

Жароҳатлар янги ёки кечиккан бўлади. Янги жароҳат деб 24 соат ичida беморга биринчи жарроҳлик муолажаси ўтказилишига айтилади. Агар бемор жароҳат олгандан кейин 24 соат вақт ўтказиб, врача учраса, у кечиккан жароҳат дейилади. Жароҳат бирламчи ва иккиламчи битиши мумкин. Агар жароҳат йиринглаб битса иккиламчи, йирингламаса бирламчи бўлади.

Биринчи ёрдам. Шикастланган bemорга биринчи ёрдам кўпинча тибиётга алоқаси бўлмаган кишилар томонидан кўрсатилади, чунки врач ёки ўта тибиёт ходими шикастланган bemор ёнида бирга бўлмаслиги табиий ҳолдир. Бунда қўйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

1) жароҳатни ювилмаган кўл билан ушлаш бутунлай ман этилади;

2) боғлам кўйилгач, уни маҳкамлаш учун иложи бўлса эластик бинтлар кўйиш фойдалиdir;

3) қонни тўхтатиш учун кўл ёки оёқни кўтариб кўйиш ва боғлам кўйиш.

Агар шунда ҳам қон тўхтамаса, жгут кўйилади. Жгут доим ҳам тўғри кўйилавермайди, у венада қон димланиб қолишига олиб келади. Жгут кўйилгандан сўнг албатта вақтини ёзиб кўйиш керак;

4) Коқшолга қарши эмдори қилиш (ПСС, ПСА)ни эсдан чиқармаслиги керак;

5) bemор узоққа жўнатилаётган бўлса, оғрик қолдирувчи дорилар кўлланилади.

ЖАРРОҲЛИК ИНФЕКЦИЯСИ (Жароҳат инфекцияси)

Касаллик кўзғатувчи аэроб (кислородли яшайдиган), анаэроб (кислородсиз яшай оладиган) инфекциянинг специфик ва носпецифик турлари келтириб чиқарадиган ҳамда жарроҳлик йўли билан даволашни талаб этадиган инфекцион касаллиkdir.

Клиник кўриниши бўйича таснифи:

1. Ўткир хирургик инфекция:

1.1 Махаллий ўткир хирургик инфекция:

- а) ўткир носспецифик йириングли инфекция;
- б) ўткир чирик инфекция;
- в) ўткир носспецифик анаэроб инфекция (газли гангрена);
- г) ўткир специфик анаэроб инфекция (қоқшол, күйдирги жароҳат дифтерияси).

1.2. Умумий хирургик инфекция:

2. Сурункали хирургик инфекция:

- а) сурункали носспецифик инфекция;

- б) сурункали специфик инфекция (сил, захм, актиномикоз).

Чипқон. Соч халтасаси ва терининг ёғ безлари яллигланишидир. Уни тилларанг стафилококклар келтириб чиқаради. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қылмаслик ва қашиш, ҳуснбузарларни сиқиши чипқон пайдо бўлишига сабаб бўлади. У кийимнинг кўп ишқаланадиган жойларида: бўйин, елка бел ва думбада, шунингдек, юзда ҳам учрайди.

Клиник белгиси. Тери қичишади, кейин ўша жой оғриди, соч халтасаси атрофида қизариш ва терида нўхатдек шиш пайдо бўлади. Белгилари 1-2 кечакундуз давомида ривожланади, кейин оғриқ зўрайиб, инфильтрат катталашиб боради, терининг ранги кўкиш-оч қизил тусга киради. Яллигланиши ўчиги марказида йириングли пуфакча юзага келиб, ундан ўзак пайдо бўлади. Биринчи ҳафта охирида ичига йириинг тўплланган пуфакча ёрилади, йириинг билан ўзак ҳам чиқиб кетади. Кейин инфильтрация ва шиш пасаяди, оғриқ аста-секин йўқолади, тана ҳарорати $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Айниқса, юздаги ва устки лабдаги чипқон хавфлироқдир, чунки у бош суюгининг веноз синусларига тарқалиб кетиши, мия пардаларини яллигланириши ҳамда ўлимга олиб бориши мумкин.

Давоси. Умумий ва маҳаллий. Даствлаб 70% ли спирт билан яра атрофини артиш, кварц, кейин диоксидин, йодопирон мазлари суртиш, гипертоник эритмали болгамлар боғлаш, антибиотиклар ва жарроҳлик усулини кўллаш. Асоратлари: прогрессив лимфаденит, йириングли артрит, сепсис.

Карбонкул. Ёнма-ён жойлашган бир неча соч халтларининг ва ёғ безларининг ўткир йириングли яллигланиши.

Тери ва тери ости ёғ клетчаткасида некроз пайдо бўлиши карбонкул дейилади. Сабабчиси тилларанг стафилококк ва стрептококк инфекцияси бир-бирига аралашиб кетади. Шунингдек, умумий заифлик (иммун тизимининг пасайиши), витамин, қанд этишмовчилиги ва ҳоказолар кузатилади.

Карбонкул билан ёши ўтган кишилар кўпроқ касалланади. Карбонкул бўйиннинг орқа юзасида, энсада, белда, лабда пайдо бўлади.

Клиникаси юқори иситма ва қаттиқ оғриқ билан бошланади. Бир кечада инфильтрат бирдан пайдо бўлиб, тезда бир-бирига қўшилиб кетади. Фурункулга нисбатан оғирроқ кечади. Иситма 40°C ва ундан юқори бўлиши, эт увишиши, қайт қилиш, қаттиқ бош оғриғи ва ўйқусизлик билан бирга кечади.

Хавфли томони шундаки, тромбофлебит, лимфангит, тромбоз, сепсис, йириングли менингит каби касалликларни кучайтириши мумкин.

Давоси. Бемор жаррохлик бўлимига ётқизилади, новокаин ампициллин эритмали блокада, яра юзда бўлса, гаплашиш ман этилади. Мимика мускуллари тортишиб, ахволни оғирлаштириши мумкин. Жаррохлик усули билан ва антибиотиклар ёрдамида комплекс даволанади.

АБСЦЕСС

Тўқималарда йирингли қобиққа эга бўлиб, шу қобиқчада чекланган ҳолда йиринг тўпланиб туришига абсцесс дейилади.

Абсцесслар тери ости ёғ клетчаткасида, мушакларда, ички аъзолардан упка, жигар, буйрак ва мияда учрайди. Касаллик кўзғатувчиси-стрептококк, стафилококклар ва бошқа микроблардир.

Микроб қон ёки лимфа йўли билан тарқалиб, йирингли жараённи келтириб чиқаради.

Клиникаси. Касаллик бошланишида абсцесс соҳаси тўхтаб-тўхтаб оғрийди ва кейин шиш ҳамда қизариш пайдо бўлиб, тунги оғриқ юзага келади. Йиринг тўпланишига қараб флюктуация аниқланади (флюктуация-идишга суюқлик солиб чайқаганда сезиладиган товуш ва босим). Абсцесс чукур бўлса, флюктуацияни аниқлаш қийин бўлади. Касалликнинг қандай кечиши абцесснинг локализациясига ва микробларнинг вирулентлигига ҳамда токсигенлигига бўғлиқ.

Давоси. Дастваб абсцессни чегаралаш мақсадида иссиқ муолажалар қилинади. Флюктуация аниқ бўлса, ярани кесиш керак.

ФЛЕГМОНА

Тўқималарнинг тарқоқ ҳолда (равишда) ўткир йирингли яллиғланиши. Келиб чиқиш сабаблари чипқон ва абсцессга ўхшаш, шунингдек, чипқон ва карбонкулнинг асорати сифатида ҳам юзага келади.

Клиникаси. Абцессдан фарқи шуки, унинг аниқ чегараси бўлмайди. Касаллик бирданига бошланади. Оғриқ эт увишиши, дармонсизлик, иситма 40°Cга чиқади. Яллиғланиш ўчоғида шиш пайдо бўлади, оғрикли инфильтрат юзага келади. Интоксикия авж олиб боради. Тери ости ёғ клетчаткасида некроз ўчоқлар пайдо бўлади. Шиш қинғир-кыйшиқ бўлиб, тери юзасига бир оз дўйпайиб чиқади. Флюктуация жуда характерлидир.

Давоси. Агар ташхис аниқ ва эрта қўйилса, дастваб консерватив даво (иссиқ муолажа, антибиотиклар). 3-4 кундан кейин аниқланса, жаррохлик операцияси ўтказилади ҳамда антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари билан ҳафталааб даволанади.

УМУМИЙ ЙИРИНГЛИ ИНФЕКЦИЯ (Сепсис)

Сепсис организмнинг оғир инфекцион касаллиги бўлиб, уни турли хил микроблар ва уларнинг токсинлари келтириб чиқаради.

Сепсис бирламчи ва иккиласи бўлиши мумкин.

Бирламчи сепсис қонга маълум бир микробнинг тушиши билан характерланса, иккиласи сепсис юқумли касалликлар микроби ёки чипқон, карбонкул ҳамда абцесс, флегмонлар каби бир қатор

касалліклар натижасыда юзага келиши мүмкін. Шунингдек, шикастланишлар ва операция жароҳатида ҳам.

Сепсиснинг бир неча соатдан (яшин тезлигидаги) бир неча йил (сурункали)гача формалари бор. Жаррохлик сепсиси 1000-1500 та бемордан бирида учрайди. Сепсиснинг құзғатувчиси қонга тушиши мүмкін бўлган барча микроблардир (стафилококк, стрептококк, пневмококклар, ичак таёқчалари ва бошқалар).

Умумий белгилари. Марказий нерв тизимининг бузилиши, бош оғриғи, құзғалувчанлик, уйкусизлик, эс-хушнинг кирди-чиқди бўлиб қолиши. Доимий иситманинг 39-40С гача кўтарилиб туриши, қалтираш, терлаш, тана массасининг камайиши, юрак қон томирлардаги ўзгаришлар, пульс тезлашиши (тахикардия), пульс тўлиқлигининг пасайиши, артериал босим пасайиши, қон таркибининг ўзгариши, паренхиматоз органлар етишмовчилиги (буйрак, жигар), шунингдек, терида ҳар хил тошмалар тошиши ёки сариқлик, ич кетиш, кўнгил айниши, кусиш. Булар ҳаммаси қонни заҳарлаган ёки бузган микроб токсинининг кучига боғлиқ.

Маҳаллий белгилари. Тери ёки юзнинг оқариши, юздаги шиш, ҳафсаласизлик (вялость), териilar тагидаги веналардаги тромбоз (вена томирининг кўкариб туриши, лимфангит, лимфаденитлар).

Ташхис. Қонни мукаммал клиник лабараторияда текшириб ҳамда клиник белгиларига қараб кейин кўйилади.

Давоси: умумий, маҳаллий, бактерияга қарши.

Умумий даво:

- 1) интоксикация ва инфекцияга қарши антибиотиклар;
- 2) организмнинг иммун тизимини ошириш, оқсил, углевод ва витаминалрга бой овқатланиш ҳамда қон қўйиш;
- 3) бутун органлар функциясини яхшилаш (умумий терапия);
- 4) симптоматик терапия.

Маҳаллий даво. Ўз вақтида жаррохлик муолажаларини қўллаш, яраларни тозалаш, ювиш, дренажлар кўйиш, ярани дезинфекция қилиш ва физиотерапия. Инфекцияга қарши даво антибиотиклар ҳисобланади.

Қонни олиб, микробларнинг сезувчанлигини аниқлаб бўлгач, ўшанга хос антибиотиклар қўлланилади (ампициллин, метициллин, оксациллин ва ҳоказ).

АНАЭРОБ ИНФЕКЦИЯ

Анаэроб инфекция деб кислород бўлмаган жойда ҳам кўпая оладиган ва касаллик қўзғатадиган микроблар туркумига айтилади. Уларнинг характеристерли томони шуки, яллигланиш жараённининг йўқлиги ва катталашиши мүмкін бўлган шиш, шикастланган тўқимада газ пайдо бўлиши, тўқималарнинг ўлиши натижасыда заҳар пайдо бўлиб, организм жуда оғир аҳволга тушади. Уларга газли гангrena ва қоқшол касаллиги киради.

ГАЗЛИ ГАНГРЕНА

Келиб чиқыш сабаблари.

1) Снаряд парчалари текканды жароҳатнинг ифлосланиши (тупроқдан, кийимдан) ва мушаклар эзишлиши.

2) Маҳаллый ва умумий қон айланишининг бузилиши (жгут, томирлар боғланиши, анемия, шок).

3) Организмда иммун тизимининг пасайиши;

4) Жароҳат сатхини транспортировка ва иммобилизацияда шикастланиши.

Құзғатувчи микроблар 4 хил бўлиб, спорали клостридиялар дейилади, улар ичакда яшайди.

Клиник белгилари. Яширин даври 1-7 кун, баъзан жуда тез, яъни 1-2 соатда ривожланади. Даастлаб бемор ўта тинч ҳолатда бўлиб, томирлари тез уради, ҳарорат кўтарилиши, жароҳат чеккалари шишиб, мушаклар кўтарилиб туриши сезилади, «лигатура симптоми», яъни боғланган жойда из қолиб, ўз-ўзидан кесилади (ёки ип этни кесади), тикилган чоклар таранглашади, жароҳат четлари йиртилади.

Теріда «устара» симптоми (худди тери устида устара юргизаётганга үхшаб ҳириллаган товуш сезилиши), тўқималарда газ борлиги рентгенограммада кўринади. Жароҳатда мушаклар шишиб, усти кулранг ифлос суюклик билан қопланади, баъзан эксудат оч-сариқ, кўнғир бўлиб, бадбўй ҳидли бўлади. Беморнинг ахволи жуда оғир бўлади, оғриқ, қўл, оёқ шишиб кетиши, юкори ҳарорат содир бўлади ва ярани босганимизда яра йиртилиб газ чиқади.

Давосини асосан профилактикадан бошлаш керак. Узоқ вақт жгут қўймаслик, касаллик ривожланса гангренага қарши зардоб юбориш (х.б. ҳалқаро бирлик):

1. Специфик терапия (зардоб микроб турига қараб);

2. Хирургик даво (кесиш, жароҳатни кенг очиш, ампутация);

3. Носпецифик терапия антибиотиклар, юрак ва бошқа органлар фаолиятини яхшилаш.

ҚОҚШОЛ

У специфик ўткир юқумли касаллик бўлиб, уни спорали анаэроб таёқчасимон бактерия В тетони қўзғатади. Бу микроб ўзидан иккى хил токсин ишлаб чиқаради.

Биринчиси асаб тизимиға таъсир қилса, иккинчиси эритроцитларни эритади. Асаб тизими ёрдамида биринчи токсин тарғил мушакларни тоник ва клоник тиришишларга олиб келади. В тетони сапрофит сифатида ўй ҳайвонлари (қўй, эчки, қорамол) ҳамда одамнинг ичагида яшайди. У фекалий (ахлат) орқали тупроққа тушади. Шунинг учун ҳар бир шикастланишда инсон тери бутунлиги бузилиб, тупроққа ёки ўт-ўлан устига йиқилса, касал бўлиш эҳтимоли бор.

Яширин даври ўртача -2 ҳафта, баъзан эса 4-5 ой давом этади.

Клиникаси. Касаллик бошланишида бош оғрийди, чарчоқ, уйқусираш,

терлаш, жароқат атрофика оғриқ, тоник ва клоник тиришишлар, чайнов мушаклар тиришиб, «кардоник күлгі» - истеңзөли кулиш пайдо бұлады. Тиришиш ўқтін-ұқтін бўлиб, беморни чарчатади. Енгил шамол, товуш ҳам тиришишни келтириб чиқаради, тиришиш натижасида мушаклар ёрилиб кетиши, суюклар синиб кетиши мумкин. Агар енгил кечса. 14-16 кунда бемор аста секин тузалади.

Давоси. Комплекс усулда олиб борилади:

- 1) Жароқатни хирургик ишлаш;
 - 2) Қоқшолга қарши зардоб ПСС мушак орасига юборилади, жами 200000-300000 АБ.
 - 3) Наркотик ва нейтролептик диазепам, гексенал, аминазин ва бошқа.
 - 4) Юрек фаолиятини яхшиловчи дорилар камфора, кордиамин.
 - 5) Инфекциянинг олдини олиш (антибиотик ва сульфаниламиидлар).
- Бу касалликларда ўлиш ҳолатлари 70-100% га тұғри келади.

Профилактикаси. Ҳар бир очиқ шикастланишдан кейин, агар бемор тупроқ ёки ўт-ұланга йиқилиб, жароқат унга теккан бұлса, қоқшолнинг олдини олиш мақсадида тери остига жами 4 мл қоқшолга қарши анатоксин ПСА (противо столбнячний анатоксин юборилади). Ўша заҳоти 1 мл, 3 ҳафтадан сүнг 1,5 мл, яна 3 ҳаftта ўтказиб 1,5 мл юборилади (мушак ичига 1500-3000 АБ) (антитоксик бирлік) қоқшолга қарши зардоб юборилади. Агар зардобнинг синама ампуласи бўлmasa, ПСС ни тери остига 0,1 мл, 30 минутдан кейин 0,2 мл, 60-90 минут ўтказиб қолган 0,7 мл юборилади.

УЗОҚ СИКИЛИШ СИНДРОМИ (ТРАВМАТИК ТОКСИКОЗ)

Бу ибора дастлаб 1885 йилда Н.И.Пирогов томонидан илгари сурىлган бўлиб, «жароқатнинг жойли совуқ қотиши», «тұқиманинг травматик таранглиги», «маҳаллий асфиксия» каби бир қатор номлар билан аталади. Күпчилик ҳолларда оёқ юмшоқ тұқимасининг бирор катта жисм тагида узоқ вақт қисилиб қолиб кетишидан кейин юз беради. Табиий оғатларда (ер қимирлаш, ўпирилишида), портлаща күпроқ учрайди.

Клиникаси. Узоқ вақт босилиб туриши натижасида томирларда қон юрмай, ўша жойга кислород ва озуқа моддалар бормаганлиги сабабли декомпрессиядан кейин (босиб турган юкни олиб ташлагач), оғир эзилишининг маҳаллий белгилари намоён бўлади.

Биринчи соатнинг ўзидаётк босилиб турган жойнинг ҳажми катталаша бошлияди. 24 соат ичидә шиш ҳаддан ташқари катталашади. Босилиб турган жой (күл ёки оёқ) қотиб, оқаради, кейин рангизланиб, кўкимтир шиш пайдо бўлади. Сезиш қобилияти йўқолади. Бориб-бориб доф ва пуфаклар ҳосил бўлади.

Вена ва артерия қон томирларida тромбоз (тромбларнинг сувсизланиб, ҳаракатсиз қуоқланиб қотиб қолиши) эзилган тұқимада плазма йўқолиши. Тұқима чириши натижасида токсик моддалар ажралиши сабабли, травматик шок юзага келади.

Буйрак фаолияти токсинлар таъсирида тез бузилади. Биринчи

хатоликларга олиб келади. Кейинчалик шикастланган жойда кучли оғриққа ва ҳаракатсизликка олиб келади. Күнгил айниши, тахикардия ва arterial босим пасайиши кузатилади. Пешоб камаяди.

Бүйрак каналчалари беркилгандырылганда сабабли, бир-икки кунда пешобда қон (уреция) пайдо бўлади. Ўтқир жигар етишмовчилиги сабабли бадан сарғайиб кетади. Бир сўз билан айтганда, тўқиманинг ўзи заҳарга айланиб, организмни заҳарлайди ва кучли интоксикация белгилари юзага келади.

Давоси. Кўл-оёқни босиб турган юкни олгач (*баъзан жгут кўйиш керак*), заарланган соҳага муз кўйиш, новокайн блокадаси, жарроҳлик усули, нейроэктомия ёки ампутация, оғриқсизлантириш учун наркотиклар (промедол, омнопон, морфин), суюқлик томчи дорилар (натрий хлор, глюкоза), антибиотиклар ва витаминлар кўлланилади.

КОРИН БЎШЛИГИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎТҚИР КАСАЛЛИКЛАРИ

Корин бўшлиғи органларининг ўтқир яллигланиш касаллик-ларига кўричак (чувалчангисимон ўсимтанинг яллигланиши-аппендицит), ошқозон ости безининг яллигланиши (панкреатит), ўт пуфагининг яллигланиши (холецистит) киради.

АППЕНДИЦИТ

Аппендицит (лотинча-ўсимта) кўричак чувалчангисимон ўсимтасининг яллигланиши бўлиб, кўпинча меҳнатга лаёкатли ёшда (20-40 ёш) эркакларга нисбатан аёлларда таҳминан икки баробар кўп учрайди.

Касалликнинг келиб чиқиши кўпинча овқатланиш характеристига боғлиқ бўлиб, оқсил моддаси бўлган овқатларни нисбатан кўпроқ истеъмол қиласидаган кишилар аппендицит билан кўп оғрийдилар. Ичақда тури микрофлоранинг борлиги, гижжалар, ичак моторикасининг бузилиши ва бошқалар касаликка сабаб бўлиши мумкин.

Кўричак чувалчангисимон ўсимтасининг шиллиқ ва шиллиқ ости қаватининг яллигланиши “катарап” аппендицит, чувалчангисимон ўсимта девори барча қаватининг яллигланиши “флегмоноз” аппендицит, деворининг некроз даражасидаги яллигланиши “гангреноз” аппендицитнинг клиник кўринишини белгилайди.

Белгилари. Касаллик кўпгина ҳолларда киши ўзини бутунлай соғлом ҳис этиб турган вақтда, тўсатдан аниқ бўлмаган оғриқлар билан бошланади.

Оғриқ киндик атрофи, эпигастрал соҳа ёки кориннинг барча қисмларида бошланниб, 4-6 соатдан кейин ўнг бикин атрофига кўчиши мумкин. Оғриқ синдроми чувалчангисимон ўсимта (аппендикс)нинг қаерда жойлашганлигига ҳам боғлиқ. Аппедикс юқорида, яъни жигар остида жойлашганда аппендицит ўт пуфагининг яллигланиши (ўтқир холецистит)га ўхшаш, пастанда жойлашганида эса тўғри ичак, сийдик пуфаги, тухумдонлар (аёлларда) яллигланишининг клиник кўринишиларини беради. Ретроцекал (пешоб наийи билан ёнма-ён) жойлашганда оғриқ белга, жинсий органларга ўтади.

Аппендицитда кучайиб бораётган заҳарланиш қувватсизлик, қалтираш, оғиз қуриши, тана ҳароратининг озроқ кўтарилиши ($37\text{-}38^{\circ}\text{C}$), кўнгил айниши ва баъзида қайт қилиш билан бирга кечади.

Флегманоз ва гангреноз аппендицитда оғриқ ўнг биқин соҳасида зўрайиб, беморнинг тана ҳарорати 39°C гача кўтарилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Ўткир аппендицит касаллиги билан оғриган деб шубҳа қилинган bemorni врач келгунча ўринда қимирлатмай ётқизиб, оғриқ кучли бўлган соҳага музли ҳалтacha қўйиш зарур. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда оғриқ қолдирувчи, ични сурадиган моддалар бериш, қорнига иссиқ компресс ва иситгичлар қўйиш, даволовчи ва тозаловчи клизмалар қилиш қатиъян ман этилади.

Бемор шошилинч равишда касалхонага олиб борилади.

ЎТКИР ХОЛЕЦИСТИТ

Ўткир холецистит ўт пуфагининг яллигланиши бўлиб, кўп учрайди. Тарқалиши жиҳатидан ўткир аппендицитдан кейинги ўринда туради. Холецистит билан кўпинча $40\text{-}60$ ёшдаги одамлар касалланади. Эркакларга қараганда аёллар 5-6 марта кўп касал бўладилар. Бунга сабаб ҳомиладорлик даврида холестерин моддаси алмашинувининг ўзгариши юзага келиб, ўт пуфагида тошлар пайдо бўлишига олиб келади, бу эса ўткир холецистит касаллигини келтириб чиқаради.

Белгилари. Холециститнинг ўткир шакли ўнг қовурға остидаги оғриқлар билан бошланади. Оғриқ кўпинча овқатлангандан кейин бир оз вақт ўтгач, баъзан кўп ёғли овқат истеъмол қилгандан сўнг бирданига, баъзан овқатланишга боғлиқ бўлмасдан, кечаси уйқу пайтида бошланиши мумкин. Беморлар кўпинча оғриқ бошланишидан олдин ўнг қовурға остида оғирлик, ўзини ёмон ҳис қилиш, оғзида аччиқ ва металл таъм сезиш, кўнгил айниши, қайт қилишдан шикоят қилишади. Кўнгил айниши, кўп маротаба такрорланиб, bemorga енгиллик келтирмайди. Оғриқ ўнг қовурғалар остида бўлиб, эпигастрал соҳага, ўнг куракка, елкага ва бўйиннинг ўнг қисмига берилиши, қисқа вақт ёки бир неча кунга чўзилиб, зўрайиб бориши мумкин.

Беморнинг пульси тезлашиб, бир минутда $100\text{-}120$ мартагача бўлади. Тана ҳарорати 38°C гача кўтарилиб, оғзи курийди, умумий ташналилк безовта қилади.

Биринчи тиббий ёрдам. Зудлик билан врач чақириш лозим. Врач келгунча bemor ўринда ётиши, ўнг қовурға остига музли ҳалтacha қўйиш зарур. Иситгичлар қўйиш, оғриқ қолдирувчи моддалар бериш, тозаловчи хўқналар қилиш мумкин эмас. Беморни тезда касалхонага ётказилади.

ЎТКИР ПАНКРЕАТИТ

Ўткир панкреатит ошқозон ости безининг яллигланиши бўлиб, шошилинч жарроҳлик касалликларининг кенг тарқалиши бўйича аппендицит ва холециститдан сўнг учинчи ўринда туради.

Белгилари. Касаллик тўсатдан эпигастрал соҳада ёки ошқозон ости бези

жойлашган соҳада (ўнг ва чап қовурғалар остида) вақт ўтиши билан кучайиб борадиган жуда кучли оғриқлар билан бошланиб, бу оғриқлар белга узатилади ша берорни камар билан боғлаб кўйгандек бўлади. Бемор тинимсиз қайт килади, тана ҳарорати бир неча кун давомида 36-38° С гача кўтарилади.

Касалликнинг характеристи белгиларига қориннинг дам бўлиши, ичнинг котиши, елнинг келмаслиги кабилар киради. Ошқозон ости безининг бош қисми шикастланганда одамда кўз склераси ва тери катламларининг саргайиши кузатилади. Касалликнинг оғир ҳолларида хушдан кетиш, юрак-томирлар, жигар, буйрак каби ҳаётий муҳим нъзоларининг фаолияти бузилиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Врач чақириш зарур. У келгунча bemor ўринда ётиш режимига қатъий амал қилиши, эпигастрал соҳага музли халтacha кўйиш ва очлик саклаш буюрилади. Врач рухсатисиз оғриқ қолдирувчилар, иссиқ кўллаш мумкин эмас. Бемор ётган ҳолатда транспортировка қилиниши керак.

КУЙИШ, СОВУҚ УРИШИ, ЭЛЕКТР ТОКИДАН ШИКАСТЛANIШ

КУЙИШ

Куйиш. Куйиш термик, кимёвий, электрик ёки нур таъсирида вужудга келадиган шикастланишдир.

Термик куйиш бошқа куйишларга нисбатан кўпроқ учрайди.

Тўқиманинг 52°C дан ортиқ қизиши оқсилларни коагуляцияга учратади. Термик куйиш, иссиқлик нури (куёш нури, ультрабинафша, ёнгин, алана иштижасида юзага келади.) Термик куйиш энг сўнгги тасниф бўйича IV даражага бўлинади:

I даражага-юзаки эпидермал куйиш;

II даражага-тери юқори қаватининг куйиши;

III-а даражага-терининг баъзан чала, баъзан бутунлай куйиши;
III-б даражага-терининг барча қавати куйиши ва тери ости ёғ клетчаткасига ўтиши;

IV даражага-чукур тўқималарнинг суяккача куйиши.

III-а даражага куйиш юзаки, III-б ва IV даражали куйиш чукур куйиш дейилади.

Куйиш чукурлигини билиш учун қуйидаги синовлар ўтказилади;

1) игна санчиб кўриш, игна санчганда оғриса III-а, оғримаса III-б куйиш бўлади.

2) тук синови. III-а даражада тук юлиб олинганда бадан оғрийди. III-б даражада тук енгил олиниб, бадан оғ римайди.

3) куйиш сатҳини текширишнинг Постников схемаси, тўққизлик усули ша кафт қоидаси мавжуд. Постников усулига кўра, киши танасининг ўмумий сатҳи 16000 см² дир.

А. Уолесс тақлиф этган «Тўққизлик қоидаси»га бош ва бўйин-9%, кўл-9%, обр-18%, тананинг олд қисми-18%, оралиқ қисми-1%. Кафт қоидасига кўра

эса инсон кафти тананинг 1% ини ташкил этади.

Куйишнинг клиникаси. Куйиш клиникасини аниқлашда маҳаллий ва умумий белгиларга эътибор берилади. Катта бўлмаган куйишларда асосан маҳаллий белгилар муҳим аҳамиятга эга.

Куйишнинг I даражасида куйган жой қизаради ва шишади. Сезувчан томирлар рецепторларининг куйиши ҳисобига оғриқ бўлади.

Бир неча кундан кейин бу белгилар йўқолиб, куйган жой кўнғир тус олади. Кўёш нуридан куйиш I даражали куйишга киради.

II даражали куйишда яллигланиш жараёни кучлироқ бўлади, капилярлар кенгаяди. Терида ўтказувчанлик ошибб, шиш катталашади. Терининг эпидермал қавати куяди, аммо куйиш сўргич қаватига етиб бормайди, пухакча ҳосил қиласи. Бу пухакчаларнинг ичи хужайрасиз, тиник, сероз суюқлик билан тўлган бўлади, кейинчалик у сарфиш тус олади. Пухакчадаги суюқлик олдин стерил бўлиб, сўнг ифлосланади. Оғриқ 3-4 кун давом этади. Чандиқсиз битади. II даражали куйиш асосан сувдан ёки буғдан куйишда учрайди.

III даражали куйишда қизиб турган буюмлар ёки бевосита алсанга таъсиридан фақат терининг ўзи эмас, балки унинг чукур қаватлари ҳам заарланади. III даражали куйишда терининг сўргич қавати ҳам шикастланади. Терининг баъзи бир жойлари пухакчалар билан қопланади, куйган жойда оғриқ кучли бўлади (гиперстезия). Куйган жойда агар шиш бўлса, касаллик бир оз енгил кечади, чунки томирлар кам шикастланган бўлади.

III-а даражали куйишда, агар жароҳат йирингламаса, грануляция ҳисобидан нозик чандик билан битади.

III-б даражали куйишда терининг сўргич қавати, тўр қавати куйиб, қолаверса, тери ости ёғ клетчаткаси ҳам заарланади. Тери оқ кулранг бўлиб, гипостезия ва анестезия юзага келади, яъни оғрикни ё кам сезади ёки бутунлай сезмайди. Бу даражадаги куйиш кўпол коллоид чандиклар ҳосил қиласи. Чандиклар ўртасида битмайдиган яралар ҳосил бўлиб, кўпинча бу яралар хавфли ўсма (карцинома) пайдо бўлишига олиб келади. Юзаки куйиш билан чукур куйишни игна саншиб аниқласа бўлади. Чукур куйишда оғриқ сезилмайди.

IV даражали куйишда чукур тўқималар, ҳатто суяклар ҳам куяди.

Жароҳатнинг ўзи битмайди, тўқималар қора кўмирга айланади, бу чукур некроэктомияни ёки ампутацияни талаб этади.

Куйиш касаллиги. Бемор танасининг 15% дан кўпроқ қисми куйганда куйиш касаллиги келиб чиқади. Тана 100% куйса, критик ҳолат содир бўлиб, даволаш наф бермайди. Критик ҳолат I даражали куйишда 100%, 2-3 даражали куйишда 30% ҳолларда рўй беради ва кўпроқ нафас йўллари заарланади.

Куйиш касаллиги тўрт босқичда кечади: куйиш шоки, ўткир токсемия (коннинг заҳарланиши), септикотоксемия ёки сепсис ва реконвалесценция (тикланиш). Куйиш шоки куйиш пайтидан бошланиб, 1-2 сутка давом этиши мумкин. Нерв рецепторлари кўп куйганлигидан эректил фаза кучли кечади

ва ўлимга ҳам олиб келиши мумкин, Агар бемор эректил фазада ўлмай қолса, бир неча соатдан кейин нохуш бўлиб, атрофга бефарқ ҳолда клиник тиришиш ва делерий (белая горячка) юзага келади. Шоқда бемор ўлиб қолмаса, токсемия босқичига ўтади. Бу босқич 2-3 кундан кейин кучаяди ва 1-2 ҳафта давом этади. Беморда иситма кўтарилади, беҳоллик ошади, тери рангизланиб, боши оғрийди, кўнгил айниш, қайт қилиш, иштаҳасизлик, пешобда оқсил ва қон пайдо бўлади, чунки паренхиматоз органлар шикастланган бўлади, диурез пасаяди.

Септик босқич куйишнинг 2-3-ҳафтасида ривожланади, касаллик инфекция билан кечади. Юқори ҳарорат, қалтираш, умумий ҳолсизлик, тузалаётган қора қўтири тагида йиринг тўпланади. Яра-чақалар вужудга келади, абцесс, флегмоналар пайдо бўлади. Агар касаллик яхши кечса, реконвалесценция босқичига ўтади. Беморнинг аҳволи яхшилана боради, иситма пасаяди, иштаҳа очилади, жароҳатнинг йиринглаши тугаб, грануляция (битиш) кучаяди.

Куйиша биринчи ёрдам. Заарланганни ёнгиндан олиб чиқиш, ёнаётган соҳани ўчириш. Кийимни тез ўчириш учун ёнаётган одамни қалин мато (латта) ёки чойшабга ўралади. Куюётган кийимни кесиб (йиртиб) олиш. Дастрлабки 20 дақиқа мобайнинда куйган соҳалар совук сув билан чайилади ёки ботириб турилади. Бу оғриқни камайтиради, шокнинг олдини олади. Кейин куйган жой спирт билан артилади. Оғриқ қолдирувчи дорилар, апъликация учун суюқ анестетиклар, аэрозоллар (аэрозол-новокайн, диоксидин) ва ҳоказолар қўлланилади.

ИССИҚ ВА ОФТОБ УРИШИ

Атроф-муҳитдаги ҳавонинг $40\text{--}45^{\circ}\text{C}$ ва ундан юқори ҳарорати узоқ вақт таъсир кўрсатганда, бутун организм иссиқлаб кетиши натижасида, марказий асаб тизимининг оғир шикастланишига иссиқ уриши дейилади. Тананинг юзасидан иссиқлик ажралишининг қийинлашганлиги (юқори ҳарорат ва намлик) ва иссиқлик кўп ажралиши (жисмоний иш терморегуляция бузилиши) иссиқлиги баланд цехларда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмай ишлаш иссиқлаб кетишга сабаб бўлади. Ёзинг иссиқ кунларида бош кийимсиз юрилганда, бошга бевосита қуёш нурининг тик тушиши бош мияни оғир заарлаши мумкин, буни офтоб уриши деб юритилади.

Белгилари. Иссиқ ва офтоб уришининг клиник белгилари бир-бирига ухшашиб. Бемор касаллик бошида дармонсизланади, ўзини ёмон ҳис этади. Боши айланаб, бели, оёғи оғрийди, кўнгли айниб, баъзан қайт қиласи. Кейинроқ боши айланади, кўз олди қоронғиласиб, кулоклари шангиллайди, оғир ҳолларда тезда ёрдам берилмаса, нафас олиш тез ва юзаки бўлиб, қолади. Лаб ва бурун атрофлари кўкариб, bemor xушидан кетади, мускуллари гортишиб, алаҳлайди, галлюцинация (кўзига ҳар хил нарсаларнинг кўриниши) рўй беради. Беморнинг тана ҳарорати 41°C кўтарилади, аҳволи оғирлапшиб пульси сезилмайди, нафас олиши нотекис бўлиб, bemor нафас ва юрк мускуларининг фалажидан нобуд бўлиши мумкин.

Биринчи тиббий ёрдам. Беморни тезлик билан тинч ва салқын жойғаса олиб бориб, сиқиб турған кийимлари бүшатилади ва горизонтал ҳолатда ётқизилади. Бошига ва юрак соҳасига совуқ компресс құйилади. Беморни сувга қондириш зарур, лекин уни тез ва жуда совутиб бўлмайди. Нафас олиши бузилгандা, зудлик билан сунъий нафас берилади. Бемор касалхонага олиб борилади.

СОВУҚ УРИШ

Совуқ уриш деб паст ҳароратнинг таъсир этиши натижасида тўқималар некрози ва реактив яллигланишига айтилади. Ортиқча намлиқ, микроклимининг бузилиши, тор кийим, тор пойафзал кийиш ва гиповитаминос каби факторлар совуқ уришига сабаб бўлади. Совуқ уришининг асосий сабаби тўқималарда кечадиган ишемия (қон етарли етиб келмаслиги) бўлиб, қон айланиши секинлашади. 20 фоиз ҳолларда кўл оёқ шикастланади.

Совуқ уришининг 4 даражаси фарқ қилинади:

I даражали совуқ уриш. Бунда тўқиманинг 40 дақиқадан 60 дақиқагача совуқ уриши фақатгина терига таъсир қиласи, вақтинча қон айланиши бузилади. Совуқ таъсирида тери рангизланади, қонсизланади ва қотади (нуқсонли ёки кўринмас давр). Совуқ урган соҳа иситилиши билан томирларда спазм камаяди, гиперимия фазаси бошланиб, тери қизаради. Бироз шиш пайдо бўлади. 1-2 ҳафта ичидаги айланиши нормаллашади. Совуқ уриш белгилари йўқолади. Шу вақт ичидаги иссиқ, қизарган, баъсан қўнғир кўк рангда бўлади. Оғриқ, кичишиш ҳоллари учраб туради. Бундай совуқ уриш бурун, кулок, бармоқлар ва товонда учрайди.

II даражали совуқ уриши. Совуқ уришнинг бу турида терининг мальпигий қаватигача юзаки некроз бўлади. Совуқ таъсирида томирлар спазми кучли ва узоқ давом этади. Заараланган тўқималардан плазманинг тез ва кучли ажралишидан эпидермисни кўтариб, пухфакчалар ҳосил бўлади. Тери кўк-қизил рангда бўлиб, оғрииди ва шиш пайдо бўлади.

III даражали совуқ уришида терининг чуқур қаватлари ости ёғ клетчаткаси заараланади. Тери кўк тусга киради. Вакт ўтгач деморкацион чизиқларга (кўпорилиб тушувчи эгатчаларга) эга бўлган тотал некроз пайдо бўлиб, унга инфекция тушса, кўлда гангрена бошланади.

IV даражали совуқ уришида терининг барча қаватлари ҳатто суюккача некроз чуқурлашади. 7-10 кун давомида bemor ҳарорати кўтарилиб боради. 1,5-2 ой ўтгач, ўлган тўқима ўз-ўзидан кўчиб тушади, яъни ампутацияга учрайди.

Клиникаси. Касалликнинг клиник белгилари иккى хил кечади: реактивликкача ва реактив даврлар.

Биринчи давр, яъни реактивликкача бўлган даврда шикоятлар кам, шикастланган соҳа рангизланган, сезги бузилган, шиш бўлмайди.

Иккинчи давр, яъни реактивлик даври совуқ таъсири тўхтатилгандан кейин рўёбга келади. Bemor иситилгандан кейин совуқ уриш даражаси аниқланади.

СОВУҚ УРИШИДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Биринчи ёрдамни тиббиёт ходими бўлмаган ҳолда ҳар бир киши кўрсатиши мумкин. Албатта, совуқ таъсирини олиб ташлаш (сувдан чиқариб олиш, иссиқ уйга киргизиш, танани иситиш ва ҳоказо). ПСС, ПСА юбориш, 40-60 минут давомида беморни ваннага солиб, сувнинг ҳароратини 20-40° С гача кўтариш лозим. Совуқ урган жойни совунлаб ювиб, перифериядан марказга қараб массаж қилиш керак.

Совуқ урган жойга 5% ли йод суртиб, устидан спиртли боғлам қўйиш, танани ўраш, грелка, иссиқ чой, иссиқ овқат, алкогол ва юракнинг ишини ижшилайдиган дорилар (корвалол, кордиамин ва ҳоказо) берилади. Танани иситишнинг иложи бўлмаса (агар далада бўлса), спирт ёки проқни танага суртиб массаж қилинади. Реактив даврда I даражали совуқ уришда танани спирт билан артиб, асептик боғлам қўйилади.

II даражали совуқ уришда шикастланган танага спирт суртилиб, шуфакчалар ёрилади ва эпидермис кўчириб ташланади. Кўчирилган жойга 6-10 кун давомида спиртли боғлам қўйилади. Антибиотиклар ва физиотерапевтик муолажалар ўtkазилади.

III даражали совуқ уришда ўлган тўқималар олиб ташланади. 8-14 суткаларда некротомия ёки некроэктомия ўтказилади. Стерил чойшаб остида, лампа иссигида даволанади. Бундан мақсад ярага инфекция туширмасликдир. Агар жараён сүякка ўтган бўлса, ампутация, қон қўйиш, пластик операция қилинади.

IV даражали совуқ уришда худди III даражадаги каби даволаш усусларига ампутация ва кучли оғриқ қолдирувчи (промедол, омнопон, морфин) дорилари қўшилади. Шу билан бирга, умумий даволаш усуслари, инфекцияга қарши кураш (антибиотиклар), юрак қон-томир тизими ишини, паренхиматоз органларнинг ишини яхшилаш (40%ли глюкоза), интоксикацияга қарши кураш ва ҳоказолар қўлланилади.

ЭЛЕКТР ТОКИДАН ШИКАСТЛANIШ

Электр симларининг иккала кутбини ушлаганда ёки у тегиб кетганда электрдан шикастланиш содир бўлади. У бошқа куйишлардан фарқ қиласди. Электр токининг турлари доимий ўзгарувчан ва уч фазали бўлиб ҳар қайсиси ҳам эҳтиёtsизлик бўлганда хавфлидир.

Электр токи термик, кимёвий ва механик шикаст етказиши мумкин. Электр токининг таъсирида электролиз буғ ёки газ ҳосил бўлиши рўёбга келиб, суяқдаги фосфор тузлари эрийди. Юқори кучланишдаги электр токи шок келтириб чиқаради. Юрак қон-томир тизимини фибрiliaцияга уратиб мускул толаларининг тез қисқариши рўй беради.

Нафас ва нерв тизимининг фалажланиши ҳамда паренхиматоз органларининг куйишига олиб келади. Электрдан шикастланишда куйишдаги киби оғриқ бўлмайди, фақат оғриқ токнинг кириш ва чиқиш жойларида учрайди.

Умумий белгилари: Кўркув, дармонсизлик, ҳушдан кетиш, кўнгил айниши, оғирроқ ҳолларда шок, чала ўлим ҳоллари учрайди.

Давоси. Шикастланиш рўй берган жойдан ўтказилади. Дастрлаб

электр токининг таъсирини бартараф этиш, кейин реанимация тадбирий чоралари қўлланилади.

Чақмоқ уриши: Бўнда электрдан шикастланиш каби клиник белгилар юзага келади ва оғирроқ бўлади. Баъзан қўл-оёқ қора кўмирга айланиб қолиши, шунингдек танадан ажralиб кетиши мумкин. Хирургик ва травматологик бўлимларда даволанади.

БОШ ШИКАСТЛАНИШИ

Бу турдаги шикастланиш травматология фанида алоҳида ўрин тутади ва ўзига хос клиник кўринишга эгадир.

Миянинг ёпиқ шикастланиши. Бош шикастланишлари ичida кўпроқ учрайди. Унинг асосий сабаблари кўча ва транспорт ҳалокатларидир.

Миянинг заарланиши асосан уч турга бўлинади: лат ейиш, шикастланиш, қисилиш.

1986 йилги таснифига кўра, бу турдаги жароҳатлар қўйидагиларга бўлинади:

1. Мия лат ейиши.
2. Мия шикастланиши (енгил шакли).
3. Мия шикастланиши (ўртача шакли).
4. Мия шикастланиши (оғир шакли).
5. Мия шикастланиши билан унинг оғир эзилиши (қисилиши).
6. Миянинг шикастланмасдан қисилиши.

МИЯНИНГ ЧАЙҚАЛИШИ

Бу турдаги шикастланиш ёпиқ турдаги шикастланишлар ичida кўп учрайди. Бу ҳолатда мия тўқимаси кам заарланади, мия анемияси, нуктасимон қонталашлар, мия шиши, миядаги лимфа ва қон томирларда қон ҳамда лимфа айланишининг бузилиши, органлар функциясининг бузилиши билан кечади.

Клиникаси. Бемор ҳушдан кетади, ўзига келгач, воқеани эслай олмайди (ретроград амнезия). Заарланишининг оғир ёки енгиллигига қараб, бехушлик бир неча минут, соат, ҳатто суткалаб давом этади.

Бемор ҳеч нарсага аҳамият бермайди, атрофга бефарқ қарайди, ранги оқариб, боши айланади, оғрийди, кўнгли айнийди, қулоғи шангиллайди, нафас олиши юзаки бўлиб, томир уриши секинлашади, қайт қиласи, ич кетиши, пешоб қўйиб юбориш ҳоллари учрайди.

Клиник белгисига кўра. Мия чайқалишининг енгил, ўртача ва оғир даражалари тафовут қилинади.

Давоси. Мия чайқалишининг ҳар қандай турида ҳам bemor касалхонага ётқизилиши керак. Бемор 2-3 ҳафта кўрпа-тўшак режимида тинч ётади, касалликнинг белгилари йўқолгач, туришга рухсат этилади. Боз ичидаги босим ва мия шишини камайтириш учун 40% ли глюкоза, 10% натрий хлорид, 40% уротропин, 25% магний сульфат эритмалари, микроциркуляцияни яхшилаш учун реополиглюкин, лазикс, фуросемид

каби суюқликлар венага юборилади. Агар бемор яхши бұлавермаса, орқа мия суюқлигидан пункция қилиниб, миядаги босим пасайтирилади.

МИЯНИНГ УРИЛИШИ

Бу турдаги зааррланиш оғир шикастланиш ҳисобланади, бунда мия пардаси зааррланади ва травматик шиш юзага келади, мияда некротик ўчоқлар пайдо бўлади.

Клиникаси. Бемор узоқ вақт бехуш ётади. Асосий белгилари мия чайқалишига ўхшайди-ю, бироқ оғирроқ кечади. Беморнинг ҳарорати ошади, неврологик симптомлар (маълум органларнинг ишлашида чегараланиши) вужудга келади. Сезищ, гапириш белгилари бузилади. Ҳаракатдаги ўзгаришлар, координациянинг бузилиши, орқа мия суюқлигига қон борлиги кузатилади.

Давоси. Мия чайқалишидаги каби, лекин кўрпа-тўшақда энг камидা бир ой ётилади.

МИЯНИНГ ҚИСИЛИШИ

У калла суяги ичидаги йиғилган қон ёки синган калла суяги парчасининг мия моддасини эзиб қўйиши, шунингдек, калла суяги ичидаги хавфли ўсмалар натижасида келиб чиқиши мумкин;

Клиникаси. Травмадан сўнг енгил вазият белгиси бўлиб, бир неча соатдан бир неча кунгача давом этиши (ўсмалар сабаб бўлмаса) мумкин. Бемор ҳушидан кетмайди, ҳушидан кетса ҳам, тезда ўзига қолади. Травмадан сўнг ишга бориши, юриши мумкин. Бош оғрифи қисқа вақт бўлиб, тезда ўтиб кетади. Беморнинг бошида оғриқ бир кил бўлиб, баъзида қаттиқ оғрийди, мувозанат бузилади, кўнгли ўйниб, кусади. Нафас олиш юзаки, пульс сийрак, аммо тўлиқ уради.

Мия қисилган томонда қорачиқ катталашади, қарама-карши томонда эса рифлекслар йўқолиб, фалажланиш пайдо бўлади. Беморнинг кўз олди қронигилашиб, ҳушидан кетади. Оғир ҳолларда терминал ҳолат, ўлим юз беради.

Давоси. Факат жарроҳлик усули. Калла суяги трепонация (синиқ сункларни олиб ташлаш) қилинади. Қон оқаётган томир боғланади, ўсма спабллари бўлса, олиб ташланади.

ОРҚА МИЯНИНГ ЁПИҚ ШИКАСТЛANIШI

Транспорт жароҳатларига учраб, умуртқа поғонасининг синиши билан кечади. Сезишининг камайиши, парезлар ва ҳаракатдаги бузилишлар билан ҳарактерланади. Пешоб ажралиши бузилади, ичаклар атонияси (мускул тонусининг йўқолиши) вужудга келади. Белгилари аста-секин камайиб, бир неча ҳафтадан сўнг йўқолади.

ОРҚА МИЯНИНГ УРИЛИШИ

Орқа мия тўқимасига қон қўйилиши сабабли некроз юзага келади. **Клиникаси.** «Спинал шок» (орқа мия шоки) юзага келади. Сезувчанлик

қисман ёки бутунлай йўқолади. Иккала томонда ҳаракат фалажланиши кузатилади (тетраплегия). Рефлекслар йўқолади. Пешоб, ич келиши ёмонлашади, тўқима трофиқаси бузилади, натижада яра-чақалар пайдо бўлади. Клиник белгилари 1-1,5 ой давом этади.

Давоси. Консерватив даволанади (жарроҳлик муолажаларисиз). Узоқ осойишталик ва режим яхши ёрдам беради. Ўрин-кўрпа ҳолати. Умуртқа поғонаси синиб, ичида нерв толалари қисилса ёки умуртқа поғонасининг дисклари силжиса, жарроҳлик операцияси (ламиноэктомия), яъни бир нечта умуртқа ораси жарроҳлик усули билан очилади. Агар орқа мия кўндалангига узилса, ҳеч нарса ёрдам бермайди, бемор инфекциядан ўлади.

КЎҚРАК ҚАФАСИ ТИЗИМИНИНГ ЁПИҚ ШИКАСТЛАНИШИ

Кўқрак қафаси тизимида ўпка, юрак, йирик қон томир (аорта), бронхлар ва плевра бўшлиғи мавжуд бўлиб, кўқрак қафасининг чайқалиши кам учрайди. Кўқрак қафасининг чайқалишига портлаш ва ҳаво тўлқинлари сабаб бўлади. Касалликнинг енгил кечишида бу органнинг эластиклиги катта аҳамиятга эга.

Клиникаси. Травматик шокка яқин бўлганлиги учун, ташхис қўйиш қийин бўлади. Кўқрак қафаси органларининг чайқалишида (шикастлангандан сўнг) беморнинг юрак фаолияти сусаяди. ҳансиаш, кўкариш, совуқ тер босиш, баъзан хушдан кетиш кузатилади. Бирламчи юрак тўхташи юз берса, ўринда ётиш, осойишталик тавсия этилади, шокка қарши чора-тадбирлар, оксигенотерапия (кислород бериш) кўлланилади.

Кўқрак қафасининг урилиши ёки қисилиши, қовургалар синиши, ўша жойдаги қон томирларининг ҳамда плевра ва ўпка бутунлигининг бузилиши билан кечади. Юрак камроқ шикастланади. Бу пневмотораксга, гемотораксга ва эмфиземага олиб келиши мумкин.

Пневмоторакс деб ўпка йиртилганда ҳавонинг плевра бўшлиғига тўпланишига айтилади. Плевра бўшлиғида тўпланган ҳаво ўпкани ва кўкс оралигини (медиастенияни) соғ томонга силжитади. Пневмоторакс кўпинча бир томонлама бўлиб, қовурға синиги ўпка ёки плаеврани тешишдан юзага келади. Баъзан ўпка касалликларида ҳам (киста, ўпка сили) ўпка ёрилиши мумкин. Пневмоторакснинг очик, ёпиқ ва клапанли турлари мавжуд.

Плевра бўшлиғида йигилган ҳаво кўқрак деворининг жароҳати ёки йирик бронх орқали атмосфера ҳавоси билан туташган бўлса, очиқ пневмоторакс дейилади. Плевра бўшлиғида тўпланган ҳаво атмосфера ҳавоси билан туташмаса, (стерил) ёпиқ пневмоторакс дейилади.

Ўпканинг парчаланиб урилиши клапанли пневмоторакс дейилади. Клапанли пневмоторакс ҳаво нафас олаётганда плеврага киради-ю, қайтиб чиқишга улгурмайди, чунки жароҳатдаги бир парча тўқима (лоскут) клапан вазифасини ўтаб, унга йўл қўймайди.

Клиникаси. Клапанли пневматоракс юрак фәолияти бузилишига, нафас бүфилишига олиб келади. Томир уриши тезлашади, ҳансираш, қўкариш (цианоз) ва шок аломатлари пайдо бўлади. қовурға оралиги текисланиб, кўкрак қафаси катталашади.

Давоси. Ёпик пневматораксда кўкрак қафаси пункция қилинади ва ҳавоси тортиб олинади. Дренаж қўйилиши мумкин. Оғир ҳолларда торактомия (кўкрак қафаси очилиб, жароҳат тикилади) операция ўтказилади.

Гемоторакс ўпка тўқимаси жароҳатланганда қовурғалараро артерия шикастланади. Ичкарига қон кетиб, плевра бўшлиғи қон билан тўлади.

Давоси. Пункция, дренаж, қон сугқада 1 литр кетса, торактомия қилинади.

КОРИН БЎШЛИГИ ОРГАНЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШЛАРИ

Қорин бўшлигининг ёпик шикастланиши кўпинча транспорт ҳалокатида ба баланд жойдан йиқилиб тушганда рўй беради. Ички органларнинг ёпик шикастланиши таъсир қилувчи агент туридан ташқари қорин деворининг өластиклиги, мускуллар тонуси ва ковак органларнинг тўлиб туришига ҳам боғлиқ. Агар қорин тўқ бўлса, шикастланиш вақтида ёрилиши осон бўлади, ичаклар бўш бўлса, кам ёрилади.

Клиникаси. Корин бўшлигига икки хил орган бўлиб, улар ковак ва паренхиматоз органлар (меъда, ичак, ўт ва ўт қопи) ёрилганда улар ичидаги моддалар (овқат, меъда шираси, ўт суюқлиги, пешоб ва ҳоказо) қорин бўшлигига чиқиб (перитонит), яллиғланишга олиб келади. Шикастланиш вақтида бемор кучли оғриқ сезади, қорин деворига кўл текизилса, қаттиқ оғриқ сезилади. Нафас олишда қорин бўшлиғи қатнашмайди. Қоринни босиб қўйиб юборилса, кучли оғриқ-Щёткин-Блюмберг симптоми кузатилади.

Паренхиматоз органларининг шикастланиши (жигар, талоқ, буйраклар) қорин бўшлигига қон кетиши билан хавфлидир. Дастрлаб кучли оғриқ бўлади, ички қон кетиш натижасида ўткир камқонлик ривожланади, Беморнинг юзи оқариб, пульси тезлашади, боши пайланаб, қусади, артериал босим тобора пасайиб боради. Бунда ҳам перитонит юзага келади.

Давоси. Зудлик билан операция килиш.

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН ШИКАСТЛАНИШЛАР

Атом бомбаси портлаши, катта ишлаб чиқариш корхоналарининг шарланиши, темир йўл авариялари натижасида бир вақтнинг ўзида битта одамнинг организми икки, учта ва ундан ортиқ шикастланса, бунга комбинациялашган шикастланиш дейилади. Улар ичida қўйидагилар энг муҳим хисобланади:

- 1) механик ва термик шикастнинг бирга учраши (яраланиш ёки суяқ синишининг куйиш билан бирга учраши);
- 2) механик шикастланишнинг (яраланиш, суяқ синиши) нурланиш билан

бирга учраши;

3) термик жароҳатларининг (куйиш) нурланиш билан бирга учраши;

4) механик ва термик жароҳатлар, нурланиш билан бирга учраши (сүякларнинг синиши, куйиш ва нурланиш касаллиги).

Механик ёки термик жароҳатларнинг нурланишдан фарқли равиши шикастланиш деган алоҳида ном олган.

Барча комбинациялашган шикастланиш, нурланишдан фарқли равишида, зааррланиши 2 турга бўлиш зарур:

1) тор маънодаги ёки кенг маънодаги комбинациялашган нурланишдан зааррланиш.

Буларга ҳар қандай ионлаштирувчи радиация манбаидан келиб чиқсан механик ёки термик жароҳатнинг нурланиш касаллиги билан биргина учраши киради, лекин яраланган соҳа радиоактив моддалар билан инфосланмайди;

2) «Радиоактив шикастлар», бунда ҳар қандай жароҳат соҳаси (яра, очиқ синиши, куйиш ва ҳоказолар) радиоактив моддалар билан инфосланган бўлади.

Комбинацияланган нурланишдан шикастланишда кўпинча қўйидаги характеристри ва муҳим хусусиятлар қайд қилинади:

1. Бир-бирини оғирлаштирадиган белгиларнинг мавжудлиги, яъни нурланишдан зааррланиш механик ва термик шикастларнинг кечишини ва оқибатларини ёмонлаштиради. Комбинациялашган нурланишдан шикастланишда, биргина нурланиш касаллиги ёки факат механик ва термик шикастланишга нисбатан ўлим кўп содир бўлади.

2. Шок ҳолатининг кўп бўлиши. Марказий нерв тизимига ўтувчи радиациянинг ёмон таъсири, юрак-томир тизими функциясининг бузилиши, қонда қон босимини пасайтирадиган нурланган, заҳарли, қаттиқ психоневрологик шикаст етиши натижасида шок пайдо бўлиши мумкин.

3. Инфекциянинг кўп ривожланиши. Ионлаштирувчи радиация таъсирида организмнинг умумий ва маҳаллий қаршилик кўрсатиши қобилияти у ёки бу даражада пасайиб кетади ва натижада ярада йирингли-некротик ҳолатлар, абцеслар, флегмоналар, йирингли тўпланиши, сарамас, пневмония, сепсис ва анаэроб инфекциялар касаллар пайдо бўлади.

4. Кўпинча қон қўйилиши ва қон оқишининг мавжудлиги қон оқишини натижасида пайдо бўлиб, нурланиш касаллигининг характеристри белгиларидан ҳисобланади.

5. Барча тўқима ва хужайралар регенератив хусусиятининг камайиши. Оқибатда нурланиш касаллигига яра ва куйган жойнинг битиши ёки синган сүякларнинг битиши жуда секин боради ва ҳар хил асоратлар билан ўтади.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши. Жароҳатланган соҳага септический боғлам қўйиш, қон тўхтатадиган жгутдан фойдаланиш, синган соҳани иммобилизация қилиш, шокка қаршি чоралар кўриш кўзда тутилади.

Комбинациялашган шикастланиш содир бўлганда, биринчи навбатдан яраланган соҳадаги қон оқиши тўхтатилади. Бунинг учун, агар бемор

нурланган бўлса, бундай беморларга қон тўхтатидиган жгут кўп қўйилмайди. Яра радиоактив моддалар билан заарланганда, уларнинг организмга сўрилишини секинлаштириш мақсадида, гипертоник ортмали (10% NaCl) боғлам кўйиш керак.

Қон оқишини вақтинча тўхтатиш усулларига қўйидагилар киради:

1. Тананинг қон оқаётган қисмини гавдага нисбатан юқори кўтариб қўйиш.
2. Шикастланган жойни босиб турадиган боғламда босиб туриб қон оқишини тўхтатиш усули.

3. Артериянинг юқорироғидан бармоқ билан босиб туриб, қон оқишини тўхтатиш.

4. Кўл, оёқдан қон оқаётган бўлса, бўғимни иложи борича букиб туриб, қон оқишини тўхтатиш керак.

5. Шикастланган қисмга жгутлар боғлаб қон оқишини тўхтатиш.

Мураккаб комбинацияланган шикастланишда кўйиш, нурланиш, механик шикастланиш, яъни кўл оёқлар синиши кўп кузатилади.

Кўл-оёқлар шикастланганда ўша соҳани иммобилизация қилиш керак. Бунинг учун вақтинча иммобилизацияни транспорт шиналари қўйиб бажариш керак. Шикастланган соҳа стандарт шиналар ёрдамида вақтинча қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйилади, агар бундай шина бўлмаса, фанер, тахтача, ёғоч ва бошқалардан тахтакач қилинади. Шина шикастланган соҳага кийим устидан қўйилади.

Юмшоқ тўқималарни эзмаслик учун, унинг атрофига ва бўғим соҳаларига пахта ва бинт ўралади. Шина оёқ-қўлларга бинт ва камар ёрдамида маҳкамланади. Иммобилизация қилишда синган сувкнинг устидаги ва остидаги камида иккита бўғимни кўшиб боғлаш керак.

Шокка қарши кураш чоралари. Бу тадбир ҳодиса рўй берган жойда, төз ёрдам машинасида ва касалхоналарда амалга оширилади.

Бунинг учун bemor шикастловчи омилнинг таъсиридан халос қилинади, ташқи қон оқиши вақтинча тўхтатилади, кучли оғриқ кузатилганда оғриқ қолдирадиган дорилар юборилади, bemor иситилади, қўшимча воситалар ёрдамида ёки шиналар билан иммобилизация қилинади. Агар нафас олиши тўхтаган бўлса, сунъий нафас бериш оғиздан оғизга, оғиздан бурунга, юракни ёпиқ массаж қилиш усулларидан фойдалинилади.

КОРИН БЎШЛИГИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎТКИР КАСАЛЛИКЛАРИ. ШОК

Шок. Ҳаётий тизимлар функциясининг тўсатдан прогрессив пасайиб кетишига шок дейилади. Шокнинг келиб чиқишига микроциркуляция билан тўқималарнинг кислородга тўйинишининг номутаносиблиги сабаб бўлади.

Шок турлари:

1. Травматик шок:
 - а) механик таъсири натижасида (жароҳат, шикастланишлар, операция ва ҳоказолар);
 - б) куйиш шоки (термик, кимёвий куйишда);
 - в) электр шоки;
 - г) совуқдан бўладиган шок;
2. Геморрагик ёки гиповолемик (қон кетиш, сувсизланишдан);
3. Кордиоген шок.
4. Токсик инфекцион шок.
5. Анафилатик шок (дорилар моддалар мос келмаса ёки реакция берса).

Травматик шок. Травматик шок дейилгандага кучли шикастланиши натижасида рўёбга келувчи тананинг умумий реакцияси тушунилади, унда организмнинг ҳаётий аъзолари фаолияти қисқа вақт ичидаги бузилади.

Шок икки хил, эректил фаза ва торпид фазада кечади. Эректил фаза, шок реакциясининг бошланишида пайдо бўлади, қисқа вақт давом этади, беморнинг нутқи ва ҳаракат кўзгалиши кучли намоён бўлади (бакиради, сўқинади, ташланади). Бемор хушини йўқотмаган бўлса-да, атроф-мухитни англай олмайди. Тери оқарган, совуқ терга ботган, кўз қорачиги ўртacha катталашган бўлади. Қон босими нормада ёки ошгани бўлади. Бемор эректил фазага тушгач, ундан қайтмайди ёки торпид фазага ўтади ёки шу фазанинг ўзида ҳалок бўлади. Эректил фаза бир неча дақиқа (ярим соат атрофида) давом этади.

Торпид фазада уч давр ва сўнгги давр фарқланади. Бу фазада умумий реакциянинг кескин пасайиши, локайдлик, сустлик содир бўлади, артериал ва веноз босим пасаяди, пульс ва нафас олиш тезлашади ҳамда юзаки бўлади, моддалар алмашинуви кескин бузилади.

Торпид фаза клиник белгиларига кўра тўрт босқичга бўлинади:

1 босқич (енгил)-умумий ахвол нисбатан ёмон эмас, томир уриши 90-100 марта, енгил мушак титраши кузатилади.

2 босқич (ўртача оғирлиқда)-тери ва кўриниб турган шиллиқ қаватлар ўта оқарган, нафас олиш юзаки: минутига 30-32, пульс 110-120 марта.

3 босқич (оғир шакли) -тери сатҳи оқариб кўкарганда bemor қора терга тушади. Нафас 30-40 марта. Артериал босим 70-50 мм.с.у. тана ҳарорати пасайган. Реанимацион тадбирлар талаб қилинади.

4-босқич (агонал олди ва агонал ҳолат) нафас олиш жуда сийрак, томир уриши ва қон босимини аниқлаб бўлмайди. Бу босқичларнинг даволари асосан, шокнинг турига қараб белгиланади. Бунда,

қүйидагилар күпроқ құлланилади: оғриқсизлантириш, нафас ва юрак томирлар етишмовчилігінә қарши кураш, модда алмашинуви пузилишінің яхшилаш, кислота-ишқор мувозанатини ўз ҳолига қайтариш, 1-5% 300-500 мл натрий гидрокарбонат, сув электролит баланси учун полиглюкин-новокайн, глюкоза-новокайн, натрий хлор, кальций хлор, қон қүйиш, витаминлар, гормонлар ва ҳоказо.

ҮТКИР АППЕНДЕЦИТ

Үткір аппендецит ингичка ичак билан йүгон ичак бирлашишига яқын жағда «күр ичак» деб юритиладиганчувалчангсимон үсимтә ичак мавжуд болып у илеоцекал соxa дейилади. Чувалчангсимон үсимтә, узунлиги 6-12 см, диаметри 6-8 мм бүлган үсимтадир. Ушбу касаллик билан бир ийлда ҳар 200-250 кишидан биттаси касалланади. Аёлларда 2-3 баравар күп учрайди. Ўзбекистонда бир йилда ўртача юз минг киши касалланади. Операциядан кейинги ўлим 0,3-0,2 фоизни ташкил этади. Келиб чиқиш болаблар асосан уч хилдир:

- 1)сенсибилизация (аллергик компонент, овқатланиш аллергияси, тижжалар инвазияси);
- 2)рефлектор йүл (ошқозон ва ичак оғриғи, ўт халтачаси яллигланиши);
- 3)түғридан-түғри таъсир этиш (раздражение)-чувалчангсимон үсимтага ёт жисмлар тушиши (тироқ, тош, қуритилған қалампир уруғи, помидор уруғи, ахлат тоши (фекол), соч толаси ва ҳоказо).

Таснифи:

- 1)аппендикуляр санчиқ;
- 2)оддий аппендецит (катарал);
- 3)деструктив аппендецит (аппендикуляр инфильтрат, аппендикуляр абсусес, перитонит, сепсис ва ҳоказо).

Клиникаси. Үткір аппендециттің клиник белгилари жуда ҳам хилма-хил болып, улар аппендецит күпроқ касаллікнің қайси турига мансуб бўлса, үшанга қараб юзага келади. Касаллікнің барча турларида асосан умумий клиник белгилари бўлиб, улар аппендецитни бошқа касалліклардан ажратиб ташхис қўйишга қўл келади: оғриқ ўнг биқиндан санчиб-санчиб, худди ичакни тортаётганга ўшаб оғрийди, бемор ҳаракат қилса, оғриқ кучаяди. Оғриқ дистлаб киндик атрофидан, қориннің юқори (эпигастрал) қисмидан бошланади ва аста-секин ўнг биқинга ўтади (Кохер-Волкович белгиси). Яна бир характерли томони шундаки, оғриқ тўсатдан бошланади, баъзан оғриқ тутиб-тутиб давом этса, баъзан бир хил оғриқ сезилади. Кўнгил айниши оғриқ пайдо бўлгандан кейин юзага келади, бемор бир неча бор қайт қилмоқчи бўлади-ю, қайт қилолмайди. Баъзида bemор бир марта қайт қилиши мумкин. Айрим bemорларнің ичи келмай қўяди. Бу белги касаллікнің пошланишида учрайди. Кейин эса ичи кетади. Бу ҳол агар чувалчангсимон үсимтә чаноқ соҳасида жойлашган бўлса, кўпроқ содир бўлади.

Умумий белгилари. Ҳолсизлик, чарчаш, иштахасизлик, тана ҳорорати 17,2-37,6 С, баъзида қалтираш (озноб), тил оқ кураш билан қопланади, ондинига оғиз намланган бўлиб, кейин курийди. Қорин деворига қаралганда

ўнг томон нафас олишда иштирок этолмаётгани аниқланилади. Баъзан қоринда асимметрия кузатилади. Қоринни пайпаслаганды (пальпации Щёткин-Блюмберг симптоми бўйича) кўлни қоринга ботириб, бирдан кўлни тортиб олганда сезилади. Ровзинг-чап биқинга туртилганда газнинг кўчиши ҳисобига ўнг бикун санчиши, Раздольский-ўнг биқинга уриб кўрилганда (перкуссияда) оғриқ каби қатор симптомлар мусбат бўлади.

Ўткир аппендецитда биринчи ёрдам. Оғриқ қолдирувчи дорилар бериш қатъян ман этилади. Ўнг биқинга музли халтача қўйилади.

Давоси. Тезкор операция.

ЎТКИР ПЕРИТОНИТ

Перитонит қорин пардасининг яллиғланиш касаллиги бўлиб, ўткир ва сурункали кечади. Бу касаллик асосан қорин бўшлиғи касалликларининг асорати ҳисобланади. Бирламчи перитонит 1% гачи учрайди. Перитонит турли хил микробларнинг (энтеробактерия, стафилококк, стрептококк, пневмококк қорин пардасига тушишидан келиб чиқади. Инфекция қорин бўшлиғига жароҳатланиш, қорин бўшлиғи аъзоларининг йириングлаши ёки тешилиши натижасида, шунингдек, операция пайтида тушади. Кўпгина ҳолларда перитонит кўричак оғриги (ўткир аппендецит), ўт пуфаги, йўғон ва ингичка ичакнинг йириングли яллиғланишидан пайдо бўлади. Инфекция қорин бўшлиғига ён атрофдаги йириングли ўчоқлардан лимфоген йўл билан, шунингдек, ангинада, зотилжам ва бошқа юкумли касалликлардан қон орқали тушиши мумкин. Микроб ёки ўт суюқлиги, меъда шираси, пешоб, ахлат ва ҳоказолар қорин бўшлиғига тушиши натижасида кучли оғриқ юзага келади, микроб ривожланиб, тезда йириングли жараён пайдо бўлади. Йиринг қорин бўшлиғининг барча соҳасига ва чаноқ соҳасига ҳам кириб боради. Ичаклар фалажланиши (парез), паралитик илеус (ичак тутилиши) ривожланади. Кучли оғриқ содир бўлиб, қорин девори «тахтасимон» бўлиб қолади.

Таснифи.

1) этиологик омилга кўра-стафилококкли; стрептококкли: специфик ва носпецифик;

2) пайдо бўлиш механизмига кўра-травматик, гематоген, операцион;

3) эксудат характеристига кўра зардобли, зардобли-фибриноз, йирингли- chirityuvchi;

4) клиник манзарасига кўра-ўткир ва сурункали;

5)тарқалишига кўра-маҳаллий ёки локал, чекланган ва чекланмаган.

Перитонит кўпинча иккиласмчи хусусиятга эга бўлгани учун, клиник манзараси қорин бўшлиғи аъзоларининг бирламчи касалликлари аломатларига қараб аста-секин юзага келади.

Йирингли перитонитнинг асосий белгилари:

Қоринда оғриқ, кўнгил айнийди, бемор қайт қиласди. Меъда ёки 12 бармоқли ичак тешилганда бемор ханжарсимон оғриқ сезади. Бир неча соатда қорин девори таранглашади. Агар 6 соат ичиди ёрдам кўрсатилмаса, жараён диффуз ҳолга ўтади, ҳиқичноқ тутади, бемор қайт

қилади, юз териси жиддийлашади, қорин шишиб кетади, безовталаниш, өкімсиз хидли ичак моддасини қайт қилиш содир бўлади.

Давоси: Операция.

ПАНКРЕАТИТ

Меъда ости бези (pancreas) қорин бўшлигининг орқа томонида 1-2 бол умуртқалари қаршисида, меъданинг орқасида кўндаланг ҳолатда бтади. Безнинг узунилиги 16-22 см, кенглиги 3-8 см, қалинилиги 2-3 см, оғирлиги 70-90 гр. Бу без аралаш без бўлиб, унинг Лангерганс оролчалари бетта хужайраларида инсулин, альфа хужайраларида овқатни ҳазм қилиш учун зарур бўлган трипсин ва химотрипсин ферментларини ишлаб чиқариб, у ўз маҳсулотини 12 бармоқли ичакка қуяди.

Ўткир панкреатит ошқозон ости безининг ўткир яллигланиши касаллиги бўлиб, у 30-60 ёшли инсонларда учрайди, аёллар эркакларга нисбатан 3-3,5 баравар кўп касалланади.

Касалликнинг куйидаги турлари мавжуд:

- 1) ошқозон ости безининг ўткир шишиши (ўткир панкреатит);
- 2) геморрагик некроз;
- 3) йирингли панкреатит.

Ўткир панкреатит жуда кам ҳолларда ўзи ёлғиз касаллик бўлиб ҳисобланади. У доим организмдаги бирор касалликнинг асорати сифатида иккиласми касаллик бўлиб юзага келади. Шунинг учун келиб чиқиш сабаблари жуда кўп. Кўшни органларнинг инфекцион касалланишидан (қорин тифи, паратиф А ва В), паротит, гепатит, колит касаллигидан кейин, шунингдек, травматик панкреатит (безнинг очиқ ва бирик шикастланишидан) кейин келиб чиқади.

Клиникаси. Асосий белгиси оғриқ бўлиб, доимий характерга эга бўлади, оғриқ унчалик кучли бўлмайди, эпигастрал соҳа бир оз оғриб туради, енгил ич кетиши ҳам ҳамроқ бўлади.

Оғриқ доимий кучсиз, интенсив бўлиш билан бирга, бураб-бураб оғриш характерига ҳам эга бўлади. Интенсив оғриқ шу даражада характерлики, штото бемор хушидан кетиб қолади. Оғриқ ё ўнг бикин, ё чап бикинда бўлиб, олкага, кўкракка беради. Кўнгил айниши ва қусиши рефлектор характерга эга. Кўпинча қусиши қайта-қайта бўлиб, бемор тўхтамай қусади ва у беморга онгиллик беради. Бемор ярим букилган ҳолда ётишга мажбур бўлади, тана қирорати кўпинча нормал бўлади. Тана териси бир оз ё кўкарган, ё сарғайган бўладики, бу интоксикация аломатидир. Тил куруқ, оқ караш билан қопланади, қорин бир оз шишган (дам) бўлади. Пальпацияда оғримайди, перистальтика кучсиз. Оғир ҳолларда ҳаво етишмайди ва цианоз кузатилади.

Давоси: Консерватив ва хирургик услуг.

ХОЛЕЦИСТИТ

Ўт пуфаги жигарда ишланиб чиқкан ўтнинг ортиқча микдори қопланадиган жой бўлиб, сиғими 40-60 см³, лекин ўзи ўт ишлаб чиқармайди. Одамнинг жигари бир суткада 700-1200 граммгача ўт ишлаб

чиқаради. Жигар бўлакчаларида ишланган ўт суюқлиги айни шу жойда тўпланиб, кейин 12 бармоқли ичакка қўйилади.

Жигар организмнинг «марказий биохимик лабораторияси» вазифасини ўтайди. Жигар ишлаб чиқарган ўт аччиқ таъмли, ишқорий муҳитли, кўк рангли суюқлик бўлиб, организмда асосан ёғларни эритади. Жигар хужайраларида модда алмашинуви натижасида юзага келган заҳарли моддаларни зарарсизлантиради.

Ўт пуфагининг яллигланиши холецистит дейилади. Холецистит ўткир ва сурункали кечади. Ўткир холецистит ўз навбатида катарал, флегмоноз ва гангреноз турларига бўлинади. Ўт пуфагининг яллигланишига сабаб микробларнинг қон ёки лимфа орқали келиши, шунингдек, ичаклардан ўт йўли орқали келиши ҳамdir. Ўт ажралишининг динамикаси бузилишига оғизда тишларнинг етарли бўлмасдан, овқат кам чайналиши, шошиб овқатланиш, спиртли ичимлик, тамаки ва ҳоказолар сабаб бўлади.

Катарал холециститнинг клиникаси. Доимий интенсив оғриқ, қовурға тагида ўнг томонда ҳамда эпигастрал соҳада бўлиб, оғриқ белга ва кўкракка берилади. Бошланишида оғриқ ҳуруж билан кечади. Кусиши содир бўлиб, кусгандан кейин бемор енгиллик ололмайди. Тили намли, лекин оппоқ бўлмаган сарғимтил тусдаги караш билан қопланади, юмшоқ танглай сарғиш рангда бўлади. Чуқур нафас олганда жигар соҳасида оғриқ сезади. Ҳуруж бир неча кеча-кундуз давом этиши мумкин.

Флегмонозли холецистит клиникаси. Катарал холециститга қараганда анча оғир кечади. Оғриқнинг характеристи ҳам, давомлилиги ҳам жиддий бўлади. Оғриқ йўталганда, ҳатто нафас олганда ҳам, у ёки бу ёкқа ағдарилиб ётганда ҳам кучаяди. Кўнгил айниши тез-тез бўлиб туради. Кусиши ҳам кўп бўлади. Корин шишган (ичаклар парези ҳисобига), ўт халтачаси анча катталашган, пальпацияда оғрикли бўлади. Тана ҳарорати кўтарилиди (38° С атрофида).

Гангреноз холецистит клиникаси. Умумий ахволи оғирлашган, перитонит белгилари учраб туради ва юқорида қайд қилинган симптомлар яққол сезилади ва организмнинг интоксикацияси ҳам кўшилади.

У кекса, ёши ўтган кишиларда учрайди. Гангреноз бўлгани учун ўт халтачаси ёрилиб, ўткир перитонитта олиб келади.

Беморнинг нафаси юзаки, тахикардия, ступор ҳолат, тили қурук, қорни шишган бўлади.

Давоси. Енгил ҳолларда консерватив (диета, ўт пуфагига музли халтача қўйиш, тери остига 1мл-0,1%, атропин юбориш, очлик, минерал сувларни ичиш). Агар холециститнинг флегмоноз ва гангреноз турлари бўлса, операция йўли билан даволанади. Холецистоэктомия (ўт пуфагини олиб ташлаш) кўлланилади.

ФОЙД АЛАНИЛГАН АДАБИ ЁТЛАР:

1. Буянов В. М. "Биринчи медицина ёрдами". Тошкент. "Медицина" 1997й.
2. Великорецкий А. Н. "Врач келгунча биринчи тиббий ёрдам үсратиш". Тошкент. "Медицина". 1996й.
3. Ёнгбоев Т.Э. "Шикастланишларда ва баҳтсиз ҳодисаларда шошилинч ёрдам үсратиш". Тошкент. "Ибн-Сино". 1993й.
4. "Домашний лечебник или первая медицинская помощь в дома и на улице". Под ред проф Попова В. А. Ленинград. 1991й.
5. Галькин В. А. "Ички касалликлар". Тошкент "Медицина". 1989й.
6. Морозов В. В. Ромасенко В. А. "Нерв ва психик касалликлар". Медицина психологияси асослари. Тошкент. "Медицина". 1986й.
7. Заликина А. С. "Беморларнинг умумий парвариши". Тошкент. "Ибн-Сино". 1995й.
8. Қосимов Э. М. "Ички касалликлар пропедефтикаси". Тошкент. "Ибн-Сино". 1996й.
9. Маҳмудов. О. С. "Болаларнинг юқумли касалликлари". Тошкент. "Ибн-Сино". 1995й.
10. Хидиров. О. Абильпайзиев. А. "Шикастланганда шошилинч тиббий ёрдам". Ўқув қўлланма. Гулистан 2001.
11. Мажидов В.М. "Юқумли касалликлар" Тошкент "Ибн Сино" 1993 йил.
12. "Медицина ҳамширалари ўқув қўлланмаси" Рамазонова Р.А. пахрири остида Тошкент "Ўқитувчи" 1985.
13. "ТИББИЙ МУОЛАЖАЛАР" Сабиров. Д. М, Газизов. А. З, И smoилова. 1. X., Тошкент. "Ворис" 2007 йил
14. Тиббий билим асослари фанидан ўқув методик мажмуа. Тер.ДУ. Зоология кафедраси. 2011й

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-БОБ. БЕМОРЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ	
Парҳез таомлар ва уларнинг турлари.....	4
Беморларнинг шахсий гигиенаси.....	5
Беморларнинг тана ҳарорати, нафас олиш сони ва томир уриши(пульс)ни санаш ҳамда артериал қон босимини ўлчаш.....	9
Қон айланишига таъсир қилувчи воситалар.....	13
Дори-дармонларни организмга киритиш усуслари.....	17
2-БОБ. КАСАЛЛИКЛАР ВА ЗАҲАРЛАНИШЛАР	
Нафас олиш тизими касалликлари.....	22
Юрак-қон томирлар тизими касалликлари.....	25
Ўткир томирлар етишмовчилиги.....	29
Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари.....	34
Эндокрин ва моддалар алмашинуви касалликлари.....	38
Сийдик таносил тизими касалликлари.....	40
Асаб-рух тизими касалликлари.....	46
Заҳарловчи моддалардан заҳарланиш.....	51
Юрак ва нафас фаолияти тўхтаганда биринчи ёрдам.....	56
3-БОБ. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ АСОСЛАРИ	
Юқумли касалликлар ҳақида тушунча.....	59
Ичак инфекциялари.....	66
Нафас йўллари инфекциялари.....	72
Қон орқали юқадиган инфекциялар.....	75
Антрапозооноз инфекциялар.....	82
Болалар инфекцияси.....	86
Ўта хавфли инфекциялар.....	93
4-БОБ. ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ЖАРРОХЛИК	
Травматология ва жарроҳлик ҳақида тушунча.....	98
Антисептика ва асептика.....	98
Десмургия.....	100
Оғриқсизлантириш.....	103
Қон кетиши.....	104
Травма-шикастланишлар.....	111
Жарроҳлик инфекцияси(Жароҳат инфекцияси).....	115
Корин бўшлиғи органларининг ўткир касалликлари.....	121
Куйиш, совуқ уриши, электр токидан шикастланиш.....	123
Бош шикастланиши.....	128
Кўкрак қафаси ва унинг органларини ёпиқ шикастланиши.....	130
Корин бўшлиғи органларининг шикастланишлари.....	131
Комбинациялашган шикастланишлар.....	131
Корин бўшлиғининг ўткир касалликлари-шок.....	134
Фойдаланилган адабиётлар.....	139

ҚАЙДЛАР УЧУН

